

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**Педагогик технология ва педагогик маҳорат  
йўналиши**

**“КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИ  
МОДЕЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ”**

модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент - 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа  
ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**                   **Низомий номли ТДПУ, п.ф.д., доц. Д.И. Рўзиева**

**Тақризчи:**                   **Сеул педагогика университети (Жанубий Корея),  
профессор. Lee Yu Mi**

*Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2016 йил 29 августдаги  
1/3.8- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	25
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	135
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	179
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	189
VII. ГЛОССАРИЙ .....	190
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	196

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли, бу - демократик хуқуқий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар йўлидир. Республикаиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, олдимиизда турган энг эзгу мақсадларимиз - мамлакатимизни буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам - буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод такдири билан узвий боғлиқдир. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидаёқ таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишни таъминлаш, қобилият ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида она-юрга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган бекиёс саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2012 йил февраль ойида бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти“ мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида “Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илгор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимиизга кўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиш мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз. Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш

одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди” –деб таъкидлаган эдилар. Ушбу форумда сўзга чиққан БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлен Хейзер, Халқаро Вестминстер университети ректори Жеффри Петтс (Буюк Британия), М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори Виктор Садовничий, Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али, Вебстерск университети проректори Нанси Хеллеруд (АҚШ), Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти Эрик Куан, Хосей университети ректори Тошио Масуда (Япония), Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўйича директори Теодор Алерс, ва бошқалар бугунги кунда таълим соҳаси тараққиётнинг бош омили сифатида эътироф этилаётганини таъкидлаб, Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга юқори баҳо бердилар. Тарихан қисқа вақт ичида мамлакатимизда бу борада улкан ютуқларга эришилганлигини таъкидлашиб, Ўзбекистон таълим тизимида изчиллик билан хаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтишди.

Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасаларини барпо этиш билангина чекланиб қолмасдан, ушбу модель авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асослангандир. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистоннинг Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қиласи. Эндиғи, биз педагогларнинг вазифаси замонавий техник таъминотга эга таълим муассасаларида талаблар даражасида инновацион таълим технологиялари асосида ёшларимизга таълим-тарбия беришдан иборат бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида мукаммал ишлаши, замондан орқада

қолмаслиги, ўқитишининг инновацион технологияларини пухта билиши ва ўз фаолиятида жорий этиши зарур. Ҳозирги кунда эски анъанавий услубдаги дарслар ёшларимиз эҳтиёжини қондирмайди, улар бундай дарсларни тинглагиси келмайди.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Профессор-ўқитувчиларининг касбий фаолиятни моделлаштириш маданиятини шакллантириш, педагогик касбий билим ва кўникмаларини Давлат талаблари асосида чуқурлаштириш, янгилаш ва таълим-тарбия жараёнини моделлаштириш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш имконини берадиган замонавий билим ва кўникмаларни таркиб топтириш;

### **Мазкур курснинг вазифалари**

- “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида акс этган вазифаларни амалга ошириш;
- Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш;
- Профессор-ўқитувчилардатоълим жараёнини моделлаштиришда амалга ошириш учун зарур бўлган методологик билимларни шакллантириш, кўникмаларни таркиб топтириш;
- Таълим-тарбия жараёнини моделлаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш учун зарур бўлган методик билим, кўникма, малака ва компетенция (лаёқат)ни таркиб топтириш;
- Ўқитувчиларни таълим-тарбия жараёнини моделлаштиришга ўргатиш, шу йўналишда таҳлилий-танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка эга педагогик кадрларнинг янги авлодини шакллантириш;

- Педагогик вазиятларни моделлаштиришнинг методологияси ва назарий масалалари билан таништириш;
- Ролли ўйинларни моделлаштириш жараёнини ташкил қилиш, такомиллаштириш ва самарадорлигини орттириш йўллари билан таништириш;
- **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- Модел, моделлаштириш тушунчаларининг таърифи, ўхшашлиги, фарқли томонлари ҳақида билиши;
- Таълим тарбия тизимини моделлаштириш, лойиҳалаш;
- Педагогик мухит, педагогик вазиятларни моделлаштириш;
- Ролли ўйинларни моделлаштириш, касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини моделлаштириш ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

#### **Тингловчи:**

- Таълим тарбия жараёнини моделлаштиришни ташкил қила олиши;
- Педагогик вазиятларни моделлаштириш ва лойиҳалаштиришни амалга ошириш;
- Дарс жараёнида ролли ўйинларни моделлаштириш;
- Касбга тайёлаш тизимини моделлаштириш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- Касбий фаолиятни моделлаштириш технологиясини ярато олиши;
- Таълим тарбия жараёнини моделлаштириш ва лойиҳалаштириш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

#### **Тингловчи:**

- Педагогика ва дидактика моделлаштириш технологияси, ўкув жараёнини моделлаштиришга инновацион ёндашувлар, шунингдек педагогик тизим ва жараёнларни моделлаштиришни билиши ва шу жараёнга мослашиши.
- Таълим муҳити: моделлаштириш ва лойиҳалаштириш, ўқитишнинг мазмунини педагогик моделлаштириш, ўқитиш мазмунини педагогик моделлаштириш технологияси ҳақида тасаввурга эга бўлиши, амалда қўллашга ўрганиши.
- Имитацион моделлаштиришнинг умумий муаммолари, имитацион моделлаштиришнинг асосий концепциялари ва инструментал қарорларини ўрганиши.
- Замонавий фан ва амалиётда ўйинли моделлаштириш, ролли ўйинларда педагогик вазиятларни моделлаштириш, ўйинли моделлаштиришни қўллаш технологиясини ўзлаштириши.
- Ўқитувчини касбга тайёрлаш тизимида педагогик вазиятларни моделлаштириши, коммуникатив компетентликни ривожлантиришда педагогик вазиятларни моделлаштиришдан фойдалана олиши.
- Педагогик конфликтли вазиятларни моделлаштириш.
- Тарбиявий технологияни моделлаштириш, тарбиявий тизимни моделлаштиришнинг этнопедагогик технологиясини билиши, шу мавзуга оид билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан,

экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, бошқа интерактив таълим усууларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси” модули мазмуни ўқув режадаги “Педагогнинг лойиҳалаш маданияти” ва “Педагогик тантрика” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг мобилиловалар яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогика ва дидактикада моделлаштириш технологияси, “Касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси”амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

T/p	Модул мавзулари	Умумий соат	Жами аудитория	Назарий	Амалий	Мустакил	Таълим
1	Педагикада моделлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти.	4	4	2	2		
2	Таълимий мухитни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш.	4	4	2	2		
3	Имитацион моделлаштиришнинг умумий масалалари.	4	4	2	2		
4	Ўйин тарзида моделлаштириш ва унинг моҳияти.	6	6	2	4		

<b>5</b>	Педагогик низоларни моделлаштириш.	6	4		4	2
<b>6</b>	Масофавий таълим моделлари таҳлили.	4	4	2	2	
<b>Жами</b>		<b>28</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>16</b>	<b>2</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1- мавзу:** Педагогикада моделлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти.

Ўқув жараёнини моделлаштиришга доир инновацион ёндашувлар.

Педагогик тизим ва жараёнларни моделлаштириш.

**2- мавзу:** **Таълимий мухитни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш.**

Таълим мазмунини педагогик моделлаштириш. Таълим мазмунини моделлаштириш технологияси.

**3- мавзу:** **Имитацион моделлаштиришнинг умумий масалалари.**

Имитацион моделлаштиришнинг асосий концепциялари ва воситалари.

**4- мавзу:** **Ўйин тарзида моделлаштириш ва унинг моҳияти.**

Ролли ўйин тарзида педагогик вазиятларни моделлаштириш. Ўйин тарзида моделлаштириш технологияси. Коммуникатив компетентликни ривожлантиришда педагогик вазиятларни моделлаштиришдан фойдаланиш.

**5- мавзу:** **Масофавий таълим моделлари таҳлили.**

Масофавий таълимнинг мақсади, мазмуни, моҳияти. Масофавий таълим моделлари таҳлили. Масофавий таълимнинг ижтимоий-педагогик тизимини моделлаштириш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот: Педагогикада моделлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти.**

Ўқув жараёнини моделлаштиришга доир инновацион ёндашувларни таҳлил қилиш. Педагогик тизим ва жараёнларни моделлаштиришни мустаҳкамлаш.

**2-амалий машғулот: Таълимий мухитни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш.**

Таълим мазмунини педагогик моделлаштиришга ўргатиш. Таълим мазмунини моделлаштириш технологиясини ўзлаштириш.

**3-амалий машғулот: Имитацион моделлаштиришнинг умумий масалалари.**

Имитацион моделлаштиришнинг умумий муаммоларини таҳлил қилиш. Имитацион моделлаштиришнинг асосий концепциялари ва воситаларини қўллаш жараёнини машқ қилиш. Кейс-стади топшириқларини бажариш.

**4-амалий машғулот: Ўйин тарзида моделлаштириш ва унинг моҳияти.**

Ролли ўйин тарзида педагогик вазиятларни моделлаштиришга ўргатиш. Ўйин тарзида моделлаштириш технологиясини ўзлаштириш. Коммуникатив компетентликни ривожлантиришда педагогик вазиятларни моделлаштиришдан фойдаланишни кейс-стади топшириғи ёрдамида машқ қилиш.

**5-амалий машғулот: Педагогик низоларни моделлаштириш.**

Тарбия технологияларини моделлаштиришнинг педагогик шартшароитларини амалий машқлар ёрдамида такомиллаштириш. Тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясини ишлаб чиқиши.

**6-амалий машғулот: Масофавий таълим моделлари таҳлили.**

Масофавий таълимнинг мақсади, мазмуни, моҳияти ўрганадилар. Масофавий таълим моделлари таҳлилини Блум таксономияси асосида мустаҳкамланади. Масофавий таълимнинг ижтимоий-педагогик тизимини моделлаштириш тизими таҳлил қилинади.

## **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (күрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Изоҳ</b>
1.	Амалий топшириқ	2.5	Топшириқ, тест – 1.5 балл
2.	Мустақил иш		Мустақил иш – 1 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчилаарни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўкув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчилаарни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Куйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



## **“Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим олувчилар гурухларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириклар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гурухлар баҳоланади.

### **«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзалиги:**


- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш қўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

### **«Кичик гурухларда ишлаш» методининг камчиликлари:**

- баъзи кичик гурухларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичida ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**“ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ** – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра сухбати” методининг тузилмаси келтирилган



### Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра сухбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим

олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йифиб олиниб, таҳлил қилинади.

**“Давра сұхбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**


1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим оловчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан танишириади.
3. Ҳар бир таълим оловчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим оловчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варажалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим оловчи конвертга ва “Жавоблар варажалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим оловчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варажаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим оловчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим оловчига узатади.
6. Конвертни олган таълим оловчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варажалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим оловчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим оловчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим оловчи конвертдаги “Жавоблар варажалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йифиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим оловчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим оловчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим оловчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим оловчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим оловчиларни объектив баҳолаши мумкин.

**“ИШБОП ЎЙИН” МЕТОДИ** - берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик

қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Үйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг хулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан үйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Ишбоп үйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми қатъий белгиланган ва үйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоп үйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гурухли ҳарактерга эга. Қуйида “Ишбоп үйин” методининг тузилмаси келтирилган.



**“Ишбоп үйин” методининг тузилмаси  
“Ишбоп үйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларни аниқлайди.

Қатнашчилар учун йўриқномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.

2. Таълим олувчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.

3. Таълим олувчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.

4. Таълим олувчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.

5. Таълим олувчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга оширадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кузатади.

6. Ўйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади.

Экспертларнинг хуносалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.

7. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак.

**“РОЛЛИ ЎЙИН” МЕТОДИ** - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равища ӯзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргалиқда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характеристери, хулқ-автори муҳим аҳамият касб

этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Куйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



#### “Ролли ўйин” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якунний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Хар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади.

Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозараға жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказиша қуидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлинин қўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Куида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



### Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозараға таклиф этади.


3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласиди.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

**“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ** - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўнимкамаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлиари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Куйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



7. Кичик гурухлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласидилар ва ўз варианларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гурух таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул варианларини танлаб олади.

**“ЛОЙИХА” МЕТОДИ** - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гурухларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йифиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хulosса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гурухий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак. Қуйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган.



**“Лойиха” методининг босқичлари**  
**“Лойиха” методининг босқичлари қуийдагилардан иборат:**

1. Мұхандис-педагог лойиха иши бүйича топшириқларни ишлаб чиқади.

Таълим олувчилар мустақил равища дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йигадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равища иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилған вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гурӯхлар иш режаларини тақдимот қиласылар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бүйича қарор қабул қиласылар. Таълим олувчилар мұхандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бүйича эришиладиган натижаларни мұхокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Мұхандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равища амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гурӯхларда ишлашлари мүмкін.

Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гурӯхлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу: Педагогикада моделлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти.**

**Режа:**

1. Моделлаштириш технологиясининг мазмуни, моҳияти.
2. Педагогик тизим ва жараёнларни моделлаштириш.
3. Ўқув жараёнини моделлаштиришга инновацион ёндашувлар.

**Таянч иборалар:** модел, моделлаштириш, моделлаштиришнинг мазмуни, моделлаштиришга инновацион ёндашув, педагогик тизимни моделлаштириш

#### **1.1.Моделлаштириш технологиясининг мазмуни, моҳияти.**

Узоқ йиллардан буён моделлаштириш илмий тадқиқотнинг энг долзарб методларидан бири бўлиб қелмоқда. Моделлаштириш педагогик тадқиқотларда кишининг тажрибаси, унинг сезги органлари орқали олган таассуротлари ҳамда табиий шароитдаги кузатишларидан олинган эмпирик ҳамда назарий билимларни, яъни педагогик объектни ўрганиш жараёнида тажриба, мантикий боғланишларнинг тузилиши ва илмий абстрактларни бирлаштириш имкониятини беради. Кўп ҳолларда дарсни режалаштириш жараёнида ўқитувчилар педагогик моделлаштириш тушунчасига дуч келишади. Аммо олимларнинг фикрига кўра (1,2,3.ва бошқ.) моделлаштиришга замонавий фанда етарлича эътибор берилмайди, бу эса таълимни модернизация қилишнинг самарадорлигини пасайтирувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда. “Модел”тушунчаси (фр.modele / lot/ modulus –ўлчов, меъер), таълим тарбия жараёнларининг барча шаклларини ўзаро боғлиқлигини таъминловчи, белгиланган мақсад ва вазифаларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган мақсад ва вазифаларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган ва бир бирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат тизимлашган шакл.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган талаблар асосида ишлаб чиқилган, самарали ҳисобланган тушунчалардан фойдаланишни ифодаловчи, мазкур жараённи ташкил этиш босқичлари ва функциялари акс эттирилган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишда

қўлланилиши мумкин бўлган андаза; изоҳли луғатларда нусха, намуна, бирор нарсанинг кичрайтириб ёки катта қилиб ясалган нусхаси маъносидаги тушунтирилади.

“Модел” бу схема, курилма, шартли белги тарзида сунъий яратилган обьект.

Тадқиқ этилаётган ҳолат ёки обьектга ўхшаш бўлиб, унинг тузилиши, хусусиятлари ва элементлари орасидаги боғлиқликни содда ва қўполлашган ҳолда намоён қиласи ва қайта тиклайди .

Бугунги қунда инсоният ўзининг илмий, таълимий, технологик, бадиий фаолиятида атрофидаги оламни моделлаштирмасдан яшашини тасаввур қилиш қийин. Албатта, тасаввур (модел)ларни қатъий, аниқ шакллантириш жуда мураккаб, лекин XXI асрга келиб инсоният моделлаштириш ва ҳар хил обьект ва жараёнлардан фойдаланишга оид бой тажриба тўплади. Моделларни яратиш фаннинг ривожланиш жараёни каби узлуксиздир. Кўргазмали моделлардан ўқитиши жараёнида кенг қўлланилади ва бевосита ўзлаштирилиши қийин кечадиган обьект ёки жараённи кўз билан кўриб тасаввур қилиш имкониятини беради.

Шартли равища моделларни учта турга бўлиш мумкин:

- физик (табиатан асл нусхасига ўхшаш);
- моддий математик (уларнинг моҳияти намунадан фарқ қиласи, аммо асл нусханинг математик тасвири ҳатти ҳаракатларига ўхшаш);
- мантиқий маъноси мос келадиган моделлар (махсус, рамзий белги ва тузилмали схемалардан ясалади .

Юқорида саналган турларнинг қатъий чегараси мавжуд эмас. Педагогик моделлар асосан, иккинчи ва учинчи турга кўпроқ мос келади.

Хўш, моделлаштиришнинг ўзи нима?

“Моделлаштириш методи” - ўқув материаллари ёки таълим мазмунини яхлит тизимга келтириш.

Намуна ёки моделларни яратиша икки усулдан фойдаланилиши аниқланади: билишнинг ўзининг воситалари ва моддий оламнинг воситасида. Айнан шунинг учун моделлар абстракт (мукаммал намуна) ва амалий

(кўрсатмали, ҳақиқий, реал) бўлади. Моделлаштиришнинг шакллари ҳар хил бўлиб, фойдаланилган намуна ва ишлатилиш соҳасидан боғлиқ. Характерига қараб моделлар анъанавий ҳақиқий ва белгили (ахборотли)ларга бўлинади.

Ҳақиқий предметли модельлаштириш объектнинг маълум геометрик, жисмоний, ўсиб борувчи ёки ҳаракатдаги намунасини қайта тиклашга асосланади.

Белгили модельлаштиришнинг асосида эса схемалар, чизма ва формулалар ётади. Бундай модельлаштиришнинг асосий тури математик модельлаштириш ҳисобланади. Амалий педагогикада модельлаштиришнинг аҳамиятини ўрганиш эса модельлаштиришнинг дескриптив (тинч), прогностик ва норматив вазифаларига муражгаат қилиш билан мақсадга мувофиқ бўлади.

Дескриптив вазифанинг моҳияти шундан иборатки, намунани абстрактлаштириш ҳисобига кузатув обьекти, ҳолат ёки жараённи содда қилиб тушунтириш имкони туғилади.

Прогностик (башоратловчи) вазифа модельлаширилаётган тизимнинг келажакдаги хусусиятлари ва ҳолатини олдиндан билиш имконини беради.

Норматив вазифа эса “кандай бўлиши керак” деган саволга жавоб беради ёки нафақат мавжуд вазиятни тасвирлаб беради, унинг фойдаланилган мезонида акс этган субъекти, қизиқишлари норматив кўрсаткичларининг суръатини яратади. Бугунги кунда модельлаштириш методларини икки синфга ажратиш мумкин: сифат ва сон методлари ёки мазмунли ва шаклли методлар. Сифат методларига: сценарийлар методи, график (тасвирли) методлар, қуриш методлари ва х.к.

## **1.2. Педагогик тизим ва жараёнларни модельлаштириш.**

Замонавий педагогика ва дидактикани модельлаштириш методисиз тасаввур қилиш қийин. Педагогика илмида таълимнинг мазмунини ва ўқув жараёнини бирдек модельлаштириш қабул қилинган. Илмий моделлар аниқ ўқув фанларини ўқитиш учун восита сифатида қурилган.

Модельлаштириш методикасини ўзлаштириш зарурияти илмий билишнинг умумий методи, шунингдек, психологик педагогик идрок нуктаи назаридан ҳам муҳимдир. Ўқувчилар ўрганилаётган ҳолатнинг ҳар хил

моделини тузсалар, моделлаштириш ўқув воситаси сифатида, ўқув материалини умумлаштириш усули сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари ўқув материалини моделлаштириш уни мантиқий тартибга солиш, семантик (маъно жиҳатидан) схемаларини тузиш, ўқув маълумотини кўргазмали шаклда тақдим этиш мнемоник қоидалар ёрдамида жонли тасаввур қилишни назарда тутади. Мнемоника тушунчасини Педагогика энциклопедиясида (юн. эслаб қолиш санъати)-1) эсда олиб қолишни осонлаштирувчи усуллар йигиндиси; 2) маҳсус чизма ва шартли белгилар ёрдамида муайян тушунча ва маълумотларни эслаб қолиш; 3) таянч сўзларни ажратиш воситасида мантиқийлик ёки англанганлик нуқтаи назаридан хотирада маълумотларни сақлашга қаратилган услугуб ва воситалар мажмуи. Эслаб қолиши керак бўлган нарсаларни маъно жиҳатидан гуруҳларга бўлиб туриб эслаб қолиш, ўзлаштириш лозим бўлган маълумотнинг хотирада сақланиши. Мазкур тушунча дидактика учун муҳим аҳамиятга эга.

Мақсадли ёндашув нуқтаи назаридан педагогикада моделларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

Ўқув моделлари: бу кўргазмали қуроллар, турли машқлар, ўқитиш дастурлари;

Тажриба моделлари: бу лойиҳалаштирилаётган объективнинг кичрайтирилган ёки катталаштирилган нусхалари. Бундай моделларни шунингдек натурал, яъни табиий ҳолича тасвирлаш дейилади ва объективни тадқиқ қилиш ва унинг келажақдаги тавсифини башоратлашда фойдаланилади;

Илмий техник моделлар жараён ва воқеликни тадқиқ этиш учун яратилади;

Ўйинли моделлар- бу (ҳарбий, иқтисодий, спорт, хизматга доир) рақиб, иттифоқдош ёки душманнинг жавобига эътиборан объективнинг турли вазиятлардаги ҳатти ҳаракатини яратиб бериш;

Имитацион моделлар - фақатгина реал воқеликни аниқ акс эттиришгина эмас, унга тақлид қилиш, ўхшатиш. Бунда тажриба қандайдир ҳатти ҳаракатнинг оқибатларини ўрганиш, баҳолаш мақсадида ёки кўп марта

такрорланади, ёки ҳар хил шароитларга қўйилган, лекин бир бирига ўхшаш объектлар билан бирга олиб борилади.

Моделлаштиришнинг самарадорлигини тасвирлаш мақсадида педагогикага педагогик валидлик (ишончлилиги юқори, айнан ўхшаш, лекин бир хил бўлмаган) тушунчаси киритилган. Педагогик валидлик комплекс тарзда: концептуал (бирор ҳадисага бўлган қарашлар тизими), аниқ мезон, ўлчовлар ва миқдорий жиҳатдан асосланади, чунки кўп қиррали ҳодисалар моделлаштирилади.

Педагогик моделлаштириш билан лойиҳалаштириш фанда ҳар доим ёнма ён, бир бири билан боғлиқ ҳолда ишлатилади. Баъзи манбаларда бу икки шерик тушунчалар бир бирини тўлдиради, синоним сўзлар дейилади. "Проект" сўзи бир неча маънони беради, ва уларнинг барчаси педагогик терминлар. Биринчидан, проект – бу қандайдир ҳужжатнинг дастлабки тахминий матни. Иккинчидан, лойиҳани қандайдир ягона мақсадга йўналтирилган ҳаракатни амалга ошириш учун бир дастур асосида ташкил этилган ҳаракат, тадбирлар йиғиндиси деб тушунилади ва мутахассисларнинг бундай лойиҳалардаги фаолиятини "ўқувчилар тадқиқотининг шакли", деб қаралади. Учинчидан, қандайдир тизим, объект ёки моделни яратиш (ишлаб чиқиш, режалаштириш, ясаш) маъносида келади. Кейинги ўн йилликларда лойиҳалаштириш методи етакчи методлардан бири бўлиб келмоқда. Айнан шу метод ўқувчини мураккаб муаммоларнинг ечимига олиб келади, ижодий қобилиятини равожлантиради, мустақил фаолият билан шугулланишга ундейди. Ҳар қандай тажрибали педагог моделлаштириш ва лойиҳалаштиришнинг бир бирига ўхшаш томонларини топади. Лойиҳани яратиш қандайдир тизим, ҳолатнинг моделини ишлаб чиқиш, яратиш, тадқиқ қилишга асосланади. Лекин, ўтмиш тажрибани янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида моделлаштиришдан фарқли равища лойиҳалаш келажак жараён ва ҳолатларнинг моделини яратишга хизмат қиласи. Лойиҳавий фаолиятнинг компонентлари сифатида аниқ моделлар ёки модуллар (масалан, таълим тизимининг унсурларини бирлаштирувчи функционал боғланмалар).

Педагогик лойиҳалаштириш назариясида:

- 1) Башоратлаш модели (мақсадни аниқ қўя олиш ва ресурсларни қулай жойлаштириш мақсадида);
- 2) концептуал модель (ахборот базасига ва ҳаракатлар дастурига асосланади);
- 3) инструментал модель (унинг ёрдамида ўқитиши воситалари тайёрланади ва ўқитувчини педагогик воситалар билан ишлашга ўргатади; 4) мониторинг модели – қайтар алоқа ва режалаштирилган натижадан оғиш ҳолатларини коррекция қилиш мақсадида; рефлексив модель (кутилмаган ва олдиндан ўйланмаган ҳолатларда қарорлар қабул қилиш.

В.М.Монахов педагогик лойиҳалашнинг тўрт хил эҳтимолли натижасини аниқлайди:

- 1) педагогик тизим;
- 2) таълимни бошқариш тизими;
- 3) методик таъминоти тизими;
- 4) таълим жараёнининг тизими.

Америка олимларининг фикрича, моделлаштириш ва лойиҳалаштириш атамаларини қиёслаш уларнинг бир- бирини тўлдиришига олиб келади, чунки, лойиҳа тизим сифатида моделнинг тизимости қисми, ва аксинча, лойиҳалаштиришнинг ўзи кичкина моделчалардан таркиб топиши мумкин. Шу ўринда, лойиҳалаштириш хусусий моделларнинг яратилишини назарда тутса, моделлаштириш элементлар жамланмаси, жумладан, лойиҳалаштириш назариясини ҳам ўзига қамраб олади.

Моделлаштиришнинг дидактика (таълим назарияси) даги ролига мурожаат қиласар эканмиз, ўқувчига янги материални схемалар, қурилмалар, белгили формулалар, бир сўз билан айтганда моделларсиз баён қилишнинг самараси кам бўлади. Дидактикада моделлаштириш ўқув материалининг таркибини қулайлаштириш, ўқув жараёнини режалаштириши яхшилаш, билиш фаолияти ва ўқув тарбиявий жараёнларни бошқариш, башоратлаш, ташҳислаш, ўқитиши лойиҳалаштиришда қўлланилади. Таълим

босқичларидаги ҳар қандай фан моделга асосланишга эҳтиёж сезади. Математика ва физикани формула ва схемаларсиз, тилларни белгили қурилмаларсиз, бизга нотаниш маданиятни ўша муҳитнинг моделисиз, биологиянинг бўлимларини ҳар хил структура (таркиб)ларнинг макетисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Моделлаштиришни қўллаш ўқув тарбиявий ҳолатлар ва жараёнларнинг моҳиятини янада чуқурроқ англаш, тадқиқотнинг назарий асосларини жиддий ўрганиш билан бевосита боғлиқ. Педагог тадқиқотчи қуидагича моделлар яратиши мумкин.

Ўқув жараёнининг таркибини қулайлаштириш, ўқувчининг мустақил билишини фаоллаштириш, ўқувчига нисбатан шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш ва ҳ.к.

Демак, **моделлаштириш** - “билиш объектларини уларнинг моделларида тадқиқ қилиш услуби; аниқ мавжуд предметлар, воқеалар ва тузиладиган объектларнинг тавсифномаларини аниқлаш ёки яхшилаш, уларни ясаш усусларини қулайлаштириш, бошқариш кабилар учун ясаш ва ўрганиш”.

**Модел** - табиийёки ижтимоий борлик муайян қўринишнинг, инсон маданияти, ғоявий-назарий таълим маҳсулиниң, аслининг ўхшатмаси (чизмаси, таркиби, белгилари тизими). Бу ўхшатма асл бўлиб, унинг хоссалари ва тузилиши, уни ўзgartериш ёки бошқариш ҳақидаги билимларни (маълумотни) саклаш ва кенгайтириш учун хизмат қиласи. Модел - бу аслни билиш ва бошқаришдаги “вакили”, “ўринбосари”дир. Муайян шартларда нусхани тайёрлаш ва тадқиқ қилиш натижалари асл нусхага ўtkазилади»[36]. Моделтушунтириш, олдиндан айтиш, топилмали воситаси сифатида, доимо билишга оид ролни бажаради.

Моделнинг лойихадан биринчи фарқи - уни тузиш мақсадидир. Модел нарса, ҳодисани ўрганиш, маълумот (ахборот) олиш, унинг қирраларини ўрганиш учун, шунингдек, уни ўзgartериш ва бошқариш учун фойдаланилади. Лойиха эса нарсани тузиш, борликка мужассамлаштиришда ишлатилади ва юқорида кўрсатилганидек, билишга оид вазифани бажаради.

Моделнинг бошқа ўзига хос хусусияти, юқорида келтирилган таърифга кўра, у аниқ мавжуд аслни «ифодалайди», «алмаштиради», лойиха эса ҳали мавжуд бўлмаган нарсаларни тавсифлайди. Модел - борлик қисмининг ўхшатмаси; уни тузишда муҳим бўлмаган ҳолатлардан четланилади, фақат бош асосий қисмлар ва тавсифномалар қайд этилади. Модел - хаёлий тузилма. Лойихада, аксинча, келажакдаги нарса ва жараёнлар тўғрисида, шартлар эътиборга олинган ҳолда, аниқ тасаввур аксланади.

Биз берган моделлаштириш тушунчаси таърифида ҳали мавжуд бўлмаган обьектлар хам бўлиши мумкин. Бунда лойиҳалаш ва моделлаштириш тушунчалари ўзаро кесишадилар. Лекин, уларни ажратиш мумкин. Ясалаётган нарса модели бевосита нарсанинг ўзига мужассамланмайди, лекин жараённинг бу энг бошида содир бўлиши мумкин. Моделлаш, шунингдек берилган шартларда маҳсус уюштирилган таъсир натижасида обьектда вужудга келиши мумкин бўлган ҳолат ҳакида янги маълумот олишга имкон беради, яъни, башоратлаш вазифасини бажаради. Моделлаш башоратқилиш услуби сифатида таълим жараёнида ўрганиладиган нарсанинг ахборотли моделини ясаш билан боғланган бўлади. Бу мўлжалланган чизиклар деб аталадиганлар кўринишида ясалган мантиқий чизмалар (у қайси тушунчалар ва таърифлардан қайсилари томон ҳаракат қилишни кўрсатади), мазмуннинг асосий ҳолатларини ёритувчи турли рамзлар ёки мавзуни ўрганишнинг аниқ режаси бўлиши мумкин.

Педагог ва талабаларнинг фаолияти, усууллар билан тўлдирилган ахборотли фаолият моделига, жараёнли моделга айланади. Педагог талабалардаги ва янги маълумотни, мавжуд ва зарур бўладиган одат ва кўникмаларни, боодобликликнинг аниқ ва зарурий даражасини ўзаро солишистиради ва фаразий тарзда талаба учраши мумкин бўладиган қийинчиликларни аниқлайди. Фаразга асосланиб, у муаммонинг ечилишини, бўлиши мумкин бўлган хатоликларни, мақсадга мувофиқ бўлган ёки бўлмаган ҳаракатларни олдиндан кўради, фаолиятнинг муваффақиятли бўлишини таъминловчи воситаларни танлайди, яъни, хаёлан тажрибалар ўтказади. Бунинг учун хаёлий тажрибага яна битта шарт киритилиши лозим - талабаларни

фаолиятга ундовчи шартларнинг ҳолати ва кучини, уларнинг қизиқишларини, ўз-ўзларини тарбиялашга истаклари борлигини назарда тутиш, зарур бўлса, интилишларини ривожлантириш чорасини қўриш лозим.

Педагогнинг юқорида тавсифланган ҳаракатлари, айнан фикран синааб кўриши, лойиҳалаш фаолиятига киритилиши мумкин, яъни моделлаштириш лойиҳалашнинг бир қисми бўлади. Дидақтиқада моделлаштиришни билиш учун педагогнинг лойиҳалаш фаолиятини аниқлаш лозимдир.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган асосий вазифалардан бири фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришдан иборатdir. Ушбу масаланинг ечимида ахборот, педагогик ва ишлаб чиқариш технологиялари ўртасида ўзаро боғлиқлик, мувофиқлик, бир-бирини тўлдирувчанлик бўлиши талаб этилади. Ҳозирги кунда ҳар бир педагог ёки ишлаб чиқариш ходими ахборот коммуникация технологиялари ва техник тизимлари мажмuinи пухта билиши тақоза этилмоқда. Шу билан бир қаторда педагог ишлаб чиқаришнинг фаол иштирокчиси, ишлаб чиқариш мутахассиси ҳам ўз навбатида педагог вазифасини бажариши лозим.

### **1.3. Ўқув жараёнини моделлаштиришга инновацион ёндашувлар.**

Фан ривожи олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларидаги олимларнинг фаолиятига, ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигига, фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этилишига боғлиқдир. Таълим муассасаларида инновацион педагогик технологиялар ва ўқитишининг замонавий техник воситаларини қўлланилиши кадрлар сифатига салмоқли таъсир кўрсатади. Инновацион педагогик технологияларни ривожланиши эса бевосита ахборот технологиялари ривожига, улардан таълим берувчилар ва оловчиларнинг фойдалана билиш даражасига боғлиқдир. Демак, педагогик технологияларнинг ривожи кадрлар тайёрлаш сифатига, кадрлар сифати эса ишлаб чиқариш технологияларини такомиллашувига таъсир кўрсатади. Шу сабабли, педагогик ва ишлаб чиқариш технологиялари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда, ахборот технологиялари ривожи асосида такомиллашиб бориши,

шунингдек ахборотлар макони таълим ва ишлаб чиқариш маълумотлари билан бойитилиб борилиши зарурдир

Педагогикада инноватика.

Педагогик инноватика (янгилик киритиш, инновация) – таълим муассасасининг фаолиятига нисбатан барқарор янгилик элементларини киритиб, унинг ривожланиши ва фаолият қўрсатишига самарали таъсир этувчи мақсадга йўналтирилган ўзгартиришdir. Инновацион педагогик технологиялар айнан таълим-тарбия жараёнида ўқувчи талабалар (tinglovchilar)га муайян фан (мавзу) бўйича билим бериш ва шахсини шакллантиришга қаратилган ўқитишининг замонавий услублари ва техник воситалари мажмуидир.

**Педагогик янгиликларни тарқалиш омиллари.** Педагогик янгиликларни тарқалиш омиллари турли омилларга боғлиқ бўлиб, уларни қўйидаги 3 гурухга ажратиш мумкин:

- Жамиятда педагогик ғояларга бўлган муносабат, халқ таълими соҳасидаги давлат сиёсати: кенг режали ижтимоий шароитлар.
- Аниқ йўналишдаги давлат ва жамият институтлари фаолияти-оммавий ахборот воситалари, ўқув юртлари, таълим органлари, мустақил ижодий педагогик уюшмалар: хусусий ижтимоий шароитлар.
- Педагогик янгиликларни яратувчи ва тарғиб қилувчиларнинг шахсий хусусиятлари, жумладан ушбу кишиларни жамиятдаги тутган ўрни, таълим арбоблари, ўқитувчилар оммаси ва ижодий педагоглар нигоҳида тутган ўрни: шахсий омиллар.

### **Э.М. Роджерснинг таснифи бўйича:**

Инновацион технологияларни қабул қилиш бўйича педагоглар гурухлари:

Новаторлар-авантюрист (таваккалчилик) руҳиятидаги, ҳар қандай янги муносабатлардан янгилик изловчи, янгиликга мойил педагоглар - 2,5%;

Янгиликни эрта тадбиқ этувчилар – новаторлар изидан борувчи, янгиликни тез тадбиқ этувчи, маълумот ва маслаҳат берувчилар- 13,5%;

Дастлабки тадбиқ этувчилар – янги технологияни ўзлаштириш учун маълум вақт талаб этади, камдан- кам ҳолларда етакчи бўлади, олдинги гуруҳдагилар билан эркин мулоқат қиласиди. -34%;

Кеч тадбиқ этувчилар янгиликка шубҳа билан қаровчи, ўзларининг шахсий манфаатлари учун ёки ижтимоий мухит босими остида, янгиликларни фойдали эканлиги тасдиқлангач тадбиқ этувчилар - 34% ;

Иккиланувчилар – анъанавий технологияларни маъқул кўришади, янгиликни жуда кеч қабул қиласиди, янгиликка иккиланиб қарайди, янгиликни ммалашувига тўсқинлик қиласиди.-16%<sup>1</sup>.

**Фанни ўқитиш жараёнини лойиҳалаш алгоритми ва модуллар тизими.** Модул-педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифода этувчи тушунча. Модуллар катта модул, ўрта модул ва кичик модул кўринишида ифодаланиши мумкин. Масалан, фаннинг алоҳида боби ёки бир неча мазмунан бир бирига яқин боблари катта модулни, ундаги алоҳида мавзулар ўрта модулни, мавзу режалари эса кичик модулларни ташкил қилиши мумкин. Модулли ўқитиш технологияси анъанавий ўқитиш технологияларига алтернатив ҳолда, мавжуд педагогик технологиялардаги барча назарий ва амалий прогрессив технологияларни ўзида мужассам этган технология ҳисобланади. Модулли ўқитиш асослари П.Я.Цявичене томонидан ишлаб чиқилган ва тўлиқ баён этилган. Модулли ўқитишнинг моҳияти - талаба модуллар билан ишлаш жараёни орқали ўқув мақсадига мустақил ҳолда (ёки маълум даражадаги ёрдам орқали) эришади. Педагог маълум кетма-кетлик асосида дидактик вазифалар мураккаблашадиган ва модуллар мажмуuidан иборат дастур ишлаб чиқади. Дастурда талабага кириш ва оралиқ назоратлари орқали педагог ҳамкорлигига ўқув устидан ўз-ўзини бошқариш имконияти яратилади.

### Янгилик билан танишиш

---

<sup>1</sup>Alex Moore Teaching and Learning Pedagogy, Curriculum and Culture London and New York. 2012, p. 231

**Янгиликка қизиқиши үйғотиши**

Янгиликни жорий этиши бўйича қарор қабул қилиши

Янгиликни баҳолаш ва аprobация (синов)дан ўтказиши

Янгиликни тадбиқ этиши ёки инкор этиши бўйича қарор қабул қилиши

Янгиликни фаол, мақсадли равишда таълим-тарбияга тадбиқ этиши

Янгиликка оид қўшимча маълумотлар излаш

Янги технология ҳақида билимга эга бўлиш<sup>2</sup>

Модулли ўқитиши технологияси мажмуали ёндашувни ифодалайди.

Мажмуя деганда, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушунилади. Мажмулар назарияси ва мажмуули ёндашув “мажмуя” тушунчасини ифода этмайди.

**Назорат саволлари:**

1. Модел, моделлаштириш тушунчаларига таъриф беринг.
2. Педагогни касбга тайёргарлик тизимини моделлаштиришни тушунтириб беринг
3. Таълим тизимини моделлаштиришда инновацион ёндашувлар ҳақида маълумот беринг

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 41-57p.
2. Alex Moore Teaching and Learning Pedagogy, Curriculum and Culture London and New York. 2012
3. Neil Selwyn Educational and technology key Issues and Debates London 2011.

---

<sup>2</sup>Цыганов, А.В. Инновационные подходы в моделировании учебного процесса [Текст] / А.В. Цыганов// Известия Российского государственного педагогического университета имени А.И. Герцена. – Санкт-Петербург, 2010. – № 136. – С. 136-143.

4. Malcolm, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and Capacity Building for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development no. 531 p.
5. Цыганов, А.В. Инновационные подходы в моделировании учебного процесса [Текст] / А.В. Цыганов// Известия Российского государственного педагогического университета имени А.И. Герцена. – Санкт-Петербург, 2010. – № 136. – С. 136-143.
6. Богатырев, А.И. Теоретические основы педагогического моделирования (сущность и эффективность) [Электронный ресурс] / А.И. Богатырев // Издательский дом «Образование и наука». – Режим доступа: [http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2\\_bogatyrev%20a.i..doc.htm](http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2_bogatyrev%20a.i..doc.htm).
7. Интернет ресурс: <http://www.referat.ru>; [www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru); [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru); [www.inter-nastavnik.iatp.bu](http://www.inter-nastavnik.iatp.bu)

## **2- Мавзу: Таълимий муҳитни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш.**

### **Режа:**

1. Ўқитишининг мазмунини педагогик моделлаштириш.

2. Ўқитиши мазмунини педагогик моделлаштириш технологияси.

**Таянч иборалар:** Таълим муҳити, ўқитишининг мазмуни, ўқитиши мазмунини моделлаштириш, моделлаштириш технологияси

### **2.1. Ўқитишининг мазмунини педагогик моделлаштириш**

Бугунги кунда таълим технологиялардан фойдаланиш ҳажми доимий равишда ортиб бормоқда. Айрим профессор-ўқитувчилар янги педагогик технологиялардан фойдаланишга қаршилик қилмоқда, шунга қарамай баъзи ўқитувчилар ўзларининг ўрганиш курсларини ва дастурларини элктрон вариантда тузиш, ёки ишлаб чиқилган курс ёки PowerPoint тақдимотини интернетга юклашнинг энг оддий усули деб ҳисоблашади.

Таълимнинг кўриниши қандай бўлишидан қатъий назар (ҳоҳ у оддий синфдаги дарс ёки масофали ўқитиши, элктрон ўқитиши ёки аралаш турдаги ўқитиши бўлсин), курс ёки дастурнинг вазифаси, тузилиши, ишлаб чиқилиши, етказилиш тури ва мувоғиқ баҳолаш стратегияси пухта ўйлаб чиқилиши лозим (Стефани, 2006), масалан Масофали ўқитиши.

Ўқув дастурини ушбу услубда ишлаб чиқиш “мантиқий ишлаб чиқиш” модели бўлиб ҳисобланади, акс ҳолда эса ўқув дастури “хронологик” модель бўйича ишлаб чиқилади; бунда баҳолаш маълум бир нукта бўлиб кўринади, акс ҳолда эса талабанинг ўрганиши давомида умумий жиҳат бўлиши мумкин.

Ўқув дастурини ишлаб чиқишнинг мантиқий модели


Профессор-ўқитувчиларга ўқув дастурини тасаввур қилиш учун кўмаклашган модель илк маротаба Коун ва Хардинг (1986) томонидан таклиф қилинган бўлиб, у ҳалигача ҳам жуда қўл келади. 4.1-расмда ўқув дастурларини ишлаб чиқишнинг оригинал мантиқий модели келтирилган бўлиб, уни батафсил кўриб чиқамиз. Биринчи навбатда, ишлаб чиқиш фаолияти диаграммаси атрофидаги кулранг жой хатолик эмас. Унинг маъноси шундаки, у ишлаб чиқиш фаолияти чегараларини кўрсатади, яъни муассаса ва талабалар

жамоаси контекстида рухсат этилган ва этилмаган жиҳатларга қатъий таъсир кўрсатади. Кулранг жойдан ташқари жойлашган, ичкарига йўналтирилган стрелкалар иш билан таъминловчилар, корхналар ва ўқитиладиган ўкув дастурига асосли қизиқиши билдираётган бошқа манфаатдор шахсларни билдиради.

### **Намунали ўқитиш 2-курсни тузиш ва ишлаб чиқиш**

Окленд университети ўрганиш ва ўқитиш бўйича кўп йиллар мобайнида фаолият кўрсатаётган сертификатланган бакалавр дастурига эга. Ўрганиш ва Ўқитиш Университети сертификати (СУЛТ) курсини тугатиш бир қатор мавзулар бўйича ўзлаштирилганликни кўрсатувчи портфелнинг презентациясини талаб қиласи. Ушбу мавзулардан бири курсни тузиш ва ишлаб чиқиш бўлиб, ўзининг йўналиши бўйича тажрибадан келиб чиқиб, Курсни Тузиш схемасининг қўйидаги моделини тақдим қилди:

<b>Орқа фон</b>	<b>Муассаса, факультет ва бўлимни ҳисобга олинг (яъни курсни тузиш учун контестни тузинг)</b>
Режалаштирилаётган ўрганиш натижалари	Талабалар курс охирида нима қила олишади. Фаол феълларда ифодаланади Махсус ва ўлчаб бўладиган бўлиши лозим
Фикрини бериш	Ҳам шакллантирувчи ҳам умумлаштирувчи элементлар Баҳолаш учун ўрнатилган аниқ критериялар Ўрганиш натижаларига батафсил боғланган
Мундарижа	Баҳолаш ва натижаларни қўллаб-қувватлаш учун танланган Натижаларга мувофиқ чуқур/кенг танланган Маълумотлар ва кўникмаларни ўз ичига олади
Курс структураси	Ўқитиш вазиятларининг сони ва тури Танланган мундарижани бошқариш учун талабаларга энг мувофиқларини ажратиб олинг
Синф хонаси	Ҳар бир ўқитиш сессияси учун натижалар белгиланади Ҳар бир ўқитиш сессияси учун мавзуларни ва тадбирларни режалаштиринг Ўзаро таъсирнинг энг мувофиқ режимларини танланг
Баҳолаш	Курс сифати қандай баҳоланишини режалаштиринг Жараён очиқлиги манбаларининг бир нечта турини қўшинг Фақат талабаларни баҳолашдан бошқа вазиятларни ҳам кўринг



### Ўқув дастурини ишлаб чиқиши мантиқий модели (1-расм)


Ишлаб чиқиши циклининг ҳар бир босқичидаги “қандай?” ва “нима?” пунктлари ҳам аҳамиятга эга. Улар бизларни “дастур ёки модуль шакли кўпроқ мундарижа туридан боғлиқ бўлиши керак” деган фикрдан ўтиб фикрлашга, ва мақсад ва кутилаётган натижалар унинг бир қисми эканлигини тушунишга ундаш учун керак.

Мисол учун, агар бизнинг мақсадимиз ўрганишни талабалар маълумотларни таҳлил қила оладиган йўналишда енгиллаштириш бўлса, қилинган услугуб ва ёндашув бошқа йўналишдаги, аммо шу мақсадли бошқа шахснинг услугуб ва ёндашувига ўхшаб кетади, бу ерда эса “қандай” саволи ўқув дастурини тузишда “нима” саволидан кўра кўпроқ марказий бўлиб қолади (Коон, 2006, шахсий муносабат).

Модель ўқитишни қандай қилиб қўллаб-қувватлаш ва нимани ўргатишни ажратиб олишни ўзига савол бериш орқали тезлаштириш, ва бу ишни сикл давомида амалга ошириш имконини беради.

Ушбу модельнинг янгироқ модификацияси 2-расмда кўрсатилган. Ушбу модификацияланган модель ўрганиш натижаларини ишлаб чиқиши жараёни марказига қўяди, курс ва дастур учун мақсад ва натижаларни акс эттирадиган


муносабатдаги кичик ўзгаришларни кўрсатади. Ишлаб чиқиш жараёнининг ҳар бир босқичида “нимага” саволини қўшиш ўқитувчиларнинг талabalар амалиётида савол беришини рағбатлантириш ва буни ўқув дастурини ишлаб чиқишида акс эттиришни кўзлади.



Коун аввалги модели модификацияси (2-расм)

Ушбу модельдан фойдаланиш ўқитувчига ўрганиш натижаларини равшан ва имкониятли тилда аниқлаб олиш, ва бу орқали талabalарга уларнинг ўрганиш стратегиялари орқали фикрлаш имкониятини беради. У шунингдек ўқитувчиларни режалаштирилган ўрганиш натижаларига талabalарни қай тарзда йўналтириш учун кўмаклашади.

Ўқув дастурларини ишлаб чиқишининг ушбу мантиқий модели Биггзниңг ўқитиши, ўрганиш ва баҳолашни мувофиқлаштириш модели (1999) билан мос келади. Кўплаб ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, талabalар ўқитувчилардан анча олдин баҳолаш жараёни ҳақида ўйлай бошлайди, шу сабабли курсни ёки ўқув дастурини ишлаб чиқишининг охирги қисми кўриб чиқилади. Ўқув дастурида талabalарнинг ўқитувчиларга нисбатан таққослаган истиқболлари орасидаги фарқларни кўрсатиб берувчи Биггз модели 3-расмда кўрсатилган.



### Ўқув дастурига бўлган қарашлар (З-расм)

*Манба: Биггз (1999:142). Опен Университет Пресс Публишинг Сомпани рухсати билан кўрсатилган<sup>3</sup>.*

Умуман, таълимнинг мазмунини моделлаштириш уни ташкил этиш шакли, ўқитиш воситалари билан чамбарчас боғлиқ.

XIII-XIV асрлардан бошлаб Европада биринчи университетлар ташкил этилганда, маъruzalар ўқитишнинг асосий бир шакли сифатида юзага келди ва у ҳозирги кунга қадар олий таълим тизимида ўқитишнинг етакчи шакли сифатида ўқув жараёнида қўлланилмоқда. Маъруза дастлаб қадимги Грецияда юзага келган бўлиб, кейинчалик ўрта асрларда қадимги Римда ривожланди. XIX аср ўрталарида келиб, назарий ва техниковий билимларнинг ривожланиши талабаларнинг мустақил изланишлари ҳамда фаоллигини ошириш мақсадида маъruzalарни амалий машғулотлар билан тўлдириш зарурлигини талаб этди. Шу сабабли, маъruzalар талабаларга ўқув адабиётлари устида мустақил ишлашга йўналтирувчи машғулот тури сифатида қарала бошланди. Таниқли рус хирурги ва педагог Н.И. Пирогов кўрсатганидек, маъруза қачонки маъruzachi мутлақо янги илмий материалларга ёки алоҳида нутқ қобилиятига эга бўлсагина яхши маъруза деб тан олиниши мумкин. XIX асрнинг ўрталарида келиб Россиянинг айrim олий ўқув юртларида тажриба сифатида маъруза машғулотлари ўқув режасидан чиқарилди. Лекин, ушбу ҳолат ўзини оқламади, талабаларнинг билим даражаси кескин пасайди. XIX аср охири ва XX аср

<sup>3</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 41-57p.

бошларига келиб ўқитиши услублари “фаол” ва “нофаол” турларга ажратила бошланди.

### **Маъруза дарсларини моделлаштириш**

“Бир неча иқтисодчи ўқитувчилар талабаларни ҳаракатга келтириши ва реал иқтисодий масалаларга жалб этиши учун ўқитиши жараёнига таълимий ўйинлар ва моделлаштиришини киритишди. *The International Review Иқтисодий таълим* – масалаларнинг фойдали манбаси. Мақолалар ўзида пул курси назариясини, “назарий қидирув” пул моделини, (Hazlett, 2003) ва нархни мувозанатлаши ва тартибга солишини намойши этиши учун ролли ўйинларни/дарсларни жамлаган (Крюзе и др., 2005). Мураккаб гояларни ўқитишида ўйин ва моделлаштириши жуда самарали бўлиши мумкин. Лекин уларга ўқув режасида самарали интеграция ва реал шароитларда яхии текшириши керак – ишончли бўлмаган ўйинлар ўқув жараёнини бузиб юбориши мумкин. Ўйин ва моделлаштириши учун жуда пухта тайёргарлик зарур. Бу ёндашувни хии билмаганлар, яхиси бошқа усуллардан фодаланганлари маъқул. Боргандарни виртуал муҳим дарс, маъруза ва мустақил тадқиқотларни қўллаб-қувватлаши учун хизмат қилмоқда Академик фойдаланиши тез ривожланмоқда: 2003 йилдаги Миллий Таҳлилда Иқтисодчи Маърузачиларнинг 58 фоизи онлайн қўллаб-қувватлаши амалга оширилганини таъкидладилар. 2005 йилги Таълимий Тадқиқот ва Технология таҳлилида эса, бу кўрсаткич 87 фоизни ташкил этиб, фақатгина 4 фоиз қарши бўлган. 2005 йилги Таҳлил шуни кўрсатадики, 90 фоиз Иқтисодчи Маърузачидар ўз материалларини Интернетга жойлаганлар. Бундан таълимнинг дастлабки икки йилида, талабалар кўпсонли гуруҳларда ўқиётганларида кўп фойдаланаадилар. Онлайн ресурслар кўпинча турли типлар, материаллар (масалан, слайдлар, дарсликлар, тарқатма материаллар, муаммоли тўпламлар, муаммо ечимлари, моделлаштиришилар, видео ва ҳ.к.) ларни ўз ичига олади.

*Маърузаларда талабалар фақат эшитиши имкониятига эга эканликлари, ўзлари мавзу бўйича ҳеч бир маълумот қўшиши, ўз фикрларини билдириши имкониятлари камлиги сабабли, маъруза ўқитишнинг “нофаол” шаклига киритилиб, маърузалар ўқитиши давомида муҳим рол ўйнамайди деган фикрлар ҳам пайдо бўлган. Ижтимоий муҳитнинг ўзгариши ва таълим жараёнидаги тезкор ўзгаришлар таълимнинг ташкилий шакли ва моделига ҳам таъсир этди. Мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида маърузага ўқув жараёнида етакчи ўрин берилган ва фан учун ажратилган ўқув юкламасининг деярли 1/2 ёки 1/3 қисми маъруза машғулотлари учун ажратилган. Шунингдек, бугунги кунда таълим жараёнида маърузанинг ўрни ва шакли маълум даражада турли хил баҳсларга сабаб бўлмоқда. Умуман маърузанинг таълим жараёнидаги етакчи ўрни хусусида икки хил фикрлар юзага келмоқда”<sup>4</sup>.*

Биринчи, маърузанинг таълим жараёнида етакчи ўрнини ёқловчи фикрлар: Маъруза тарафдорлари “Хозирги кундаги мавжуд ахборотлар маконида маълумотларнинг жуда қўплиги сабабли айнан маъруза талабаларга тўғри йўл кўрсата олади, керакли ва зарур материалларни олишларига ёрдам беради, бўлмаса улар бундай ахборотлар маконида кераксиз маълумотлар ичida адашадилар ва кўп вақт йўқотадилар”- деб таъкидлашмоқда. Шунингдек:

маъруза - мавзу бўйича тизимли таҳлиллар бериш талаб этилган ҳолларда кўпроқ мақсадга мувофиқ машғулот шакли бўлиб ҳисобланади.

Маъруза - талабаларни илмий иш жараёнига, илмий фаолият билан шуғулланишга йўналтирувчи машғулот шаклидир.

Маъруза - янги мавзуга ёки мавзунинг янги бўлимига ўтишда талабалар диққатини фаоллаштиришнинг самарали услуби ҳисобланади.

Маъруза - олинган билимлардан фойдаланиш эҳтиёжини шакллантиради.

---

<sup>4</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teachingand learningCurriculum design anddevelopment, Lorraine Stefani, 300-303p

Маъруза - айниқса, кейинги гурухий машғулотларга тайёрланишда, курс ёки бўлим бошида қисқа кириш шаклида олиб борилса янада қўпроқ самара беради.

### **Иккинчи, маъруза машғулотларига қарши фикрлар:**

Ахборот ва маълумотлар етарли, мустақил ўқиш ва ижод қилишга катта аҳамият берилаётган, виртуал ва анимацион маърузалар мавжуд бўлган бир вактда маърузани ўқитишининг “нофаол” шакли сифатида иккинчи ўринга қўйиш ва уни ўқув жараёнидан чиқариш лозимлигини ёқлашмоқдалар. Шунингдек: маъруза- бошқа шахс(маърузачи) фикрини нофаол қабул қилишга ўргатади, мустақил фикрлашга тўсқинлик қиласди.

Маъруза- мустақил таълим самарадорлигини пасайтиради.

Маъруза- қачонки ўқув адабиётлари йўқ ёки етарли бўлмасагина зарур.

Маърузада- айrim талабалар тушунишга улгuriшса, айrimлари фақат маъруза матнини механик ёзиб борадилар холос.

Маърузага қарши фикрдаги педагоглар маърузани ўқув жараёнида ёрдамчи ташкилий шакл сифатида қараб, етакчи шакл сифатида талабаларнинг мустақил ишларини ҳамда турли қўринишдаги гурухли машғулотларни илгари суришмоқда. Агар маъруза маълумотларни тўғридан-тўғри узатувчи шаклда қаралса, айrim жиҳатдан юқоридаги фикрлар тўғри бўлиб чиқади. Чунки, агар маъруза маълумотлар манбаси сифатидагина қаралса, ҳозирги қундаги замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали ахборотларни узатиш манбалари ва формалари билан рақобатлаша олмайди. Шу сабабли, ҳозирги қунда маърузанинг шакли ва услублари ўзгариши талаб этилади. Олий таълим муассасаларида маърузалар ўқитишининг аниқ бир шакли сифатида юзага келгандан ҳозирги қунга қадар ўз моҳиятини замон талабларига мос ҳолда ўзгартириб келган ва қўйидаги қўринишларга эга бўлган:

- маъруза- чиройли нутқ санъати, ораторлик қобилияти сифатида;
- маъруза- ахборотни тўғридан-тўғри узатувчи ўқитиши шакли;
- маъруза - ахборотни умумлаштирувчи ва муаллифлик талқини(интерпрентацияси );

- маъруза - диалог кўринишида ўқув машғулоти;
- маъруза - муаммони ўқув шаклида ёритади;
- маъруза-ижтимоий ҳодиса сифатида.

Маърузани тўғридан-тўғри фақат ахборот ёки маълумотларни узатувчи шаклдан диалог кўринишда, муаммоли шаклга ва ниҳоят ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлиши албатта ўқув жараёнига инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилиши билан боғликдир.

*“Кўплар бу усулни нотўғри талқин қилиб самараси паст техник усули деб талқин қиласди, шунга қарамасдан талабаларни билим олишида маъруза театр тажкриба сифатида бу фанларни ўқиттишида алоҳида ўрин эгаллайди. Маърузага қарши аргументлар жуда кўп ва кучли баъзиларини таъкидлашича ўқитувчининг фаоллиги ҳамда талабанинг нофаоллиги нокулай вазиятларни түгдиради; ўқитувчи эътиборни талаб қиласди; ўқитувчининг манологи билимларни алоҳида модел бўлиб тузулиши талабани фикрини узоқлаштиради, талаба фақат ёзув билан банд бўлиб сұхбатда ўзи шитирок этмагандан сўнг фаоллик сусаяди. Бу қарама-қаршиликлардан келиб чиқсан ҳолда маъруза ҳақида ўқиттиши ҳодисаларини ичидаги ёмони маъруза деган фикр келиб чиқшии мумкин.*

*Аммо, лекин юқоридаги фикрга қарши маъруза шаклини оқловчи важлар бор. Улардан бирортаси ҳам ёмон маърузани оқлаш учун етарлича эмас ва таълимни мақсадига эришиши йўлида пайдо бўлаётган тўсиқлардан ҳимояланмаган. Маъруза шаклидан таълим мақсадига қараб унинг турларидан ўринли фойдаланган ҳолдагина оқлаш мумкин. Шунинг учун бу ерда маъруза каби ўқиттиши шаклига семинар, ўқиттиши дастурлари каби бошқа таълим шаклларига нисбатан этибор кўпроқ қаратилган, чунки улар етарлича ёритилган.*

*Катта гуруҳларда ресурсларни тежсаб, билимларни бериш мақсадидага маърузалар бугунги кунга қадар сақланиб келмоқда. Энг оддий маъруза шакли кўп таркибли талабалар гуруҳларини бирданига ўқиттиши самарасини қўрсатади. Шунга қарамасдан: Маъруза бизга нима беради? - деган савол түгилади. Бу саволга:*

*Маърузаларни турлари кўп, мақсадига қараб танлаш керак - деб жавоб берсак бўлади.*

**Кўргазмали маъруза** - аналитик мисолларга таянган ҳолда ишилаб чиқилган маъруза. Уибу маъруза шакли адабиётни ўрганаётган талабалар мисолида кўрсак талабага таниши бўлган мавзу матни ва энди танишиадиган мавзу матни турлича услубларда намойши этилади. Бу фойдаланилган услубларни камчиликлар ва ютуқларни кўрсатиб беради ва энг зукко талабани аниқлашида ёрдам беради.

**Тезисли маъруза** аксинча кўп холатларда далиллар қисми, тортиниувга ундаидиган, баъзида провакацион вазиятлар ечимини топшига ундаидиган таълим шакли. Маърузани ўқишини уибу тури жавобни айтишига ундаидиган ёки таниши нарсаларга ажсоиб назар ташлаши учун ишилаб чиқилган. Тезисли маъруза тушунтириши маъруза билан чамбарчас боғлиқ бўлиб энг қийин қисмларни тушуннарли қилиб ўқишида, маърузачининг имкониятларидан келиб чиқиб тушунчаларни ва гояларни намоишлар орқали талабаларни билимини баравар, мунтазам равиида текшириб боршига имконият яратиб беради. Маърузалар шунинг билан шартлар ёки матнга таянган ҳолда шакланши мумкун: таалуқли бўлган мавжуд материалларни бирлаштириши ва шу орқали тадқиқод обьектларини ёритши. Маъруза-кенг категория бўлиб бир қатор кичик жсанрлардан таскил топади, улар эса ўз йўлида аниқ мақсадни кўзлайди. Хар бир холатда маъруза бошқа шакиллар таъминлаб бера олмайдиган ишини таъминлайди.

*Хулоса қилиб шуни айтишимиз жоизки таълимниң маъруза шакли кўпқиррали, мақсадига қараб ўзгаручанг, ўзига хос хислатларга эга шаклдир. Улар интерфаол бўлиши мумкун, талабаларни савол-жавобга, диалог, полилог, мухокамаларга унда бара маънни фикрларни, аргументларни кичик маърузалар орқали бир нечта одам беши-үн дақиқа мобайинида баён этиши мумкин.<sup>5</sup>*

---

<sup>5</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teachingand learningCurriculum design anddevelopment, Lorraine Stefani, 315-317p.

## **Замонавий маърузаларнинг таълим тизимидағи ўрни**

Маъруза, нутқ, тақдимот (презентация) - аниқ мавзу бўйича маълумотни тақдим этишнинг умум қабул қилинган усули ҳисобланади. Маърузада тизимли равища, маълум кетма-кетлик асосида назарий характердаги материаллар ўқитувчи (маърузачи) томонидан тингловчилар эътиборига етказилади. Кўпгина кўрсаткичлар бўйича “Маълумотни узатиш, етказиш” энг қийин услублардан бири ҳисобланади. Маълумотлар ва ахборотларни маъруза шаклида узатиш олий таълим тизимида ўқитиш услубларидан бири бўлиб, тингловчиларнинг билим даражалари, малакаси, таянч маълумотлари ва ёшига, айрим ҳолларда жинсига ҳам боғлиқ жараён ҳисобланади.

Маъруза (лотин тилида *lectio-ўқиши*) - бирор бир илмий, сиёсий мавзу бўйича ўқув материалини оғзаки баён этиш.

Маъруза - аниқ мавзу бўйича маълумотларни маърузачи (бир киши) томонидан тингловчилар гурухига бир текисда етказиш усули ҳисобланади. Одатда маърузада тингловчилар аудиторияси нофаол қабул қилувчи сифатида намоён бўлади.

Аслида, таълим тизимида замонавий маърузанинг ҳақиқий ўрни қандай? Бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши, демократик ва ҳукуқий давлатнинг ривожланиши кенг умуммаданиятли дунёқарашни, кадрлар малакасини қайта тайёрлашни, замон талаблари руҳида ўзини такомиллаштириб боришини талаб этади. Мана шундай шароитда таълим муассасаларида маъруза машғулотларини ўрни қандай бўлмоғи лозим? Анъанавий усулдаги маърузалар ёшларимиз эҳтиёжини қондирадими? Ҳозирги кунда таълим бериш услуби сифатида маърузаларга қарама-қарши ҳолда видео ва кинотехника, телевидение, мультимедиа воситалари, баҳс ва мунозаралар, сұхбат, анжуманлар, “айланма стол”, оғзаки журнал, ролли ўйинлар ва шу қаби ўнлаб интерактив услублар қўлланмоқда. Маъруза ўқиётган педагог талабаларга “жонли” (“живое”) билимни етказади, яъни у мавзу бўйича ахборот ёки маълумот бермайди, у олим, ўз соҳасини эгаси, тарғибот қилувчи нотиқ ва аудиторияни тўлиқ ҳис қилувчи тарбиячи сифатида чиқиш қиласи. Айтиш

лозимки, ҳозирги замонавий ахборот ва коммуникацион воситалар маъруза ўрнини боса олмайди, фаннинг илмий ва тарбиявий хусусиятларини, аудитория ҳолатини, билишнинг психологик қонуниятларини, тингловчи томонидан эшитилган маълумотларни қайта ишлаш имкониятларини, тингловчининг дунёқарашини, ҳиссиётини ва эътиқодини янги ахборот технологиялари имкониятлари бир вақтда ҳисобга ола олмайди. Шу сабабли ҳозирги шароитда маърузаларнинг қўйидаги хусусиятлари ошиб бормоқда:

- ахборот бериш, узатиш (мавзу бўйича тўғридан-тўғри ахборот ва маълумотлар берилади);
- мотивацион (фанга, билимга эҳтиёж, назарияга ишонч ва ўрганиладиган мавзунинг амалий аҳамиятига қизиқишини уйғотиш);
- ташкилий - йўналтирувчи (манбалар ва ўқув адабиётларига йўналтириш, мустақил ишни ташкил этиш бўйича маслаҳатлар);
- касбий-тарбиявий ( касбга садоқат руҳида тарбиялаш, касбий этика ва маҳсус қобилиятларни ривожлантириш);
- методологик (тушунтириш, таҳлил қилиш, интерпретация ва олдиндан билишнинг илмий услублари);
- баҳолаш ва ривожлантирувчи (фикрлаш, идрок қилиш, муносабат билдириш, баҳолаш қобилиятларини шакллантириш).

Ҳозирги кунда маъruzанинг ахборот бериш, узатиш функцияси ўз таъсирини йўқотмоқда. Бу албатта, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида турли хил ахборот манбаларининг юзага келганлиги билан боғлиқдир. Шунга боғлиқ ҳолда маъruzанинг йўналтирувчи ҳамда мустақил таълимга эҳтиёж ошиши билан методологик функциясининг роли ҳам ошиб бормоқда. Юқоридагиларга боғлиқ ҳолда маърузачи ўз маърузасини режалаштиришда маъruzанинг функциясини бирламчи деб олиши муҳим ҳисобланиб, маъруза сифати ҳамда самарадорлигини белгилайди.

Умуман, “Замонавий маърузалар қандай бўлиши керак (What is modern lecture) ?” –деган саволга, қўйидагича жавоб бериш мумкин: маъруза - кучли эсда қоладиган баҳс, дискуссия; маъруза - янги ёки эски муаммолар бўйича

аниқ лойихаланган ва баҳс қилинмайдиган қарор ва тасдиқлардир; маъруза - аниқ ўзаро муносабат, фикр алмашиш; маъруза - назария ва шахсий тажрибалар комбинацияси; маъруза - замонавий маъруза ўта “мосланувчан” бўлмоғи лозим; маъруза - бу мавзуни яхши биладиган ва ниманидир билишни жуда хоҳловчилар ўртасидаги диалог; маъруза профессионал томонидан ўқиш давомида ўқувчилар гуруҳини фикрлашга ундовчи, қандайдир муаммо устида танқидий ва фаол ўйлашга, тафаккур қилишга ундовчи жараён. маъруза - “жонли” нутқ, уни ўрнини ҳеч қандай ахборот узатувчи восита боса олмайди, у “жонли” мулоқат.

Хулоса қилиб айтганда, талаба ҳозирги ахборотлар маконида зарур ва керакли маълумотларни мустақил ола олмайди, у адашиши мумкин, маъруза унга йўл кўрсатади. Лекин, маъруза эски анъанавий усулда мавзуу материалларни “ўқиб бериш” бўлиб қолмаслиги керак. Замонавий маъруза аввалги ўқитишининг “нофаол” усулидан “фаол” усулига ўтмоғи, баҳс, мунозара, сухбат, муҳокама шаклида амалий ишларнинг уйғунлиги, яъни интерактив усулларда ташкил этилмоғи лозим. Шу сабабли ҳозирги вақтдаги кўплаб инновацион услублар ўқитишининг интерактив услубларини қўллаш билан боғлиқдир. Айрим педагоглар ўқитишининг интерактив услублари деганда замонавий ўқув-визуал материаллар (мультимедиа ва анимацион слайдлар, тарқатма материаллар, маъруза матнлари, техник воситаларнинг моделлари, макетлари ва б.)дан ҳамда замонавий техник воситалар (компьютерлар, электрон доскалар ва б.)дан фойдаланиш, маъруза матнларини олдиндан талабага тақдим этиб, талабанинг дарсга тайёр бўлиб келишини таъминлаш кабиларни тушунишади. Албатта бу тўғри фикр эмас. Фанлар бўйича маъруза турлари ва маърузаларни ташкил этиш технологиялари таҳлили.

## **2.2. Ўқитиш мазмунини педагогик моделлаштириш технологияси.**

1980-йилларнинг охирида олиб борилган илмий ишларнинг кўпчилигига маърузаларда ўтириш талабаларнинг ўрганиши учун доимо ҳам самарали йўл бўла олмайди деган фикр таъкидланиб, кейинги йилларда маърузалар

миқдорининг камайиши кузатилади. Аммо маъруза ҳозиргача ҳам талабаларнинг таълимий тажрибасининг учун муҳим қисм бўлиб қолмоқда, ҳатто масофали таълим олаётган талабалар ҳам интернет орқали ёзилган маърузаларни кўришлари ва тинглашлари, ёки реал вақтда онлайн маърузаларда видео-конференция технологиялари орқали иштирок этишлари мумкин. Шундай фикрлар ҳам борки, маърузаларнинг сақланиб қолганлигига охирги ўн йил давомида Буюк Британияда талабалар сонининг сезиларли ошганлиги сабаб бўлган. Чунки билимларни етказишнинг бошқа самарали воситалари ҳам мавжуд<sup>6</sup>.

Маъruzani моделлаштиришда унинг қандай маъруза эканлигини ҳамда маъруза мақсадини тўғри аниқлаш ҳам муҳим ҳисобланади.

Маърузалар дидактик вазифасига кўра қўйидаги турларга бўлинади:

1. Кириш маъруzasи. Бундай маъruzанинг вазифаси талабаларга фан тўғрисида умумий йўналиш бериш, уларда қизиқиш уйғотиш, қўйилган саволлар бўйича мустақил фикрлаш ва жавоблар излашга йўналтиришдан иборат. Бундай маъruzada ташкилий-йўналтирувчи ва мотивацион функциялар устун туради.

2. Мавзу бўйича маъруза. Маъruzada аниқ бир муаммо ёки мавзу бўйича маълумотлар намойиш этилиб, таҳлил қилинади, хулоса чиқарилиб исботланади. Маъruzani режалаштиришда ахборот бериш, ташкилий-йўналтирувчи ва методологик функцияларга кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади.

3. Якуний ёки умумлаштирувчи маъруза. Маъруза мақсади - семестр давомида ўтилган мавзулар бўйича берилган материалларнинг ўзак ғоясини ва моҳиятини максимал даражада қисқа шаклда бериб, объектлар ва ҳолатлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва боғланишларни ажратиб тизимлаштиришдан иборат.

---

<sup>6</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 58 p.

Маърузалар, уни режалаштиришдаги устун турувчи функцияларни амалга ошириш мазмунига қараб ҳам қуидаги турларга бўлиниши мумкин:

- ахборот-таҳлилий;
- муаммоли;
- ташкилий – йўналтирувчи (ёки “установочные”- йўл-йўриқ, кўрсатма берувчи);
  - маъруза-маслаҳат;
  - маъруза –диалог;
  - ходисавий маъруза.

Ушбу маъруза турлари ичидаги муаммоли маърузалар алоҳида эътиборга эга ҳисобланади. Бунда маърузачи дастлаб муаммоли вазиятни ҳосил қилиши, кейин муаммонинг моҳияти ва таҳлилини келтириши ва муаммо ечими бўйича ўз фаразларини баён этиши лозим.

АҚШда ҳозирги кунда маъруза-панель амалиётда кўплаб қўлланилади. Бундай маърузалардаги мунозара ва баҳсларда қўйилган муаммо ечими бўйича ўз дунёқараси ва фикрига эга бўлган бир неча юқори малакали эксперталар иштирок этишади. Шунингдек, амалиётда бир неча маърузачилар иштирокидаги маърузалар, яъни ҳар бир маърузачи ўз позициясига (маърузачи, эксперт, танқидчи, мавзу бўйича муаммо ташловчи ва б.) эга бўлган маърузалар ҳам кенг қўлланилади.

Ходисавий маъруза бу маърузанинг алоҳида жанри бўлиб, бунда маъруза ижтимоий ҳодиса сифатида тушунилади. Бундай маърузаларга Нобел мукофоти сорвингдорларининг маърузаларини келтириш мумкин. Лекин, таълим жараёнида ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги фаолияти даврида бундай маърузалар тингловчининг шахсий ҳис-туйғуларига таъсир этиши, унинг билишга эҳтиёжини ривожлантириши, муаммо бўйича ўз фикрларини ҳосил қилишга ва аниқлаштиришга шароит яратиши, ўзининг дунёқараси ва фикрини уйғотиб, уни баён қилишга имкон бериши лозим.

*“Семинарлар, уларнинг соф шаклда, албатта, жуда катта фарқ қиласи.*  
*Семинар деган сўз лотинча қатор деган терминдан пайдо бўлган, аниқроғи семинар бу*

талаабалар қаторида, орасида мухокама ва рефлекслар орқали ўтказиладиган интелектуал ривожланиши жараёни. Семинарларда гурӯхлардаги талаабалар сони чегараланмаган кўп вазиятларда ўн кишидан иборат ёки унданда кўп бўлиши мумкин, улар уч соатгача давом этиши мумкин ва турларга бўлинади.

Устоз томонидан берилган йўналитишлар бўйича бир киши ёки гурӯҳ семинар доирасида тақдимот, мухокамалар саволлар билан иштирок этади. Таълимдаги бу шакл талаабаларни маъсулиятни ҳис қилиб ўқув жараёнига ёндашувини фаоллаштиради. Семинар ўзи инерт шаклида бўлиб мухокама деб хисобланади. Ўқитии шакллари – мақсадларга эришиши учун яратилган эркин тузилмалар:

Агар семинар мақсади талаабалар берилган матн ёки мавзу бўйича мухокама қилиши бўлса унда семинарга пухта тайёргарлик кўриши керак. Масалан катта гурӯхларда кичик гурӯхларга нисбатан ташкилий ишлар, тузулма кўпроқ бўлади.

Бир томондан семинарнинг мақсади жамоавий тадқиқот ишлари ҳақиқатдан унумли ва самарали бўлишини кафолатлаш учун кичик гурӯхларда матн ёки хужжатларни биргаликда берилган мавзу бўйича иштирокчиларни ҳаммасини фаолигини назарда тутган бўлса, иккинчи томондан нафақт биргаликда силлиқ қонун қоидаларга бўй суншии, балки икки киши томонидан олиб борилган тадқиқотлар ҳам самарали натижага олиб келиши мумкин.

Бугунги олий таълим мактабларда турли хил қобилиятга эга талаабалардан ташкил топган бўлиб, улардан кўплари асосий йўналишидан ташқари ундан-да юқорироқ даражага эришиши ишларини ташкиллаштиришини ва тайёргарлик кўришини талаб қилмоқдалар. Ўқитувчиларнинг фикрича семинарларни талаабаларни аудитория соатларида тизимли ва талаобга жавоб берадиган шакллар бўйича тайёрланиши керак деб ҳисоблайди. Бугунги кунда кўп ўқитувчилар вертуал семинарлар каби қўшимча шаклларнинг устунлигини таъкидлашмоқда, яъни талаабалар мухокама, қайтар алоқа вақтида ўқинг, тадқиқ қилинг ва жавоб бершидан олдин

*фикранг деб йўналтиради. Бу синтетик жараёнлар янги технологиялар билан қўлланилиб ўтишии мумкин. Ундан ташқари вертуал семинар кўп катта гуруҳларда ўз фикрини баён этишига уяладиган талабалар учун катта имкониятлар яратиб беради. талабаларнинг ишончи, ўз овози пайдо бўлишини кафолатлаши мумкин.*

### *Амалиёт сўрови*

*Юқоридаги мисолларга таянган ҳолда қўйдаги фикрга келса бўлади, фанга таалуқли семинарларнинг аниқ мавзулари бўйича у ҳафтадан бу ҳафтага ўтадиган намунавий дастурлар қай даражада ўзгариши мумкин? Керакли натижага эришии учун семинарлар қандай ташкиллаштирилиши керак?*

### *Баҳолаи*

*Санъат, гуманитар ва ижтимоий фанларни ўқитшида талабалар билимини баҳолаи бўйича фикрлар, тортушувлар анча кўп. Олий таълим муассасаларида охирги ўн йилдаги қўлланилаётган инновациян назорат усуллари талабалар орасида бирбиридан кўчиришини чекловчи усул ҳисобланади. Охирги кунда гуруҳларда ёки индивидуал тарзда топшириқга қараб ижодий ёки амалий кўргазмали лойиҳа, эссе, тезис ижтимоий интерпретация, оғзаки тақдимотлар баҳолашининг шакллари кўп, онлайн ва бошқалар. Баҳолашининг бундай шаклларидан ташқари экспертиза, курс иши, шакллантирувчи ёки йигинди баҳо кўринишидаги бўлади. Гендр тенглиги тан олинган худудлардаги баҳолашига ёндашуви алоҳида аҳамиятга эга ва қизиқарлидир, бу бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган.<sup>7</sup>*

**Классик таълим модели** доирасида маъruzанинг хусусиятлари Замонавий маърузаларнинг турли хилда эканлигини эътиборга олган ҳолда, классик таълим модели доирасида маъruzанинг юқоридаги хусусиятларини кўрсатиш мумкин

---

<sup>7</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 316-318 p.

Таъкидлаш лозимки, замонавий таълим мұхитида маъruzаларни олий таълим тизимида ўқишиңи ташкил этишнинг етакчи формаси эканлиги сақланиб қолган ҳолда, унинг турлари, шакли ва мазмунининг интенсив ривожланиши кузатилмоқда. Албатта маъruzанинг тури, шакли, мазмуни ва функционал вазифаси таълим берувчи ва таълим оловчы ўртасидаги ўзаро, биргаликдаги фаолиятни белгилайди. Мини-маъruzалар – “кичик”, жуда қисқа ҳажмдаги маъruzалар бўлиб, унда мавзу бўйича аниқ, таянч саволлар ва ибораларнинг қисқа мазмуни ёритилади. Бундай маъruzалар қўпинча амалий фаолиятни, илмий тадқиқотларни бошлашдан олдин ўтказилади. Очиқ маъruzалар – муайян фан бўйича ўқув дастуридаги мавзуни талабалар, шунингдек, шу мавзуга қизиқиш билдирган ва маҳсус таклиф этилган профессор-ўқитувчилар, олим ва мутахассислар аудиториясида маъруза шаклида ўтказиладиган дарслар очиқ маъruzалар деб аталади. Очиқ маъruzаларни ўтказишидан мақсад профессор-ўқитувчиларни тегишли фан, техника ва технологиялари соҳалари бўйича жаҳонда эришилган ютуқ ва янгиликлар билан хабардор бўлишларига эришиш ва улар асосида замонавий педагогик ва ахбороткоммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда маъruzаларни тайёрлаш, ўтказиш ва шу тариқа таълим сифатини ошириш ҳамда тайёрланадиган кадрлар рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатdir.

Очиқ маъruzаларни ўтказиши вазифаларига қуйидагилар киради:

- талабаларга фандаги сўнгти ютуқ ва янгиликларни етказиш;
- таълим сифатини бошқаришда фан, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш;
- илмий-услубий жиҳатдан етук маъruzаларни тарғибот этиш;
- ёш ва бўлажак педагог кадрларнинг касб маҳоратини ошириш;
- илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчиларни, ўз касбий маҳоратларини ошириш устида мунтазам ишлашларини таъминлаш ва уларда ўкув жараёнидаги масъулияtlарини ошириш;
- юқори савиядаги маъруза муаллифларини рағбатлантириш ва тақдирлаш.

Очиқ маърузалар одатда, ўз соҳаси бўйича таниқли ёки илмий мактаб яратган, илмий даража ва унвонга эга бўлган тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан ихтиёрий равишда ўтказилади. Маърузани тўғридан-тўғри ўқиш ўқитишининг самарали услуби сифатида хато ҳисобланади, чунки маърузачидан жуда қисқа вақт давомида катта ҳажмдаги маълумотларни тингловчиларга етказиш талаб этилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маъруза давомида тингловчилар нофаол фаолият юритувчи бўлмасдан, бевосита маърузанинг фаол иштирокчиси сифатида қатнашишса маъруза самарадорлиги ошади, айрим ҳолларда мавзу бўйича маълумотларни ўзлаштириш даражаси 20 фоиздан 80 фоизгacha этиши мумкин. Бунинг учун маърузалар инновацион технологиялар асосида ўқитишининг интерактив усулларидан кенг фойдаланилган ҳолда ўтилиши зарур.

### **Маъруза машғулотларини тақдимот усулида ташкил этишни моделлаштириш**

Тақдимот— маъруза мавзусига оид матн, гипертекст материаллар, компьютер анимациялари, графиклар, видео, музика ва овозларни (барчаси бир вақтда бўлиши шарт эмас) биргаликдаги мажмуаси ва тақдимоти тушунилади. Презентация сюжет, сценарий ва маълум таркибга эга бўлиши зарур. Тақдимотнинг оддий маърузадан фарқи унинг интерактивлигидадир. Тақдимот мақсади ва аудитория (tinglovchilar тоифаси)га боғлиқ ҳолда турли хусусиятларга эга бўлади ва қуийдаги турларга бўлинади: маърузада мавзуни тўлиқ ёритиш ва ўқувчи-талабалар (tinglovchilar) томонидан маъруза мазмунини максималь даражада аштиришларига имкон яратувчи тақдимот.

Мавзуни мустақил ўрганиш учун тайёрланган презентация. Бундай тақдимотда деярли барча элементлар (матн, гипертекст, анимация ва б.) иштирок этади ва асосан гипертекст элементларидан фойдаланган ҳолда тадбиқ этилади:

- бирор бир тадбирни ёки ҳодисани шарҳлаш учун тузилган тақдимот. Бундай тақдимотларда одатда матн бўлмайди. Тақдимот мультимедиа ва бошқариш элементларидан ташкил топган бўлади.

➤ видеонамойиш учун яратилган тақдимот. Бунда интерактив элементлар иштирок этмайди. Тақдимот обьекти ҳақидаги видеоролик, айрим ҳолларда обьект ҳақида матн ва аудио ёзувдан иборат бўлиши мумкин;

- электрон рекламалар учун тақдимот. Маълумот ҳажмини қисқа баён қилиш мақсадида мультимедиа элементларини минималь даражада қўллаб яратилади;
- мобиЛЬ телефонлар ва смартфонлар учун тақдимотлар.

Юқоридагилардан ташқари тақдимотнинг бошқа турлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси мавзу (объект) тўғрисидаги маълумотларни тингловчиларга етказиш учун хизмат қиласди.

Тақдимотнинг мақсади - талабаларни маъruzachi билан биргаликда мавзу бўйича фикрлашга ва мавзуни таҳлил қилишга ундашдан иборат. Шу сабабли, тақдимот аудитория учун осон қабул қилинадиган, талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотадиган ва диққатини тортадиган кўринишда тайёрланиши зарур. Тақдимотни кенг аудиторияга тақдим этишдан олдин уни чукур таҳлил қилиш, мумкин қадар презентация материалларида хато ва камчиликлар бўлмаслиги керак. Мавзуни тақдимот қилишда тингловчиларни барчаси маъruzaza матнида келтирилган маълумотлар билан бир фикрда бўлмасликлари, яъни, тақдим этилаётган маълумотларни тўғри қабул қилмасликлари ҳам мумкин. Шунингдек тақдимот материали шундай тайёрланиши лозимки, тингловчи маъruzachi қўшимча тушунтириш қилмасданоқ мавзунинг моҳиятини тушуниб олиши мумкин бўлсин. Маъruzaza матни тушунарли ва осон ўқиладиган кўринишда бўлмоғи лозим. Айрим ҳолларда, маъruzachi маълум вақтга аудиториядан чиққанда ҳам, тақдимот материалларидан масала мазмуни тушунарли, тақдимот материалларидаги барча ёзувлар аудиториянинг исталган жойидан эркин ўқиладиган бўлиши зарур. Агар тақдимотдаги ёзувлар охирги қаторда ўтирган талабалар учун яхши кўринмайдиган ёки ўқиш қийин бўладиган кичик ўлчамдаги ҳарфларда берилган бўлса, талабаларнинг диққати бўлинади ва маъruzaza самарадорлиги камаяди. Тақдимот вақтини режалаштиришда тингловчилар томонидан саволлар берилиши, саволларга

жавоб, тингловчиларни қисман дам олишлари учун вақт (хар қандай мавзу бўйича узлуксиз 20 минутдан ортиқ тақдимот қилинганда талабаларни мавзу материалларини қабул қилиш даражаси сусаяди) ҳам ҳисобга олиниши зарур. Тақдимот охирида тарқатма материаллар берилиши ҳам кўзда тутилса янада яхши бўлади. Бу талабаларни мустақил равишда ушбу мавзуга яна қайтишларига ва маъruzadаги материалларни эслаб қолишларига имконият яратади.

### **Тақдимотни режалаштириш.**

Тақдимотни режалаштиришда дастлаб асосий мақсад ва вазифалар аниқлаб олиниши ва тақдимот режасининг назорат варақаси ишлаб чиқилиши зарур.

### **Тақдимотнинг назорат варақаси**

1. Тингловчилар билишлари, эслаб қолишлари учун презентация мақсади ва вазифаси аниқ белгилаб олинади.
2. Тақдимотда тақдим этиладиган асосий маълумотлар, мавзунинг таянч иборалари ёки асосий мазмунини ёритувчи шакллар, схемалар, жадваллар ва б.аниқланади.
3. Тақдимотда маълумотларни тақдим этиш кетма-кетлиги тузилади.
4. Тақдимотда фойдаланиладиган ўқув-визуаль материаллар танланади.
5. Тақдимотда тақдим этиладиган материаллар ҳажми таҳлил қилинади.

Материал жуда катта ҳажмда эмасми?

6. Мавзу бўйича визуаль материаллар намойиш этилганда, мавзуни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган ҳаётий мисоллар келтирилади.
7. Мавзу материалларини намойиш этиш техник воситаларини танлаш, уларни бошқариш кетма-кетлиги белгиланади.
8. Тақдимотнинг вақти. (одатдаги маъruzalardan 80 минут).

### **Тақдимотни самарали ташкил этиш йўллари**

*“Аниқлик ва тизимилилик бўлмаган жойда талабалар осонгина адашишиади. Буни унча катта бўлмаган маъруза аудиторияларида кузатиш мумкинки, бу борада маъruzachi учун талабалар қарашларини қайси нуқтада*

*тасдиқлашларини олдиндан белгиловчи турли стратегиялар зарур бўлади. Иқтисодиётда ҳам, бошқа соҳалар сингари, берилаётган маълумотни ҳаётий фактлар ва мисоллар ёрдамида мустаҳкамлаш, талабаларнинг шахсий ҳаётидаги, миллий ва дунёвий доирадаги муаммолар ёрдамида ўқув материалини сингдирishi лозим бўлади. Маъруза орқали талабалар фаоллигини ва қизиқишини сақлаб туриш стратегияси тўғрисида бошқа бобда тўхталиб ўтилганди (5-боб). Бугунги кунда технологик ечим жуда ривожланган. Маърузаларда талабаларнинг ноутбуклардан фойдаланиши ўсиб бормоқда. Бу маъруза материаларидан электрон шаклда фойдаланиши ва хulosалаш имконини бермоқда. АҚШ да талабаларнинг ноутбукардан фойдаланишлари учун рози ва қарши бўлган одамларнинг шов-шувлари баҳслари мавжуд. Бунинг натижасида айрим маърузачилар бу амалиётни таъкидламоқчи бўлдилар. Бошқалар эса, ноутбукдан хии фойдаланувчи алабалар учун бу ривожланувчи тенденция эканини таъкидламоқдалар. Айрим маърузачилар талабаларга электрон шаклда хulosалаш мумкин бўлган материалларни тақдим этмоқдалар. Бу материаллар ўзида тугалланмаган маълумотлар, PowerPoint слайдлари, графиклар бўлиб, талабада ишилаш ва ривожланиши замин яратади. Равишанки, худди шу самарани таълимий тарқатма материаллари ёрдамида ҳам олиш мумкин”<sup>8</sup>.*

1. Маърузачининг “нофаол” маъруза ўқиши вақти 20-30 минутдан ошмаслиги лозим.
2. Аудиторияга савол билан мурожаат қилинг. Саволларга жавоб бериш учун талабаларга савол жавобига яқинроқ тушунтиришлар орқали имконият яратинг, лекин саволни тўлиқ жавобини ўзингиз ёритманг.
3. Тақдимот вақтида баҳс, мунозара-муҳокама ҳосил бўлишига шароит яратинг. Аудитория тингловчиларини икки гурухга ажратиб, мавзу бўйича уларнинг фикрларини билинг, гурух сардорларини бир-бирига ўз фикрларини

<sup>8</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 285-287p

тушунтиришларига шароит яратинг. Якунида ушбу масала бўйича ўз фикрингизни билдириб, хulosаланг.

4. Аудиторияда мавзу бўйича муаммоли вазият ҳосил қилинг. Дастрраб талабаларни мустақил ишлашларига имкон беринг ва бир неча талабанинг муаммо бўйича фикрларини билинг. Кейин муаммо ечимини ёритинг.

5. Барча материалларни маъруза шаклида тақдим этманг. Слайдлар ва бошқа кўринишдаги ўқув-визуал материаллар ёрдамида талабаларни мустақил ўқишилари учун вақт ажратинг.

6. Интерактив услубнинг “Кичик гурӯҳларда ишлаш” техникасидан фойдаланинг. Муҳокама жараёнини юмшатишга ҳаракат қилинг. Муҳокама вақтида мавзу бўйича асосий масалалар эътибордан четга қолишига ва мавзудан четга чиқиб кетишига йўл қўйманг.

7. Мавзунинг асосий масалаларини талабалар ўzlари очиб беришлари мақсадида, аудиторияга саволлар билан мурожаат қилинг. Саволлар мавзунинг асосий мазмуни бўйича берилиши лозим.

8. Мавзу бўйича хulosा қилинг. Савол - жавобларга вақт қолдиринг.

### **Ривожлантирувчи таълим моделлари таҳлили**

Биз албатта ривожлантирувчи таълимга ўтишимиз зарур. Бундай таълимнинг мақсади, анъанавий таълим тизимидан фарқлироқ, талабаларни ўқитиши, уларга стандарт муаммо ва вазиятларда ўз билимларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмалар бериш эмас, балки уларни ўқишига, мустақил фикрлашга ва ностандарт вазиятлар шароитида ҳам муаммолар ечимини топишига ўргатищдан иборат бўлмоғи лозим.

Замон талабларига мос ҳолда маъruzalarning rivожлана бориши анъанавий таълим модели доирасида чеклангандир. Чунки маъruzaga фақат ўқитишининг бир ташкилий формаси сифатида эмас, балки талабалар мустақил фикрлашини, муаммоли вазиятлардан чиқишида мустақил қарорлар қабул қилишларида амалий кўникмалар ҳосил қилишларининг бошқарувчи воситаси сифатида ҳам қараш лозимдир. Бунинг учун ривожлантирувчи таълим, ушбу таълим моделида маъruzazining tutgan ўрни ва функционал вазифаси тўғрисида

тўхталиб ўтиш лозим ҳисобланади. Замонавий маъruzаларни таълим жараёнида тутган ўрни, моҳияти ва функционал вазифасини аниклаш учун ривожлантирувчи таълимнинг қуидаги икки моделини қисқа таҳлил қилиб чиқамиз.

## **1. Ривожлантирувчи таълимнинг циклик модели**

Фаолиятни ривожлантириш модели.

Ривожлантирувчи таълимнинг циклик модели.

Андрогогиканинг асосий концепциясига мувофиқ катта ёшдагиларни ўқитиш бир неча цикларни ўз ичига олади.

Аниқ тажрибалар

Фаол тажриба

Абстаркт концепциялаштириш

Рефлексив кузатиш

Ўқитиш цикли модели (Колб, Фрай)<sup>9</sup>

Ўқитиш ва таълимни ривожлантириш циклик жараён давомида юзага келиб, тажрибаларга асосланади ва қуидаги босқичлардан ташкил топади:

- аниқ тажрибалар ўқувчининг шахсий тажрибаси ва кузатишлари натижасида олинган маълумотларни тўплашдан бошланади.
- рефлексив кузатиш тўпланган маълумотларнинг маъносини ва моҳиятини излаш, таҳлил қилиш ва фикрлаш жараёнларини ўз ичига олади.
- абстракт концепциялашда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш модели ва йўллари концепцияси яратилади.

Фаол тажриба- амалий тажрибалар ўтказилади.

Ушбу модел ўзига хос муҳим хусусиятларга эга бўлиб, бунда ўқитиш бир-бири билан кетма-кет боғланган босқичлардан иборат циклик жараён шаклида ташкил этилади. Жараён тажрибадан бошланади ва ҳеч вақт босқичлар ўртасида узилиш бўлмайди. Цикллар нафақат маълум кетма-кетлик асосида

---

<sup>9</sup>[www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru)

бир-бирини алмаштиради, балки бир-бирига қарама-қарши ҳам туради. Масалан, аниқ тажрибаларга абстракт концепциялаш қарши турса, фаол тажрибага рефлексив кузатиш қарши бўлади. Ўқитиш жараёнида турли педагоглар ушбу циклнинг у ёки бу босқичига қўпроқ эътибор қаратишади ва бу ҳолатни Колб ва Фрай “ўқитиш стили” деб кўрсатади. Ушбу моделга мувофиқ ўқувчи ўз тажрибаси ва билимининг қайси соҳада етарли эмаслигини аниқлаштиради, қийналаётган муаммоларини шакллантиради ҳамда ушбу муаммоларни ҳал этиш воситалари ва йўлларини белгилайди, ўқув мақсадини аниқлаб олади. Фаолиятни ривожлантириш модели. Олий таълимда талабаларга фан бўйича олинган билимларни амалда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш, билимларни ривожлантириш ва қайта ишлашга ҳам ўргатилади. Таълим бериш жараёнида моделлар ўрни алмашади - касбий фаолият кўриниши ўзгаради, талабанинг қобилияти, уқуви ривожланади, ўқув мақсади ўзгаради. Таълим фаолиятининг ривожланиш самараси ҳам айнан шу билан характерланади. Ривожланувчи фаолият қуйидаги уч хил йўналишда амалга ошади:

1. Шахсий фаолиятда
2. Фаолият рефлексиясида
3. Методологик мұхитда

Бу ерда методология билим олишда юзага келадиган қийинчиліккларга қаратилган ғоялар, концепциялар, услублар ва воситалар мажмуи сифатида қаралади. Таълим жараёни нуқтаи назаридан ушбу моделни қуйидагича ўқиш мүмкін: талаба ўз фаолияти давомида рефлексив ҳолатга олиб чиқувчи бир қанча муаммоларга дуч келади ва кетма-кет равишда қуйидаги уч жараённи амалга оширади:

- таҳлил – ўз фаолиятини тадқиқ қилиш, яъни фаолиятни қайта шакллантириш ва ўзлаштиришдаги муаммоли вазиятларни аниқлаш;
- танқид – ўзлаштиришдаги муаммолар сабабини аниқлаш;
- меъёрлаштириш - фаолиятни ривожлантириш. Муаммони баратараф этишга қаратилган ғоялар, гипотезалар ва усувларни ўйлаб топиш, янги меъёрларни тузиш.

Анъанавий ва ривожлантирувчи таълим моделларини таққослаб қўйидагиларни аниқлашимиз мумкин: Анъанавий таълим моделининг мақсади ва натижаси стандарт вазифаларни ечиш бўйича билимлар бериш ҳамда амалий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ривожлантирувчи таълимнинг мақсади ва натижаси бўлажак мутахассисларни аниқ ишлаб чиқариш шароитида муваффақиятли фаолиятини амалга оширишга қаратилган компетентлигини ривожлантириш, нафакат стандарт вазиятларда, балки ўзгарувчан ностандарт вазиятларда ҳам мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича билимлар бериш ва амалий кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Ривожлантирувчи таълим моделида маъruzza диалог шаклида олиб борилади ва талабада маъruzza мазмуни бўйича таҳлил қилиш, изланиш, янги ғоялар ҳосил бўлиш, ўз ғоя ва фикрларини баён этиш, бошқа талабаларнинг ушбу муаммо бўйича фикрларини тинглаш ва унга ўз муносабатларини билдириш имконияти яратилади.

### **Таълим моделларининг хусусиятлари**

Талаба маъruzada фақат тингловчи сифатида эмас, балки жараён иштирокчиси сифатида фаол қатнашади. Ривожлантирувчи таълим ташкилий формасининг ўзига хос хусусиятлари педагогик мулоқотнинг қўйидаги уч турини ўз ичига олади:

1. Талабанинг шахсий мустақил иши.
2. Талабаларнинг гурухий мустақил ишлари.
3. Талабаларнинг ўқитувчи иштирокидаги гурухий мустақил ишлари.

Педагогик мулоқотнинг ушбу уч тури биргаликда мутахассислар тайёрлашда талаб этилган компетентликни ривожлантиришнинг тўлиқ циклини ҳосил қиласи ва бу жараён қўйидаги тартибда амалга ошади. Талаба дастлаб ўз шахсий тажрибалари ва билимларига суянган ҳолда ўрганиладиган мавзу (фан) бўйича маълумотларни тўплаб, уларни мустақил ўргана бошлайди. Ўрганиш давомида талабанинг билим ва тажрибасини етарли эмаслиги сабабли қийинчиликлар ва тушунмовчиликлар юзага келади. Шунда гурухий мустақил машғулотлар давомида бошқа талабаларнинг билимлари ва қобилияtlари ёрдамида тушунилмаган маълумотларни ўзлаштиришга харакат қиласи.

Кейинчалик юзага келган саволлар ва муаммолар бўйича ечимларни ўқитувчи иштирокидаги мустақил таълим давомида аниқлаштириб боради. Ушбу циклик кетма кетлигни қуидаги тасвирлаш мумкин:

- Таълим моделларини таққослаш
- Классик таълим модели
- Ривожлантирувчи таълим модели
- Билиш-тушуниш
- Стандарт вазиятларда қўллаш тажрибаси
- Тажрибарефлексия-билимни ўзгарувчан вазиятларда қўллаш тажрибаси

Ушбу цикл бўйича ўқитишни ташкил этиш шакли шахсий тажриба ва қобилиятни ривожлантиришни универсал механизми сифатида қаралиб, ривожлантирувчи таълимнинг моҳиятини очиб беради. Ривожлантирувчи таълим модели асосида ўқитишда ўрганиш талабанинг мустақил ишидан (шахсий мустақил, гурухий мустақил, аудиторияда мустақил иш, аудиториядан ташқари мустақил иш ва бошқа бошланади ва ушбу машғулот тури етакчи ҳисобланади. Бошқа ўкув машғулот турлари эса иккинчи даражали бўлиб хизмат қиласди.

### **Ривожлантирувчи таълимда маъруза турлари.**

Замонавий таълим жараёнига янги гурухий ўқитиш технологияларини қўлланилиши, ўз хусусияти билан бошқа маърузалардан фарқ қилувчи мини – маърузаларни юзага келишига олиб келди. Ушбу маъруза тури ривожлантирувчи таълим етакчи ғоясида (парадигмаси)да ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ривожлантирувчи таълимда талабаларнинг мустақил ишларига катта эътибор қаратилишидадир. Бунда асосий маъруза 15-30 минут бўлиб, қолган вақт талабаларнинг мустақил ёки гурухий ишлашлари учун ажратилади. Мини маърузалар ҳам ўз вазифасига боғлиқ ҳолда бошқа маърузалар сингари турлича бўлади. Таълим олувчининг мавзууни ўзлаштиришдаги муаммолари ва қийинчиликларига боғлиқ ҳолда мини-маърузаларни қуидаги уч турга бўлиш мумкин.

**1. Маъруза-навигатор.** Мини маързанинг биринчи вазифаси анъанавий ўқитиш шаклидаги кириш маързасига мос келади. Анъанавий маързадаги кириш маързасида маързачи фан бўйича умумий маълумотлар бериб, фаннинг бўлимлари ва улар ўртасидаги боғланишлар, фаннинг умумий мақсад ва вазифалари, ривожланиш тарихи тўғрисида маълумотлар беради. Ривожлантирувчи таълим ўқитиш цикли моделига асосан мини маързу-навигаторда маързачининг асосий мақсади нафақат фаннинг мазмунини очиш ва умумий йўл-йўриқ бериш, балки талабалар билан биргалиқдаги гурухий фаолият давомида фаннинг моҳияти ва мазмунини ёритишидан иборат бўлиши лозим. Бундай маързалар мазмун-моҳият жиҳатидан навигатор ҳисобланиб, талабага келажакдаги фаолиятининг режасини ишлаб чиқишга, мустақил ўрганиши лозим бўлган масалаларни белгилаб олишга имкон яратади. Шунингдек, талаба томонидан мустақил фаолият чегараси белгилаб олинади, шахсий ва гурухий мустақил ишлар бўйича талаблар ҳамда топшириклар аниқланади.

Маъруза-навигаторлар ўқитиш циклини бошлаб беради ва талабани мустақил ишлашга йўналтиради.

Маъруза ўтишдан олдин, ҳар бир ўқитиш фазаси бошида ҳамда фанни ўрганиш давомида савол ёки муаммолар юзага келганда ташкил этилиши мумкин.

**2. Рефлексив маързалар.** Ривожлантирувчи таълим модели бўйича мини-маързанинг иккинчи вазифаси аудиториядаги ҳар бир талабани ва бутун гурухни мавзу бўйича мутақил фикрлашини таъминлаш ҳамда олган билимлар ривожланишининг кейинги босқичига йўналтиришдан иборатдир. Бундай маързалар рефлексив маързалар деб аталади. Рефлексив маързуза педагог гурухдаги ҳар бир талабанинг билим олиш бўйича шахсий ривожланиш қобилиятини ҳисобга олиб, қуйидаги таълимий вазифаларни ечишни режалаштиради:

- гурухдаги қийин ўзлаштирувчи айрим талабаларни фаоллаштириш ва кейинги босқичда биргаликда фаолият юртишга йўналтириш;

- олдин ўзлаштирилган мазмун ва фаолият тури бўйича муаммоли саволларни ташлаб, мавзу бўйича билимни чукурлаштиришга имкон яратиш;
- талабалар билимини ривожланиш поғоналари бўйича ўсишини таъминлаш.

Бундай маъruzada ўқитувчи ўрганиладиган мавзу бўйича ўз руҳий олами, фикрлари ҳамда талабаларнинг шахсий ҳамда гуруҳли фаолияти таҳлили юзасидан вужудга келган муаммоларни умумий муҳокама мазмуни сифатида ўртага ташлайди ва бунинг учун фаолият рефлексиясини ташкил этишнинг қўйидаги усулларидан фойдаланишни тавсия этади:

- таҳлил - ўтган фаолиятни қайта қуриш;
- танқидий таҳлил - қарама-қаршиликларни аниқлаш усули сифатида;
- олдин фойдаланилган услуб, воситалар ва муаммоли саволларни келтириб чиқаришни етарли эмаслиги;
- меъёрлаш - ғоялар ва қарорларни излаш асоси.

Бундай маъruzada жанри ўқитувчидан нутқда юқори аниқликдаги мантиқ ва мазмун бўлишини талаб этади. Маъruzадаги нотиқлик санъати ҳар доим ўтилган мавзуларга мурожаат этиш ва талабани ҳамда гуруҳни кейинги ўзлаштириш босқичига йўналтирувчи саволларни ўртага ташлаш билан белгиланади. Масалан: “Олдин Сиз ушбу мавзу бўйича “.....” деб фикр билдиргандингиз ва унда қўйидаги муаммоларга дуч келгандингиз, ёки муаммо ечими бўйича қўйидаги “.....” ғояни таклиф этмоқда (анъанавий маъruzada “Кеча биз “ .....” мавзуни ўтган эдик, бугунги мавзумиз “.....”, у ўтган мавзу билан “.....” билан боғлиқдир” деб берилган). Рефлексив маъruzada ҳар бир талабанинг мавзу муҳокамаси бўйича шахсан қатнашиш самарадорлиги таъминланади ва у ташлаган фикр, ғоя ёки муаммоли савол муҳокама қилиб борилади. Бундай маъruzada педагог ҳар бир иштирокчининг ҳамда бутун гурухнинг ўзлаштириш даражасини қандай босқичда эканлигини билиб боради ва уни маъruzani ўзлаштириш лойихаси траекторияси бўйича ривожланишини таъминлайди. Воситавий маъruzada. Мини-маъruzанинг учинчи вазифаси эгалланган назарий билимларни воситага

айлантириш, яъни маъruzалар давомида олинган билимлардан аниқ реал шароитдаги муаммоларни ҳал этишда восита сифатида фойдаланишга оид кўникма ҳосил қилишдан иборатdir. Маълумки, инсон дастлаб айрим ахборотларни одатий, ҳаётий деб билим онтологияси сифатида қабул қиласди. Анъанавий таълимда шу билан маъруза ўз функциясини бажариб бўлади ёки кўпи билан талаба олган билимларидан стандарт ҳаётий вазифаларни ҳал қилишда фойдаланиш малакасини эгаллайди. Талаба ушбу билимларнинг воситавий аҳамиятини тушуниб етмайди, яъни ушбу билимлардан фойдаланиш чегарасини белгилаб ололмайди. Таълим моделига компетент ёндошишда педагогнинг асосий вазифаси талабага фақат стандарт вазифалар ёки муаммолар ечими бўйича билим бериш эмас, балки олинган билимлардан ҳаётда учрайдиган турли хил вазиятларда восита сифатида фойдаланиш малакасини шакллантиришдан иборатdir. Воситавий мини-маъruzалар маърузанинг мураккаб жанри ҳисобланиб, маърузачида кучли ривожланган услугбий қобилият бўлишини талаб этади.

**3. Муаммоли маъруза.** Муаммоли маъруза тингловчида маъруза мазмунига нисбатан илмий-изланиш муносабатларини юзага келишига имконият яратади. Муаммоли маърузада маърузачи ва тингловчилар ҳамкорлигида амалга ошириладиган камида 3 та мақсад мавжуд бўлади:

tinglovchilar томонидан назарий билимларни ўзлаштириш;

назарий ва илмий фикрлашни ривожлантириш;

билим олиш ва касбий қобилиятни шакллантириш.

Муаммоли маърузада маърузачининг асосий вазифаси тингловчиларда илмий фикрлаш ва дунёқарашни шакллантириш бўлса, тингловчининг асосий вазифаси маърузачи билан диалог асосида ўзи учун янги билимлар, қонуниятлар ва муносабатларни кашф этишдан иборат бўлади.

### **Муаммоли маъruzalarni modellashтиришни ташкил этиш йўллари ва усуллари:**

Муаммоли маъruzalarni олиб боришни бир қанча усуллари мавжуд:

1. Мавзу мазмуни ва материалини тушунтирмасдан олдин муаммоли вазиятларни келтириб чиқариш. Муаммоли вазият бу, тингловчининг билиш предмети, объекти билан илмий изланиш, ихтиrolар яратиш ва янги билимларни олишга йўналтирилган фикран ўзаро таъсиридир. Муаммоли вазиятнинг оддий белгилари мавжуд бўлиб, улар ноаниқ муаммолар тўғрисида ўз-ўзига савол бериш, уни ҳал этиш усуллари ва йўлларини излаб топишдан иборатдир.

2. Муаммоли маъruzani олиб боришининг иккинчи усули фан ва амалиётга маълум бўлган, лекин тингловчи билмаган қонуниятлар ёки ихтиrolар тўғрисида фикрлашга ва “субъектив” янгиликлар яратишга йўналтиришдан иборатдир.. Қуйида муаммоли маъruzanинг замонавий педагогикада муҳокама этиладиган хусусиятлари тўғрисида тўхталамиз: Муаммоли маъруза мазмунини ташкил этиш усуллари: ўқув муаммоси кўринишида. Муаммо назарий ва амалий вазиятларни қарама-қаршилиги, яъни айrim ҳолларда назария ва амалиётни бир-бирига тўғри келмаслиги шаклида талқин қилинади, унинг компонентлари ва ташкил этувчилари ёритилади. Маъруза ушбу қарама-қаршиликни обьектлаштирувчи савол билан якунланади. Муаммоли вазият ўқув муаммоларининг бошланғич маълумотларидағи қарама-қаршиликлар аниқлангач юзага келади. Бу ерда ушбу қарама-қаршиликни ҳал қилувчи саволга жавоб номаълум бўлади ва у муаммо ҳисобланади.

- муаммоли вазият компонентлари;
- билиш предмети (маъруза мазмуни);
- ўқитиш субъекти (маъruzachi);
- билиш субъекти (tinglovchi);
- маъruzachi ва tinglovchi диалоги (фикран ёки ташқи);
- тингловчининг билишга эҳтиёжи тингловичнинг билиш мазмуни билан фикран ўзаро таъсири.

Ўқув муаммоларининг асосий гурухига олимлар ва амалиётчиларнинг илмий ишларида илгари ҳал этилган илмий муаммоларни киритиш мумкин.

- муаммоли маъруза мазмуни: амалиёт учун жуда муҳим ва ўзлаштириш жуда мураккаб муаммолар;
- илмий ғоялар ва назарияларни мазмуни ва уларни юзага келиш мантиғи;
- ғояга оид ходисаларни амалиётда, ҳаётда учраши;
- тингловчини тушуниши учун қийин саволлар даражаси, кетма – кетлиги бўйича ёритиш;
- тингловчининг билиш эҳтиёжини ҳисобга олиш;
- муаммолар ва вазифаларни асосий ва ташкил этувчилар шаклида келтириш.

### **Маърузани муаммолик даражаси:**

- муаммони маърузачини ўзи қўяди ва илмий фикрлаш услубини намойиш этиб, ўзи ҳал этади;
- маърузачи муаммони қўяди ва тингловчилар билан бирга ҳал этади; маърузачи муаммони қўяди, тингловчилар мустақил ҳал этишади; тингловчилар ўzlари муаммони қўйишади ва ўzlари жавоб топишади.

Маърузачининг услубий (методик) усуллари:

- муаммоли ва ахборот саволларини қўйиш;
- фаразлар (гипотезалар)ни илгари суради, уларни тасдиқлади ёки рад этади; тингловчиларни биргаликда ўйлашга ундейди;
- талабаларга муаммо ечими бўйича ёрдам сўраб мурожаат этади; тингловчилар билан мини баҳслар ташкил этади;
- маъруза мавзуси бўйича тингловчилар томонидан олдиндан тайёрланган муаммоли саволларга жавоб беради.

Муаммоли маърузада тингловчининг фаоллик шакллари:

- фаол тинглаш ва тушуниш;
- конспект юритиб бориш;
- конспектда саволларни шакллантириб бориш;
- маърузачига саволлар бериш;
- маърузачи билан диалогда саволларга жавоб излаш.

Муаммоли маърузада диалог қанчалик кўп бўлса, маъruzанинг самараси шунча юқори бўлади. Муаммоли маъruzанинг мазмунида фаннинг янги ютуқлари, уни амалда қўллашдаги объектив қарама-қаршиликлар кенг ёритилиши лозим.

Маърузачининг тингловчилар билан диалог ёки шахсан мулоқоти усуллари:

- ✓ маъузачи “қонун чиқарувчи” эмас, ҳамсухбат;
- ✓ маърузада маъузачи “ахборотни етказиш” эмас, балки ўзининг шахсий ва интеллектуал қобилияtlарини баҳам кўриши лозим;
- ✓ тингловчиларнинг мулоҳазалари ва фикрлари билан қизиқади;
- ✓ муаллифлар ва манбаларга таянмасдан, ахборотларни ҳақиқийлигини исботлайди;
- ✓ муаммони турли хил фикрлар доирасида муҳокама қиласди;
- ✓ тингловчиларни мустақил холоса чиқаришга йўналтиради, уларни муаммоларни ҳал этишда бевосита иштирокчига айлантиради;
- ✓ муаммоли ва ахборотга оид саволлардан фойдаланади;
- ✓ тингловчиларнинг шахсий илмий тўғри жавобларини рағбатлантириб боради;
- ✓ тингловчилар билан биргаликда муаммо бўйича ўйлашга эришади;
- ✓ кейинги семинар машғулотида муҳокама учун муаммоли саволлар беради. Муаммоли ва ахборотга оид саволлар тингловчининг фикрлаш фаолиятини бошқариш воситаси ҳисобланади ва улар қуйидагича бўлиши мумкин: Ахборотга оид саволлар: ўтилган мавзулар бўйича; тингловчининг олдин олган билимларини фаоллаштиришга оид.

Муаммоли саволлар:

- ✓ ечими ноаниқ муаммолар бўйича;
- ✓ муаммоларни шакллантиришга оид;
- ✓ муаммо ечимини излашга йўл кўрсатувчи.
- ✓ Муаммоли маъruzанинг самараси қуйидаги омиллар билан аниқланади: маъруза мазмуни;

- ✓ маъруза мазмунига шахсан жавобгарлик руҳида ёндошиш;
- ✓ тингловчилар билан диалоглар ташкил этиш усуллари;
- ✓ касбий фаолиятнинг фан бўйича ва ижтимоий қирраси.

Маъруза материалини нофаол тинглаш эмас, балки тингловчиларни маъруза мазмунига (баҳс ва мунозараларга) киришиб кетиш даражаси.

Ахборотларни оддий ўқиб узатишга асосланган анъанавий маърузалар ўрнини, ривожлантирувчи таълимда талабанинг мустақил билим олиши ва ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирувчи маъруза-навигатор (йўналтирувчи), рефлексив ва воситавий, муаммоли маърузалар эгаллайди. Маърузаларнинг яна бошқа кўринишлари, жумладан маъруза-панель, маъруза-ташвиқот, икки маърузачи иштирокидаги маърузалар маъруза ташкилий шаклининг хусусий кўриниши ёки такомиллашган варианти ҳисобланади.

### **Замонавий маърузани моделлаштириш босқичлари**

Замонавий маърузаларни ташкил этиш анъанавий маърузалардан ўзининг мақсади, мазмуни, ташкил этиш шакли ва фойдаланиладиган инновацион педагогик технологиялари билан фарқ қиласи. Энг қулай ва оптимал вариантда замонавий маърузаларни ташкил этишини қуидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Дастлаб маърузада юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар таҳлил қилиниши лозим. Бунинг учун аввало қуидаги саволларга жавоб излаш талаб этилад: нима учун айнан ўқув машғулотининг ушбу шакли талаб этилди? талабалар ўқув фаолиятининг умумий таркибида айнан ушбу маърузанинг тутган ўрни қандай? тингловчилар кимлар ва улар неча киши?

1. Маъруза олди вазиятни таҳлил қилиш
2. Маърузанинг асосий ғоясини ишлаб чиқиши
3. Маъруза мақсадини асослаш
4. Мавзуни белгилаш
5. Маъруза мазмунини танлаш
6. Маъруза турини танлаш
7. Маъруза шаклини танлаш
8. Тингловчиларнинг диққатини фаоллаштириш усулини лойиҳалаш
9. Маърузани тушунишни қўллаб-қувватлаш усулларини лойиҳалаш
10. Маърузада тескари алоқани ташкил этиш усулларини ишлаб чиқиши
11. Маърузани якунлаш шакли лойиҳасини яратиш

## **1. Маъруза олди вазиятни таҳлил қилиш**

Маъруза учун қанча вақт ажратилган? ташки шароитлар қандай (аудитория, техник воситалар таъминоти ва б.)? маърузачининг имкониятлари ва тўсиқлар, чегараланганлик.

Маърузанинг асосий ташкилий ғоясини ишлаб чиқишида қўйидагиларни эътиборга олиш тавсия этилади:

- шахсий тажриба асосида маърузани ташкил этиш; савол ва жавоблар асосида маърузани ташкил этиш;
- маъруза мазмуни бўйича мавжуд адабаиётлардан мантиқий материалларни тўплаб, анъанавий шаклда маъруза ўқиши;
- ушбу мавзу бўйича кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этиш ва кейин умумлаштирувчи маъруза ўқиши;
- талабаларга видеофильм ёки кейс таклиф этиш, муаммоларни аниқлаш ва ажратиш, кейин таҳлил қилиш.

Маъруза ғоясини яратиш вазиятни таҳлил қилишдан бошланади ва “Маърузанинг кейинги босқичларини қандай ташкил қилиш керак?”- деган саволга жавоб беради.

Маърузанинг мақсадини аниқлаш, “Ушбу маъруза нима учун керак, қандай натижа бўлади, мен, таълим жараёнини ташкил этувчиси сифатида қандай режалаштиришим керак?”- деган саволлардан бошланиши лозим. Маъруза мақсади - фаолиятнинг келажакдаги натижасини фикран мазмунидир. Маъруза мақсадини шакллантиришда қўйидаги талабларни ҳисобга олиш зарур:

- маърузада кўзланган мақсадга эришилганлигини текшириш имконини бериши лозим;
- мақсад аниқ бўлиши ва қисқа изоҳланиши керак; мақсад “талаба фаолияти тилида”, яъни осон ва тушунарли тилда шакллантирилиши зарур; мақсад реалистик бўлиши, яъни мақсадни таъминловчи воситалар (вақт, маърузачининг қобилияти ва б.) га эга бўлиши лозим.

Маъруза мақсадини белгилашда айрим педагоглар қуидаги муаммоли саволларга дуч келишади:

1. Дастреб маърузанинг мавзуси танланиши керакми ёки мақсади?

2. Маърузанинг мақсади бирламчими ёки мазмуни?

3. Маърузанинг мақсадини танлашда маърузачининг фаолияти қандай ўрин тутади? Кўпчилик педагоглар олий таълим тизимида фаннинг ўкув дастурини асос қилиб олиб, дастреб маъруза мавзусини танлашади. Бизнинг фикримизча дастреб маърузанинг мақсади

### **3. Маъруза мақсадини асослаш танланиши зарур.**

Фаннинг ўкув дастурида маъруза мавзулари эмас, балки фаннинг мазмуни қисқача берилади. Профессор-ўқитувчи ана шу мазмун доирасида фан бўйича ишчи дастур ва каледар режа тузишда мавзуларни танлаб олади.

Маърузанинг мақсади аниқ бўлгач мавзуни танлаш осон кечади. Мавзу маърузада нима ҳақида фикр юритилиши ва муҳокама қилинишини яққол акс этиб туриши керак. Мавзу маъруза мазмунининг доираси, чегараси ҳисобланади. Кўпинча, тингловчилар савол беришганда “Мавзу чегарасидан чиқманг, илтимос” деб таъкидланади. Шунингдек, маърузачи ўз фикрларини баён этганда ҳам мавзу доирасидан чиқмаслиги талаб этилади. Мавзуни танлашга қўйиладиган талаблар оддий: мавзу аниқ, қисқа, маъруза мазмунини англатадиган ва фаолиятли характер (tinglovчини ўйлашга, фикрлашга жалб этадиган) касб этган бўлиши зарур.

Маърузага тайёрланишнинг кейинги босқичи –маъруза мазмунини танлаш. Маъруза мазмунини танлашда қуидаги талабларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

- маъруза мазмуни режа асосида бўлимларга бўлиниши лозим, яъни маъруза режаси шакллантирилиши керак;
- биринчи навбатда маърузачи учун жуда яхши таниш бўлган, яхши ўзлаштирилган материаллар олиниши лозим;

- материаллар маърузачи томонидан тўлиқ ўзлаштирилиши, машқ қилиниши бошқа педагоглар билан баҳс ва маслаҳатлар асосида тўлиқ қайта ўзлаштирилиши зарур;
- танланган материаллар маъруза мақсади ва мавзусига мос бўлиши шарт;
- мазмун турли хил шаклларда (тушунчалар, ахборотлар, тажрибалар, кузатиш натижалари, ҳаётий ҳодисалар ва б.) ёритилиши мумкин;
- маъруза учун ажратилган вақт ҳисобида талаб этиладиган ҳажмга нисбатан икки баробар кўп ҳажмдаги материаллар танланиши керак.

Маъруза турини танлашда ўқув аудиториясининг техник воситалар билан жиҳозланиши, тингловчилар салоҳияти (улар кимлар: ўқувчилар, талабалар, магистрлар, стажёризланувчилар, олий маълумотли ходимлар, олимлар ва б.), маъруза мақсади ва мавзууси ҳисобга олиниши керак. Маърузаларнинг қуидаги турлари мавжуд:

1. Йўналтирувчи маъруза – шахсий компетентликни ривожлантириш ва ушбу предмет мазмунини ўзлаштириш бўйича маърузачи билан тингловчининг биргаликдаги фаолиятини ( шахсий, гурӯхий ёки жамоавий) ташкил этишга йўналтирилган маърузалар.
2. Кириш маъruzasi - кейинчалик ўрганиладиган материаллар бўйича умумий йўналиш берувчи маъруза.
3. Рефлексив маърузалар – олдин ўзлаштирилган мазмун ва фаолият усуслари бўйича муаммолар ҳосил қилиш, янги мазмунни ўзлаштиришда муаммоли вазиятлар келтириб чиқаришга қаратилган маърузалар.
4. Воситавий маърузалар – аниқ муаммоларни ечишда олдин ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш бўйича тасаввурлар ҳосил қилишга йўналтирилган маърузалар.
5. Умумлаштирувчи маъруза – курс якунида барча ўрганилган материаллар бўйича қисқа хulosалар чиқарилиб, тингловчилар томонидан материалларни дикқат билан тинглашлари, қабул қилишлари, таҳлил қилиб баҳолашларига қаратилган маъруза.

6. Ахборот ёки “жорий” маъруза – у ёки бу ахборотларни етказиша фойдаланиладиган маъруза.

7. Муаммоли маъруза – реал ҳаётдаги қарама-қаршиликлар моделлаштириладиган маъруза. Муаммо назарий ва амалий вазиятларни қарама-қаршилиги, яъни айрим ҳолларда назария ва амалиётни бир-бирига тўғри келмаслиги шаклида талқин қилинади, унинг компонентлари ва ташкил этувчилари ёритилади.

8. Жуфтлик (биргаликдаги) маъруза –икки маърузачи иштирокидаги маъруза. Бунда ҳар бир маърузачи аниқ рол ўйнайди. Масалан, бири маърузачи сифатида иштирок этса, иккинчиси танқидчи, эксперт ёки муаммоларни келтириб чиқарувчи сифатида қатнашади.

9. Маъруза - маслаҳат- тингловчи томонидан олдиндан шакллантирилган саволлар бўйича маъруза.

10. Матбуот –анжуман- маъруза – маъруза мазмуни тингловчилар саволлари асосида яратилади, лекин бир неча маърузачилар томонидан ўтказилади.

11. Режа асосида хатолар киритилган маъруза – Бундай маърузаларда маърузачи режали ҳолда атайдан хатоларга йўл қўйиб, тингловчиларнинг диққатини тортади. Тингловчилар томонидан маъруза материалларини диққат билан тинглашлари, қабул қилиб ўзлаштиришлари, таҳлил қилиб баҳолашлари, ахборот мазмунидан эркин ва тезкор фойдалана олишларига йўналтирилган маъруза.

12. Маъруза-диалог – маъруза мазмуни бир қатор саволлар ёрдамида етказилади ва саволларга тингловчилар томонидан жавоб беришлари талаб этилади.

Олий таълим тизимида амалиётда маъруза машғулотларини ташкил қилишнинг қуйидаги шакллари кўпроқ қўлланилади:

1. Кўргазмали тушунтириш услуби. Маърузачи маҳсус танланган материалларни тушунтириб, тингловчи томонидан ўзлаштирилишини таъминлайди ва ушбу билимлардан амалда қандай фойдаланишни кўрсатиб

ўтади. Маърузачи ушбу услугни танлашда шуни эътиборга олиши лозимки, бунда тингловчиларда ўрганиладаиган обьект ёки жараёнлар тўғрисида дастлабки тушунчалар ҳосил бўлади, бундай маъруза уқув ва амалий кўникмаларни шаклланишига йўналтирмайди.

2. Репродуктив услуг. Маърузачи тингловчида олдин ҳосил бўлган билимлар доирасида бир қанча вазифалар, топшириқлар ва масалалар мажмуини тузиб, улардан маърузада фойдаланади. Тингловчиларда ушбу топшириқларни мустақил ечиш натижасида дастлабки уқув ва амалий кўникмалар ҳосил бўлади.

3. Муаммоли ўқитиш услуги. Маъруза муаммоли шаклда режалаштрилади. Ҳозирги вақтда ушбу услуг билан биргаликда ролли ўйинлар, интерактив ва коммуникатив ўқитиш услублари қўлланилмоқда.

Тингловчилар диққатини фаоллаштириш мақсадида биринчи навбатда уларни маърузачи билан ўзаро фаол мулоқатда бўлишларини таъминлаш лозим.

Бу қуйидаги услублар орқали амалга оширилиши мумкин:

- маърузачи томонидан турли саволлар бериш орқали;
- риторик саволлар (савол билан тушунтирилган материалларни тасдиқлаш);
- тингловчиларнинг савол беришларига имконият яратиш;
- ўз тушунчаларини қайта текшириш, савол-фаразлар бериш.

Маърузада тингловчиларни тўлиқ тушунишларини таъминлаш учун дастлаб, мавзу мазмунини қанчалик тушунгандикларини аниқловчи мезонларни ишлаб чиқиш талаб этилади ва уни қуйидаги усуллар орқали амалга ошириш мумкин:

1. Тушунтирилган материални бир шаклдан бошқа шаклга ёки бир тилдан бошқа тилга ўгириш услуби. Масалан, талабага матнли мазмунни схема ёки график кўринишга келтириш топшириғи берилади.
2. Талабадан материални қисқача тушунтириб беришини ёки изоҳлаб беришни талаб қилиш (интерпретация ).

3. Рефлексия (талабанинг руҳий ҳолатини, фикр ва ўйларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш).

Маърузада тескари алоқани ташкил этиш ва баҳолаш учун маъruzachi олдиндан маҳсус тарқатма материаллар тайёрлайди. Унда ББХБ (биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим) жадвалидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, талабадан қуидаги саволларга жавоб беришлари сўралиши ҳам мумкин:

1. Маърузада талаба ўз олдига қўйган мақсадига эришдими, тегишли билимини олдими.

2. Маърузада улар хоҳлаган қайси саволлар ёритилмади ёки кам ёритилди.

3. Маърузада уларга нималар ёқмади ёки қайси саволларни ўзлаштириш қийинчилик туғдирди.

Яхши маъруза маъruzani қандай руҳда якунланиши билан ҳам баҳоланади. Маъруза сўнгида яхши кайфият ва кўтаринки руҳни ташкил этиш маъruzачидан катта маҳорат ва тажриба талаб этади.

Маъруза якунида қуидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Маъруза режасида берилган масалалар бўйича якуний қисқа хулоса бериш.

2. Маъруза хулосасини кейинги маъруза мавзуси билан боғлаш, тингловчилар саволларига қисқа жавоб бериш.

3. Навбатдаги маъруза мазмуни бўйича (мавзуни эълон қилмасдан) тингловчиларга муаммоли саволлар бериш ва уларда кейинги маъruzага қизиқиш уйғотиш.

4. Кейинги маъруза бўйича мустақил ишлашлари учун имконият йўлларини яратиш.

5. Энг асосийси, маъруза мақсадига эришилганлигига ишонч ҳосил қилиб, маъruzani ўз вақтида якунлаш! Маъруза сифати ахборотларни тингловчилар томонидан сон жиҳатдан қанчалик кўп ўзлаштирганликлари,

билиб ёки ёдлаб олганларды билан эмас, балки маъруза материалларини тингловчилар томонидан сифат жиҳатдан қанчалик қайта ишланганлиги, материаллар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш қобилиятини, ижодий ёндошувни, назарий маълумотлардан ҳаётда стандарт ва ностандарт вазиятларда фойдаланиш малакаларини шаклланганлиги билан баҳоланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Таълим мазмунини моделлаштиришга изоҳ беринг
2. Таълим мазмунини моделлаштириш технологиясини яратишни тушунтиринг
3. Замонавий маъruzalarни моделлаштириш технологиясиҳақида маълумот беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teachingand learningCurriculum design anddevelopment, Lorraine Stefani, 41-57p.
- 2.Alex Moore Teaching and Learning Pedagogy, Curriculum and Culture London and New York. 2012
- 3.Neil Selwyn Educational and texnology key Issues and Debats London 2011.
- 4.Malcoln, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and Capacity Building for Sustainable Development.ICSU Series on Science for Sustainable Development no. 5.31 p.

### **3-мавзу: Имитацион моделлаштиришнинг умумий масалалари.**

#### **Режа:**

1. Имитацион моделлаштиришнинг умумий муаммолари.
2. Имитацион моделлаштиришнинг асосий концепциялари ва воситалари.

**Таянч иборалар:** имитацион моделлаштириш, концепция,имитацион моделлаштиришнинг концепциялари, инструментал қарорлар.

#### **3.1. Имитацион моделлаштиришнинг умумий муаммолари**

“Имитацион моделлаштириш”, инглизча “Simulation modeling”, тавтология, тақлид қилиш, ўхшатиш, ўхшатиб ясалган сохта нарса деган маънода ишлатилади. Имитацион моделлаштиришнинг ўзига хосликлари.Имитацион моделлаштириш методи— мураккаб тизимнинг ишлаш жараёни компьютерда амалга ошириладиган маълум алгоритм, ёки мантиқий ҳаракатлардан иборат. Моделлаштириш усули маъносида математик моделларни шартли равишда уч синфга бўлиш мумкин: дескриптив (тасвирий);оптималь; имитацион. Дескриптив моделлар (уларни кўпинча бошқаришсиз моделлар дейишади) ҳақиқий мавжуд жараён, объектларни уларга аралашмасдан тасвирлаш учун ишлаб чиқилади. Улар турли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун яратилади, аммо моделнинг ўзида бирор самарадорлик нуқтаи назаридан миқдорий асосланган ечимларни танлаш кўзда тутилмайди. Дескриптив моделлар турли ижтимоий воқеаларни (масалан, жиноятчилик) башорат қилиш учун фойдаланилади. Улар одатда «қандай бўлади?», «ҳозир қандай?»savолларга жавоб беради; тизим, объект ҳақида умумий тушунчаларни беради ва фақат умумий ўзгаришлар ва гояларни ўрганиш учун қўлланилади. Оптимал моделлар ижтимоий-хуқуқий, иқтисодий ва бошқа тизимлар бошқарувини такомиллаштиришнинг амалий масалаларни ечишга мўлжалланган. Аниқ мақсадга қаратилган ечимнинг ҳамда ечимни баҳолаш ва улардан энг қулайини танлаш учун самарадорлик критериясининг мавжудлиги бу моделни тавсифлайди. Бундай моделлар «қандай бўлиши керак?»деган саволга жавоб топишга ёрдам беради. Имитацион моделлар катта

тизимларни моделлаштириш учун ишлатилади<sup>10</sup>. Катта тизимлар кўпинча зиддиятли, кўпгина факторларга боғлиқ ва ноаниқ ҳолатли, ўз мақсадларига эга бўлган қуий тизимлар мажмуидан ташкил топади. Бунда маълум бир критерияни ажратишнинг мураккаблиги ёки бир неча зиддиятликriterияларнинг мавжудлик ҳолати намоён бўлади. Имитацион модел олдиндан «воқеа у ёки бу вариантда (сценарияда) ривожланса нима бўлади?»деган саволга жавоб беради. Ўрганилаётган тизим фаолиятининг имитацияси, ривожланишнинг турли вариантлари (сценарийлари) ва ечимларини текшириш компьютерда бажарилади (машина имитацияси). Кўлланишига қараб илмийтехник, оддийва бадиий моделлар мавжуд. Иқтисод, фан, ҳарбий ишлар, ижтимоий тузилмаларни моделлаштириш ва тадқиқот учун фойдаланиладиган илмий–техник моделлар энг кенг тарқалган. Оддий моделлар кундалик ҳаётдаги (кун тартиби, поездларнинг ҳаракатланиш жадвали, ошхонадаги меню ва х.к.) билимларни олиш ва узатиш учун хизмат қиласи. Бадиий моделлар санъат асарларини акс эттиради. Ахборотни тақдим этиш шаклига кўра моделлар:

- оғзаки (маъруза, доклад, сўзли «портретлар»ва х.к.);
- графикили (графиклар, схемалар, чизмалар, расмлар);
- предметли, ёки физик (бинолар моделлари, маҳаллий ер макетлари ва х.к.);
- ахборот-мантикий (компьютерлаштирилган маълумотлар ва билимлар базалари);
- математик (тадқиқот объектини формуласалар ёрдамида ифодалаш). Объект хоссалари ҳақида ахборотлар олиш мақсадида моделларни яратиш ва ўрганиш жараёни моделлаштириш дейилади. Аниқ ва мавҳум

---

<sup>10</sup>A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teachingand learningCurriculum design anddevelopment, Lorraine Stefani, 79 p.

объектлар, ишлаётган ва лойиҳалаштирилаётган тизимлар, жараён ва ҳодисалар моделлаштиришнинг предмети бўлиши мумкин. Моделни яратишдан мақсад моделлаштирилаётган объектнинг хоссаси ва хулқини айтиб беришдир.

Компьютерли моделлаштириш мураккаб тизимларни ўрганишнинг самарали усулларидан биридир. Кўпинча компьютер моделлари оддий ва тадқиқотга қулай ҳамда улар, реал экспериментлар ўтказилиши мураккаб бўлганда ёки олдиндан айтиб бўлмайдиган натижалар берадиган ҳолларда, ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш имконини беради. Компьютер моделларининг мантиқийлиги ва формаллашганлиги ўрганилаётган объектнинг хоссаларини аниқловчи асосий кўрсатгичларни аниқлаш, физик тизимни унинг катталиклари ва бошланғич шартларнинг ўзгаришига жавобини тадқиқ қилиш имконини беради.

*«Бугунги кунда иш берувчилар битирувчиларни коммуникативлик малакаларни ошириши малакаларини таъкидламоқда. Жумладан битирувчилар коммуникациясининг ажралмас қисми компьютер дастурлариридир деб таъкидлашмоқда. Бу жамоавий ишда ҳар бир гуруҳ аъзоларига вазифалар аниқ тақсимланган, шу билан биргаликда уларнинг ҳар биридан индивидуал ва жамоавий ҳаракат талаб қилинади. Бунда курс талабалари бир - бири билан тадбирларда тўлиқ иштирок этиши учун уларга узоқ масофаларга вақтинчалик алоқани амалга ошириши учун аралаши режим таклиф этилади. Бунда анъанавий таълимнинг марказида асосан ўқитувчи бўлиб фақат талабаларга ахборот етказиб берувчи ва шу ахборотни талаб қилувчи вазифани бажаради.*

*Юқоридаги кичик гуруҳларда олиб борилаётган тадбирларни тез-тез ўтказилиши талабаларни шахсий ва профессионал ўсишига олиб келади.*

*Кичик гуруҳларда ўқув-ложиҳаларни келишилган жадвал ва ўзаро манфаатдорликни ҳисобга олиб мунозара шаклда ташкил этилса айниқса фойдалари ўлади. Шунингдек гуруҳ ичida мунозарада кам иштирокчи талабалар орасида ишончни ошириши керак. Гуруҳларда ҳамкорликни вужудга келтириши осон эмас, лекин у кўплаб соҳаларда овқат - маҳсулотлари*

*қийматини айниңса гояларни режалаштириш ва авлодлар учун маъсулиятни ўз зиммасига олишида талабаларга гайрат баҳшида этади. Улар асосан ишлаб чиқариш жамоалари айниңса “жамоавий иши” технологиялари яхии амалиётдир бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Талабалар иккинчи йилда Кейс-стади топшириқларини ҳал қилиши учун лойиҳаларини вазифаларни режалаштириб олишилари керак. Тадқиқот ишларини амалга оширишида талабаларни устозлар қўллаб қувватлашига асосланган.*

*Учрашувларда ушибу лойиҳаларни амалга оширишида барча иштирокчиларнинг рўйхатини олиш, китоблар ва вакт сарфларини назарда тумшии керак. Ушибу ишлар оддий, лекин самарали ҳисобланади.*

*Қаерда “жамоавий иши” методлари кўпроқ тўғри ташкил этилса кадрларни тайёрлашида яъни профессионал малакаларни шакллантиришида ижобий натижса беради. Мухандислар гурӯҳи, информатиклар, операторлар академик нозирлар гурӯҳ сифатида вазифаларни бажаради шу билан мижозни қўшиши мумкин. Ҳар бир гурӯҳнинг ўз вазифаларини бажаршига қўйиладиган талаблари мавжуд. Бу гурӯҳлар ишлари орасида муҳим фарқлар мавжуд бу эса уларни мустақил фикр юритишига туртки бўлади. Шундай қилиб иштирокчиларнинг ҳиссаси гурӯҳ муваффақияти деб олинади, лекин, афсуски ҳамкорлик усуллари асосида дарсларни ташкил этиши қийинчилклардан холи эмас<sup>11</sup>.*

Компьютерли моделлаштириш (математик моделлаш ва ҳисоблаш тажрибаси) ҳодисанинг аниқ табиатидан мавҳумлаштиришни, аввал сифат сўнгра миқдорли моделни қуришни талаб қиласди. Ундан кейин компьютерда қатор ҳисоблаш тажрибаларини ўтказилади, натижалар талқин қилинади, ўрганилаётган обьектнинг хулқи билан моделлаштириш натижаларини таққосланади, моделга навбатдаги аниқликлар киритилади ва х.к.  
Компьютерли моделлаштиришнинг асосий босқичларига:

---

<sup>11</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 289p.

- масаланинг қўйилиши, моделлаштириш объектини аниқлаш;
- концептуал моделни ишлаб чиқиш, тизимнинг асосий ташкил этувчиларини ва улар орасидаги элементар ўзаро таъсирларни аниқлаш;
- формаллаштириш, яъни математик моделга ўтиш; алгоритмни яратиш ва дастурни ёзиш;
- компьютер тажрибаларини режалаштириш ва ўтказиш;
- натижаларни таҳлил ва талқин қилиш киради<sup>12</sup>.

Масаланинг қўйилиши: компьютерда, кирувчи ва чиқувчи ахборотлар баёни билан, масала ечимини аниқ ифодалаш. Масала бўйича кирувчи ахборот –бу масалага киритиладиган ва уни ечиш учун фойдаланиладиган маълумотлар. Чиқувчи ахборотлар хужжатлар, монитор экранидаги лавҳалар, маълумотлар базасидаги ахборотлар, бошқариш қурилмасининг чиқувчи сигнали кўринишида тақдим этилиши мумкин. Тизимнинг концептуал моделини қуриш босқичида ва уни формаллаштиришда модел жорий қилинади ва унинг формал схемаси қурилади, яъни бу босқичнинг асосий вазифаси объектнинг мазмунини баён қилишдан унинг математик моделига ўтишdir. Модел адекват бўлиши керак, акс ҳолда моделлаштиришдан керакли натижани олиб бўлмайди. Адекват модел маълум аниқликда, моделлаштирилаётган тизимни модел тузувчи тушиниши даражасида, моделнинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсирида ишлаш жараёнини англаатади.

Математик модел -бу ўрганилаётган обьект ёки жараёнларнинг асосий хоссаларини акс эттирувчи математик формула, тенглама, тенгламалар тизимиdir. Математик моделни қуришга мўлжалланган обьектнинг турига қараб турли математик усуллардан фойдаланилади:

—детерминистик усул, тасодифий таъсир этишлар бўлмаган ёки уларни эътиборга олмаса ҳам бўладиган жараёнларни тадқиқ қилиш учун қўлланилади;

---

<sup>12</sup>A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 79-80 p.

—эҳтимоллик (стохастик) усули таъсир оқибатида маълум эҳтимолликда у ёки бу натижа кутиладиган жараёнларни ўрганишда ишлатилади;

—дискрет усуллар узлукли, дискретли ўзгарувчилари бўлган обьектларнинг моделида фойдаланилади;

—узлуксиз усул ўзгарувчилари узлуксиз қийматга эга обьектларни тасвираш учун хизмат қиласди;

—статик усул бирор аниқ вақт ичида обьектни тасвираш учун фойдаланилади;

—динамик усул вақт бирлиги ичида ўз ҳолатини ўзгартирувчи обьектларни моделлаштириш учун қўлланилади.

Математик моделлаштириш усулини танлашда мақсад, самарадорлик мезонининг мавжудлиги ва тури, обьектнинг мураккаблиги, ахборотнинг хусусияти, компьютер техникаларининг техник-математик имкониятлари, техник чегараланишлар ва бошқалар эътиборга олинади.

Математик моделларни ишлаб чиқиш жараёни қўйидаги босқичлардан ташкил топади:

—муаммони ифодалаш;

—моделлаштиришнинг мақсадини аниқлаш;

—предмет соҳаси тадқиқотини ташкил этиш ва ўтказиш

(моделлаштириладиган обьект хоссаларининг тадқиқоти);

—моделларни ишлаб чиқиш;

—унинг аниқлигини текшириш ва ҳақиқатга мос келиши;

—амалий ишлатиш, яъни модел ёрдамида олинган билимни тадқиқ қилинаётган обьект ёки жараёнга қўллаш.

### **3.2. Имитацион моделлаштиришнинг асосий концепциялари ва воситалари.**

Тўлиқ кузатиш ёки эксперимент ўтказиш имкони бўлмаган обьектларни ўрганишда моделлаштириш, табиат қонун ва ходисаларини билиш усули сифатида, муҳим аҳамиятга эга. Бундай обьектларга ижтимоий тизимлар ҳам киради. Уларни ўрганишнинг биргина усули бўлиб кўпинча моделлаштириш

хизмат қиласи. Математик моделни қуришнинг умумий усули мавжуд эмас. Ҳар бир аниқ ҳолатда мавжуд маълумотлардан, мақсаддан, тадқиқот масаласини ҳисобга олишдан келиб чиқиш, моделнинг аниқлик даражаси ва мукаммалигининг бир бирига мослигини назарда тутиш керак. Модел ҳодисанинг муҳим томонларини, аҳамиятли омилларни акслантириши лозим.

Улар асосан моделлаштиришнинг муваффақиятлилигини белгилайди. Шу билан бирга модел имкони борича оддий ҳамда майда ва иккинчи даражали омилларсиз бўлиши керак.

Моделларни ишлаб чиқиша қўйидаги ижтимоий ҳодисаларни моделлаштиришнинг асосий методологик принципларига амал қилиш керак:

–муаммолик принципи. Муаммоларга асосий «универсал» математик моделларни қўллашга ҳаракат қилиш эмас, балки ҳақиқий долзарб муаммолар учун маҳсус моделларни қидириш ёки яратиш;

–тизимлийк принципи. Моделлаштирилаётган ҳодисанинг барча ўзаро боғланишлари тизим элементлари орасида ва тизим муҳитида деб қараш;

–бошқариш жараёнини формаллаштиришда, табиат ва жамият ривожланиш қонуниятларининг ўзига хос фарқлилиги билан боғланган, турли шакллийк (вариативлик) принципи. Ижтимоий жараёнлар моделлари табиат ҳодисаларини тасвирловчи моделлардан тубдан фарқ қилинишини ёритиш бу принципни англатади.

Замонавий ахборот технологияларида ахборотларга ишлов беришга янгича ёндашув намоён бўлмоқда. У ижтимоий тизимни ташкил этишдаги таркибий ўзгаришлар натижасидан келиб чиқди ҳамда мавжуд ресурс ва ахборотларни оқилона тақсимлаш бўйича қарор қабул қилишда бошқариш вазифасини марказдан маҳаллий ҳудудларга бериш (децентрализация) билан боғлиқдир. Биринчидан –бошқаришни децентрализация қилиниши жойларда катта ҳажмдаги ахборотларни тўпланишига олиб келади. Уларни сақлаш ва қайта ишлашда техник кўмаксиз рационал қарор қабул қилиб бўлмайди. Иккинчидан, қарор қабул қилиш тезкорлигига талаб ортади, чунки ахборот маънавий эскиради. Бу шароитда бошқарувнинг илмий асосланган математик

модели зарур, компьютер техникаси эса амалий масалаларни ечишнинг объектив зарур қурули ҳисобланади.

Компьютер технологияларидан фойдаланиб бошқариш масалаларини ечиш –мураккаб, бир-неча босқичдан иборат бўлган, бир қийматли бўлмаган жараёндир. Ҳар бир аниқ ҳолатда ахборотни қайта ишлаш ва фойдаланиш учун сунъий инсон-машина тизими яратилади. Инсон масала қуиши ва дастурлаштириш, натижаларни таҳлил қилиш бўйича интеллектуал, ижодий фаолият юритади, компьютер эса –дастурга мос равишда ахборотларни бевосита қайта ишлайди. Компьютердан фойдаланишда: «компьютерда бу масалани ечиш мумкинми?» ҳамда «ечимнинг ва олинган натижалардан фойдаланишнинг самарадорлиги қандай?» деган иккита саволга жавоб бериш керак. Масалани компьютердан фойдаланиб ечиш жараёни умуман олганда қуидаги босқичлардан ташкил топади:

Биринчи босқич – масаланинг қўйилиши. Бу босқичда масала баён этилади, уни ечиш мақсади қўйилади, кирувчи ва чиқувчи ахборотлар таҳлил қилинади, масаланинг моҳияти оғзаки ифодаланади ва уни ечишга умумий ёндошиш бўйича фикр берилади. Аниқ предмет соҳасидаги малакали мутахассис асосан масаланинг қўйишни амалга оширади.

Иккинчи босқич - формаллаштириш (расмийлаштириш). Унинг мақсади- масаланинг, компьютерда адекватликни йўқолмасдан ишлатиш мумкин бўлган, математик моделини яратишидир. Агар масала мураккаб бўлмаса ва маҳсус математик билимни талаб қилмаса бу босқични масала қўювчининг ўзи бажариши мумкин, акс ҳолда бу ишга математик ёки дастурчини жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчи босқич-алгоритмлаш. Бунда масаланинг математик ифодаланишига асосан ечиш алгоритми ишлаб чиқилади. Масаланинг мураккаблигига қараб бу босқични дастурчи ёки дастурлашни биладиган фойдаланувчи бажаради. Ходимнинг малакаси қанчалик юкори бўлса, яратилган алгоритм шунчалик самарадорли бўлади. Айрим масалаларни

қўйишида иккинчи ва учинчи босқичларни бир-бирини тўлдирувчи сифатида бир вақтда бажариш мумкин.

Тўртинчи босқич-дастурлаш. Бу босқичда дастур тузилади. Дастур - компьютер тушунадиган тилда ёзилган алгоритмни ифодалаш шаклидир. Алгоритм матн ёки график кўринишдаги инсон тушунадиган тилда, дастур эса маҳсус алгоритмик тилда ёзилади. Дастурни тузиш жараёнида алгоритмга янада аниқлик киритиш мумкин.

Бешинчи босқич –дастурнинг бажарилиши.

Олтинчи босқич –дастурни созлаш.

Охирги икки босқич ўзаро боғланган. Уларда дастурнинг тўғри ишлиши текширилади. Шу мақсадда моделлаштириладиган масаладаги ҳамма ҳолатларни имкони борича эътиборга оловчи тест мисоли тузилади. Аввалдан маълум тест мисоли натижасига олинган натижанинг мос келишига қараб дастурнинг тўғри ишлиши баҳоланади. Дастур тузилиб, текширилгандан кейин уни қўллаш мумкин.

Еттинчи босқич –натижаларни олиш ва таҳлил қилиш. Бу ерда масалани қўювчи томонидан ечим натижаси таҳлил қилинади ва бошқариш қарорлари ёки таклифлари қабул қилинади.

Саккизинчи босқич –хатоларни тўғрилаш (корректировка). Агар дастурни қўллашда қониқарсиз натижа олинса, модел ва алгоритмга тузатишлар киритиш талаб қилинади. Бу босқичнинг бажарилиши олдинги босқичларнинг ихтиёрийсини тузатиш, мукаммалаштириш зарурати билан боғлиқ.

Оптимал моделлар, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда уларнинг оптимал вариантини топишга хизмат қиласи. Бошқача қилиб айтганда, улар оптималлик мезонлари бўйича мақсад функциясига максимал ёки минимал қиймат бера олади. Оптималлаштирувчи моделлар икки қисмдан иборат:

1) чекланишлар тизимлари ёки иқтисодий тизим ўзгаришининг шарт-шароитлари;

2) оптималлик мезони (мақсад функцияси). Бу мезон иқтисодий тизим мүмкін бўлган ҳолатининг самарадорлик даражасини аниқлаш, таққослаш ва ундан энг қулайини танлаш учун ишлатилади.

Функционал (ёки кибернетик) моделларинг асосий вазифаси объект моҳиятини намоён бўлишининг муҳим қўринишлари бўлган фаолият, ишлаш жараёни, хатти-ҳаракати орқали аниқлашдир. Бунда ички структура ўрганилмайди, ички структура ҳақидаги аҳборотдан эса фойдаланилмайди. Функционал модел образи қилиб “қора қути”ни олиш мүмкін. Бунда (А ҳақидаги аҳборотдан фойдаланмай) “кириш” X қийматини бериб, “чиқиш” Y қийматини олиш мүмкін. Функционал модел қуриш X ва Y ни боғловчи D операторни топиш демакдир.

1) Структуравий моделлар объектнинг ички тузимини яъни унинг асосий ташкил этувчи қисмлар, ички параметрлари, уларнинг “кириш” ва “чиқиш” билан алоқалари ва ҳоказоларни акс эттиради.

Функционал ва структуравий моделлар бир-бирини тўлдиради. Бир томондан функционал моделларни ўрганишда объект ички структураси ҳақида гипотезалар юзага келади ва структуравий моделлаштиришга йўл очади. Иккинчи томонидан эса структуравий моделлар таҳлили объектнинг ташқи шартлар ўзгаришига муносабати ҳақида аҳборот беради. Стохастик моделларга эҳтимоллар назарияси қонуниятларига бўйсунувчи тасодифий жараёнларни ифодаловчи моделлар киради. Бу моделларда изланаётган натижавий қўрсаткичнинг аниқ қўринишда топилмасдан, балки унга таъсир этувчи омиллар орқали статистик функция шаклида ифодаланади. Қатъий функционал боғликларда бўлмаган моделлар ва имитацион моделларни ҳам шу туркумга киритиш мүмкін. Иқтисодий-статистик моделлар ўзгарувчи омилнинг миқдор қийматини аниқлаб, унга таъсир этувчи омиллар орқали боғланишини ифодалайди. Бу боғланишлар корреляция ва регрессия тенгламалари орқали кўрсатилади.

Шахсий компьютер ларнинг пайдо бўлиши математик моделлаштириш услубиётига янги сифат ўзгаришлари киритди.

Шахсий компьютерлар ёрдамида тузилган модел ва алгоритмлар асосида ҳисоб-китоб ишларини бажариш воситаси сифатидагина қолмади, балки моделларни қуриш ва модел ёрдамида тажрибаларни ўтказишда муҳим ўрин эгаллади. Бу янги илмий изланиш йўналишидан имитацион моделлаштириш номини, моделлар эса имитацион модел номини олди.

### **Моделлаштириш босқичлари**

Моделлаштириш жараёнини амалга ошириш учун аввало объект тўғрисида (таълим тизими, фан, мавзу, тарбияланувчи) етарли ва ишончли маълумотларга эга бўлиш лозим. Ушбу маълумотларнинг ишончлилиги ва етарли даражада бўлиши тузилаётган ёки яратилаётган моделнинг сифатига ва ҳаётийлигига кўп жиҳатдан боғлик бўлади.

Кейинги босқич: Билимларни текшириш ва қўллаш

III-босқич Билимларни моделдан оригиналга кўчириш

Моделни қуриш

Оригинал (ҳақиқий) объект ҳақидаги билимлар

Модел ҳақидаги билимлар

Босқичларнинг алоқалари

Моделлаштириш жараёни

Моделни қуриш босқичи ҳақиқий (оригинал) объект ҳақида баъзи билимларни талаб қилади.

Оригинал объект ва моделнинг етарли даражада ўхшашлик масаласи аниқ таҳлилни талаб этади. Моделлаштиришнинг 2-босқичида модел ўрганилаётган мустақил объект сифатида майдонга чиқади. Бундай текширувларнинг шаклларидан бири “моделли” тажрибалар ўтказиш ҳисобланади. Уларда моделнинг ишлаш шартлари онгли равища ўзгартирилади ва унинг “хатти-харакати” ҳақидаги маълумотлар тартиба солинади. Бу босқичнинг якуний натижаси R модел ҳақида олинган жами билимлар ҳисобланади. З-босқичда билимларни моделдан оригинал объектга кўчириш амалга оширилади. S-объект ҳақида жами билимлар тўпланади. Бу

босқич аник қоидалар асосида ўтказилади. Модел ҳақидаги билимлар шундай тизимлаштирилиши керакки, унда оригинал объектнинг модельни қуришда ўзгартириладиган ёки ўз аксини топмаган хусусиятлари ҳисобга олиниши зарур. Биз оригинал объект ва модельнинг ўхшашлик белгиларининг ўзида акс эттира олган ҳар қандай натижани тўла асос билан модельдан оригиналга қўчира оламиз. Агар бу модель текширишнинг маълум натижаси модельнинг

оригиналобъектдан фарқи билан боғлиқ бўлса, бу натижани қўчириш асосида ҳисобланади.

4-босқич модель ёрдамида олинадиган билимларнинг амалий текшируви ва объект ҳақидаги умумлаштирувчи назарияни яратиш, объектни ўзгартириш ёки бошқаришда олинган билимларни қўллашдан иборатdir. Моделлаштиришнинг моҳиятини тушунишда шуни эсда тутиш лозимки, модельлаштириш -объект ҳақидаги билимларнинг ягона манбаи эмас. Моделлаштириш жараёнини жуда кенг бўлган умумий ўрганиш жараёнини ўз ичига олади. Бу ҳол фақатгина модельлаштириш жараёнида эмас, балки ўрганишнинг турли-туман воситалари асосида олинадиган текширувлар натижасини умумлаштириш ва бирлаштиришни ўз ичига оловчи якуний босқичда ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Модельлаштириш –такрорланувчи (циклик) жараёнdir. Бу шуни билдирадики, биринчи 4-босқичли циклдан сўнг иккинчиси, учинчиси ва ҳоказо келади. Бунда текширилаётган объект ҳақидаги билимлар кенгаяди ва тобора аниқроқ бўлади, бошланғич модель эса такомиллаша боради. Объектни ҳам ўрганиш натижасида пайдо бўлган камчилик ва модель қуришдаги хатолар биринчи циклдан сўнг аниқланиб, кейинги циклларда тузатилиши мумкин. Демак, модельлаштириш услубиётида ўз -ўзини ривожлантириш асослари мавжуд.

Модельлаштириш –такрорланувчи (циклик) жараёнdir. Бу шуни билдирадики, биринчи циклдан сўнг иккинчиси, учинчиси ва ҳоказо келади. Бунда текширилаётган объект ҳақидаги билимлар кенгаяди ва тобора аниқроқ бўлади, бошланғич модель эса такомиллаша боради. Объектни ҳам ўрганиш

натижасида пайдо бўлган камчилик ва модел қуришдаги хатолар биринчи циклдан сўнг аниқланиб, кейинги циклларда тузатилиши мумкин. Демак, моделлаштириш услубиётида ўз-ўзини ривожлантириш асослари мавжуд.

Буюк Британиядаги ОКСФОРД университети сайти. Математик моделлаштириш, эконометрика соҳалари бўйича маълумотларни олишни таъминлайди.<sup>13</sup>

### **Ўқув материалинининг белгили моделлари асосида таълимни жадаллаштириш технологияси**

**Ўқитишнинг жадаллаштириш технологияси асосида** анъанавий синфдарс тизимининг очилмаган қирралари кашф этилди.

Бу технологияда:

#### **Таълим мақсадлари:**

- \* Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.
- \* Ҳар қандай индивидуал қобилиятли болаларнинг барчасини ўқитиш.
- \* Тезлашган ўқитиш (умумий ўрта таълим ҳажмини 9 йилда ўқитиш).

#### **Принциплари:**

- \* кўп марта такрорлаш, мажбурий босқичли назорат, йирик блоклар билан ўрганиш; фаолиятнинг динамик яхлитлиги, тачнч сигналлар, ҳаракатларнинг мўлжалли асослари ;
- \* шахсга йўналтирилган ёндошув;
- \* инсонпарварлик (барча болалар иқтидорли);
- \* ўқув вазиятларининг тафовутсизлиги, тузатиш учун истиқболларнинг очиқлиги, муваффақиятнинг ўсиб бориши;
- \* таълим-тарбиянинг узвийлиги.

#### **Мазмуннинг ўзига хос жиҳатлари:**

- \* Ўқув материали йирик ҳажмда киритилади.
- \* Материал блоклар бўйича жойлаштирилади.

---

<sup>13</sup>.[www.center.neic.nsk.su/page\\_rus/bmodel.html](http://www.center.neic.nsk.su/page_rus/bmodel.html)-

\* Ўқув материалы таянч схема-конспект кўринишида чизмавийлаштирилади.

В.Ф. Шаталов технологиясининг асосий ғояси: дарсда ўқувчиларнинг ялпи фаоллигини таъминлайдиган ўқув фаолияти тизими яратилади. Ўқув фаолиятининг андазаси асосида таянч конспектлари (сигналлари) – ўқув материалининг кодлаштирилган кўрсатмали чизмалари ётади.

**Таянч-** мўлжалли ҳаракатлар асоси, боланинг ички ақлий фаолиятини ташқи кўринишида ташкил этиш усули.

**Таянч сигнал** – ассоциатив рамз (белги, сўз, чизма, расм, шакл ва бошқа) бўлиб, маълум фикрий маънони билдиради.

**Таянч конспект-** қисқача шартли матн кўринишидаги таянчили сигналлар тизими бўлиб, яхлит ўқув материалининг ўзаро боғлиқ элементлари сифатида тушунчалар, фактлар, ғоялар тизимининг кўрсатмали конструкциясини ўзида акс эттиради.


Бу технологияда ўқитувчи меҳнати асосий мавқени эгаллайди ва бу меҳнатга ўқувчилар айрим ҳоллардагина (назорат, маслаҳат, ёрдам) жалб этилади. Таянч сигналлари ёрдамида ўқитиши жараёни қатор босқичлардан иборат:

1. **Синфда ўқитиши:** мавзу ўқитувчи томонидан одатдагидек синф доскаси ёнида (бўр, латта ёрдамида) тушунтирилади, кейин эса таянч конспектлар асосида мавзуни тушунтириш тақрорланади, ўқувчиларнинг ўз конспектлари устида мустақил ишлаши таъминланади ва фронтал тарзда билимлар мустаҳкамланади.

2. **Уйда мустақил ишлаш:** таянч конспектидаги кодлаштирилган ўқув материалларини ўқувчи дарслик ёрдамида ойдинлаштирилади.

3. **Назорат ва баҳолаш:** мавзу бўйича ўқувчининг билим, қўникма ва малакалари ташқи назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш ёрдамида текширилади. Назорат шакли: таянч конспекти бўйича ёзма, мустақил иш, оғзаки сўров: жуфтли ўзарот, гурӯхли ўзарот назорат:

Муаллифнинг бой тажрибаси –“**таянч сигналлари варақаси**” асосида ташкил этилган ўкув билиш фаолияти ўқувчиларнинг юқори кўрсаткичга эришишини шубҳасиз таъминлайди. Ўқувчи олган баҳо билимларни ҳисобга олиш варақасида қайд этилади ва у хоҳлаган вақтда қайта тайёрланиб, ўз баҳосини тузатиши мумкин. Демак, бу технология очиқ истиқболли принципни таъминлаган ҳолда ўқитувчи ва ўқитувчи ўртасида низо туғдирмайди.



#### **4. Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари.**

Компьютер техникасининг пайдо бўлиши ва унинг қўлланиши фан ва техниканинг қўп соҳаларида катта бурилиш ясади. Олинган маълумотларни тез ва қайта ишлаш инсоният меҳнат фаолиятининг натижасига тўғридан-тўғри таъсир этади. Шунинг учун ҳам компьютерларни ишлаб чиқариш, унга бўлган эҳтиёж кундан кунга ўсмоқда.

Ўкув жараёнини **жадаллаштириш**-самарадор техник воситаларни, компьютер воситалари ва илмий-техник тараққиётнинг охирги ютуқларини ўкув-тарбия жараёнида қўллаб, ўкувчи ва ўқитувчининг дарс жараёнида қилган меҳнати миқдорини кучайтириш ва кўпайтиришдан иборат.

Ўкув жараёнини **жадаллаштириш** ўзининг объектив ва субъектив қонуниятларига эга ва ўзига хос воситалар орқали амалга оширилади. Ўқувчининг мустақил билиш фаолиятини қайтаришга асосланган усулга

үтказувчи ва бошқарувчи каби ҳаракат қиладиган билиш фаолиятини **фаоллаштирадиган** механизмнинг таркибий қисми айнан ушбу воситалар ҳисобланади.

Компьютер ўқувчиларнинг билиш фаолиятини **фаоллаштиради**, чунки замонавий компьютерлар кўргазмалиликни (катта имкониятини очади), яъни кўришни эшитиш билан қўшишни, мультиликация ишлатиш ва бошқа имкониятларни беради.

Компьютер ўқув жараёнида тўртта тартибда ишлаши мумкин: **пассив қўллаш, реактив мулоқот, фаол мулоқот ва интерфаол мулоқот**.

**Биринчи тартибда** компьютер оддий ҳисобловчи қурилма сифатида, яъни ҳисоблаш жараёнини **тезлаштириш** учун фойдаланилади. Бундай қўллаш ҳисобланиши керак бўлган масалалар жуда оғир бўлган ҳоллардагина фойдалидир. Пассив тизимларга шунингдек, қўлловчининг хоҳишидаги сўроқларга қисқача маълумот бера оладиган автоматлаштирилган маълумот омборлари ҳам ҳосил бўла олади.

**Реактив мулоқот тартиби** педагогик нуқтаи назардан самаралироқдир. У автоматлаштиришгача олиб борилиши керак бўлган қўнималар ҳосил қилишда керакдир. Юқорида келтирилган икки тартибни ўз ичига олган учинчи **тартиб-фаол мулоқот** тартиби қизиқарлироқдир. Бунда ўқувчи компьютерни ҳисоблаш қурилмаси сифатида қўллаши мумкин, ундан турли туман йўл-йўриқ олиши мумкин, компьютер эса ўз навбатида, ўқувчига масала ва савол қўяди, уни баҳолайди. Мулоқот охирида компьютер ўқувчига назорат пайтида билмаган билимларни чукурроқ ўрганишга қаратилган методик кўрсатмалар беради.

**Тўртинчи тартиб бўлган – интерфаол мулоқот** сунъий интеллект яратиш борасида қўйилган қадамдир. Бу тартибда компьютер, ўқувчи ва ўқитувчи билан тенг ҳуқуқда мулоқот олиб борадиган ҳамсухбат жиҳатдан янги “**ўқитувчи-компьютер -ўқувчи**” тизимиға кириб, компьютер талабига жавоб беради, қийин вазиятларда ёрдамга келади, ўқитувчига ёрдамга мурожаат қиласида ваҳаказо.

Юқорида саналган түртта мuloқот тартиблари ўкув жараёнида ўтиладиган предметларни ўзаро алоқадорлигини амалга оширишга имконият беради. Хуллас, компьютер ўқитиш жараёнини етарлича енгиллаштирадиган восита бўлиб, ўкув-тарбия жараёнини **жадаллаштиради**.

**Ўкув-тарбия жараёнини жадаллаштириш** учун ўқитувчи-ўкувчи-компьютер учлигининг ўкув фаолиятидаги ўрни ва босқичларини таҳлил қилиш зарур. Бу босқичлар қизиқиши уйғотиши, қабул қилиши, тушуниши, ўзлаштириши, билимларни мустаҳкамлаш, эслаш, долзарблаштириши, амалда қўллашлардан иборатдир. Бу босқичларда таълим олиши (ўкувчи томонидан) усуллари ва шунингдек, турли компьютер воситалари киради.

### **Компьютер ўкув-тарбия жараёнида қуидагича қўлланиши**

**мумкин.**

Ўкув жараёнининг босқичлари	Асосий усуллар	
	Таълим бериш	Таълим олиш
1	2	3
Қизиқиши уйғотиши	Хабар бериш, ҳимоя қилиш, маъруза	Эшититиш, қузатиш, ўйлаш
Қабул қилиши	Тушунтириш, Намойиш қилиш	Эшититиш, қузатиш, ўйлаш
Тушуниш	Кузатиш, сұхбат, саволлар кўрсатмалар	Кузатиш, тажрибалар ўтказиш, фикрлаш
Ўзлаштириш	Кузатиш, сўраш,, тушунтириш	Такрорлаш, машқлар бажариш, тажрибалар ўтказиш
Назорат қилиши (Текшириш)	Сұхбат, йўналтирувчи саволлар	Масалалар ечиш, машқ ва лабаратория ишларини бажариш
Эслаш	Сұхбат ўтказиш, йўналтирилган саволлар бериш	Хотирага олиш, тажрибалар ўтказиш
Амалда қўллаш	Сұхбат ўтказиш, йўналтирилган саволлар бериш	Хотирага олиш, тажрибалар ўтказиш

## **Ўқув жараёнида ўқитувчининг вазифалари қўйидагилардан иборат:**

ўқувчиларга билимлар тизимини бериш; ўқувчиларни илмий равишда фикрлашга (мулоҳаза қилишга), изчиллик билан, асосланган, қатъий ва объектив мулоҳаза қилишга ўргатиш; ўқувчиларни уларнинг фикрлари ва таъкидлари тўғрилигини мустақил равишда исботлаш ва асослай олиш, малакаларини ривожлантириш ва шакллантириш; абстраккциялаш ва аниқлаштиришга қобилиятли қилишга, ўзига масала қўйиш ва уларни ҳал қилиш йўлларини қидира олишга, ўзининг фикри ва бошқаларнинг фикрини текшира олиш ва баҳолай олишга, тезда фикрлай олишга ўргатиш; ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш, уларни ўз фикрларини саводли ва мантиқан тўғри баён қилишга ўргатиш ва бошқалардир.

Ушбу сифатларни ўқитувчи, аввало ўзининг шахсий мисолида ривожлантиради. У фикрлаш жараёнини таҳлил ва синтез қилиб, таққослаш ва гурӯхларга ажратишдан фойдаланиб, билимларни тизимларга солиш йўллари билан бошқаради; умумлаштириш ва абстрактлаштириш йўлини кўрсатади. Ўқитувчи дикқат ва хотиранинг барча хусусиятларини ҳисобга олиб, бажарилиши керак бўлган масалани ҳал қилиш кераклигини тушунтиришни тахминлайди. У масалаларнинг натижаларига қизиқиши уйғотади; дикқатларини **фаоллаштиради ва тушунишни енгиллаштиради.**

### **Назорат саволлари:**

1. Имитацион моделлаштиришнинг умумий муаммолари ҳақида маълумот беринг.
2. Имитацион моделлаштиришнинг асосий концепцияларини санаб беринг
3. Имитацион моделлаштиришнинг асосий воситаларига нималар киради, изоҳланг.
4. Ахборотни тақдим этиш шаклига кўра моделларининг турларини айтиб беринг.
5. Компьютерли моделлаштиришнинг асосий босқичларига нималар киради?
6. Оптималлаштирувчи моделлар ҳақида маълумот беринг.

7. Моделлаштириш босқичларини тушунтириб беринг?

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 41-57p.
2. Alex Moore Teaching and Learning Pedagogy, Curriculum and Culture London and New York. 2012
3. Neil Selwyn Educational and technology key Issues and Debates London 2011.
4. Malcolm, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and Capacity Building for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development no. 5. 31 p.

#### **4-мавзу: Ўйин тарзида моделлаштириш ва унинг моҳияти.**

1. Ролли ўйин тарзида педагогик вазиятларни моделлаштириш.
2. Ўйин тарзида моделлаштириш технологияси.
3. Коммуникатив компетентликни ривожлантиришда педагогик вазиятларни моделлаштиришдан фойдаланиш.
4. Педагогик низоларни моделлаштириш.

**Таянч иборалар:** ролли ўйин, ролли ўйинларни моделлаштириш, моделлаштириш технологияси, педагогик вазият, дидактик ўйинлар

##### **4.1. Ролли ўйин тарзида педагогик вазиятларни моделлаштириш.**

Дидактик ўйинлар технологиялари ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Улар ўқувчи шахсидаги ижодий имкониятларни рўёбга чиқаради ва ривожлантиришнинг амаой ечимларини аниқлаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Дидактик ўйинларнинг асосий турлари: интеллектуал (ақлий) ва ҳаракатли ҳамда аралаш ўйинлардан иборат. Бу ўйинлар иштирокчиларда ақлий, жисмоний, ахлоқий, психологик, эстетик, бадиий, тадбирлик, меҳнат ва бошқа кўнималарни ривожлантиришга ёрдам беради.

*“Баъзи талабалар маъruzalарда фойдаланиладиган анъанавий таълим усулларидан қониқиб ўқийди, баъзилари амалиётни маъқул кўради, баъзилари эса илмий-тадқиқод ишларни, муаммоли вазиятларни, катта чақириқли таълим усулларни хуши кўради ва ўшанга жавоб беради. Талабалар турли хил усуллар орқали таълим олиши ўта мухим. Хисоблаш фанида фаоллик тан олинган ва мотиватсия катта куч деб хисобланади, шу туфайли разгарлантириши муамолларни таъминланади. Ўзида ишонч хосил қилишида таълимни кучайтириши учун вақтида конструктив боғланиши бўлиши, баҳолаш мезонли, тизимли бўлиши шарт. ... фани хисобот, дастурий таъминот ишланмалар, аналитик фикрлаш, режалаштириш ва тақдим этиши каби кўп кўнималарда юқори стандартларга амал қилишини талаб этади. Ахоли талабаларнинг дастураларига ихтиёж сезаётганини, талабалар индуксияси мухим аҳамиятга эга. Талабалар индекси олий таълим муассасага қабул*

қилиншиидан олдин мавжуд бўлиши лозим. Фойдаланувчининг муассаса хақида тассавурга эга бўлиши шарт, барча эълонлар, ўқув ҳисоблаш фан кучли мотиватсия эътироф ва таълим муаммоларни разбатлантириши тақдим этилади. Масалан, ривожланиши даврида улар ўз таълим учун катта масъулиятни ўз з иммасига олиши керак. Яна, тайёр иши устида конструктив қайта боғликлек мунтазам равишда мукаммалликга эришиши йўллари хақида маълумот етказиб беради.

Тан олиши керак талабалар орасидаги технологиялар улар таълим олишини таъминлайди, купчилигини қўлида мобил телефонлар мавжуд бўлиб тармоқларда иштирок этишади. Ахборотлардан фойдаланиши манбайилар, замонавий технологияларнинг талабаларнинг феъл авторига, ўқишига бўлган ёндошувига таъсири бор. Талабалар кутиши вақти шундан иборатки уларда бор уяли телефон, ноутбук ёки iPodларга бирор бир киши маълумотни жойлаштириши. Бу “мобилтаълим” ёки т-таълим деб аталмиши талабалар ўрганишига олиб келди (Васселл ва бошқ., 2006). Масалан, аудиотанишиши ва СМСлар дарсларга қисман ёки сабабларга кўра кела олмаган талабалар учун маълумотларни олишида алтернатив восита хисобланади. Таълимда ушибу механизмлар ва ўқув воситаларидан фойдаланиши аста-секин биринчи босқичда қўллаб-қувватланиб келмоқда ва талабалар билим олишида кенг имкониятлар яратади”<sup>14</sup>.

Таълим-тарбия жараёнида асосан ўқувчиларда таълим олиш мотивларини, уларнинг турли йўналишдаги қобилият ва қизиқишлирини оширадиган, бирор касбга мойилликларини ўрсатадиган дидактик ўйинлардан фойдаланилади. Дидактик ўйинлар назарий, амалий, жисмоний, роли, ишchanлик ва бошқа йўналишлар бўйича турларга ажратилади. Ҳозирда компьютер воситасидаги дидактик ўйинлар алоҳида аҳамиятга эга.

---

<sup>14</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 297-300p

Дидактик ўйинлар ўқувчиларда таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, тадқиқ қилиш, ҳисоблаш, ўлчаш, ясаш, санаш, кузатиш, солиштириш, хуласа чиқариш, мустақил қарор қабул қилиш, гурух ёки жамоа таркибида ишлаш, ахлоқ-одоб ўргвтиш, нутқ ўстириш, тил ўргатиш, янги билимлар ўргатиш ва бошқа фаолият турларини ривож-лантиришга йўналтирилган ўйинларга ажратилади.

Дидактик ўйинлардан алоҳида фойдаланиш орқали бошқа усуллар ёрдамида эришиш қийин бўлган таълим-тарбиявий мақсадларни амалга ошириш кўзда тутилади. Турли ўқув фанларига оид дидактик ўйинлар мавжуд бўлиб, улар шу фанларни сифатли ўргатиш мақсадларига хизмат қиласди.

Умумий ўйинлар назариясига кўра, мавжуд барча ўйин турларини таснифлашда уларни функционал, мавзули, конструктив, дидактик, спорт ва ҳарбий ўйинларга ажратилади. Буларнинг орасида дилактик ўйинлар алоҳида аҳамиятга эга. Ўйинлар мактаб ёшидаги болаларнинг асосий фаолият шакли ҳисобланали. Бу эса педагог ва психолог олимлар томонидан шу ёш давридаги ўйинларнинг таълим-тарбиявий аҳамиятини ўрганиш ва янада ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилишига асос бўлади.

Натижада, олдинги асрнинг 60 –йиллари бошидан АҚШда, сўнгра бошқа ғарб мамлакатларида ишchanлик ўйинлари қўлланила бошлади. Ишchanлик ўйинлари тадқиқотчилари бу усулни энг асосий, самарали ва тежамли таълим методларидан иборат деб таъкидлаганлар.

Дидактик ўйинларнинг яна бир тури – ақлий хужум усулини биринчи марта 1939 йилда А.Ф.Особорн қўллаган. Бу усулни ғоялар банки деб номлаган. У муаммоларни қуидагича ечишга асосланади:

-муаммоли вазият яратиш:

-ғояларни шакллантириш:

-энг яхши ғояларни текшириш, баҳолаш ва уни ечиш бўйича иложи борича кўп, баъзан, батамом кутилмаган ғояларни бериш учун энг қулай шароит яратилиши ақлий ҳужум машғулоти самарадорлигини белгилайди<sup>15</sup>.

#### **4.2. Ўйин тарзида моделлаштириш технологияси.**

**Ишчанлик ўйини дарси** - дарс мавзуси бўйича масалаларни ҳал этиш жараёнида ўқувчиларнинг **фаол** иштирок этишини таъминлаш орқали янги билимларни ўзлаштиришиш мумкин.

**Ролли ўйин дарси**<sup>16</sup> - дарс мавзуси бўйича масалаларни ўрганишда ўқувчиларга олдиндан маълум ролларни тақсимлаш ва дарс жараёнида шу ролни бажаришларини ташкил этиш асосида билимларни мустаҳкамлаш дарси.

**Театрлаштирилган дарс** - дарс мавзуси билан боғлиқ сахна кўринишлари ташкил этиш орқали дарс мавзуси бўйича чуқур, аниқмаълумотлар бериш дарси.

**Компьютер дарси** - тегишли ўқув фани бўйича дарс мавзусига доир компьютер материаллари (мультимедиа, виртуал ўқувкурси ва шу кабилар) асосида ўтиладиган дарс.

**Ким ошди савдоси дарси** - ўқув фани айрим бўлими бўйича билимларни ҳар бир ўқувчи қанчалик кўп билишини намойиш этиш дарси.

**Ярмарка дарси** - дарс мавзусини бўлаклар бўйича олдиндан ўзлаштиришган ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот асосида синфга қизиқарли тушунтириш орқали ўтиладиган дарс.

**Формулалар дарси** - ўқувчиларнинг формулаларни пухта ўзлаштиришилари бўйича турли ўйинлар шаклидаги манлар ўтказиш дарси.

---

<sup>15</sup> [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru)

<sup>16</sup>A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teachingand learningCurriculum design anddevelopment, Lorraine Stefani, 79p.

**Ўйин дарси** - дарс мавзусига мос ўйин орқали ўқувчиларнинг ўзлаштиришишларини ташкил қилиш дарси.

**«Суд» дарси** - ўқувчилар билан дарс мавзусига мос «суд» жараёнини ташкил этиш орқали янги мавзуни тушунтириш дарси.

**Концерт дарси** - дарс мавзусини саҳналаштирган ҳолдаги концерт шаклида ифодалаш машқлари бўлиб, ўқувчиларни фаоллаштириш ва билимини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

**«Терговни билимдонлар олиб боради» дарси** - дарс мавзусини олдиндан пухта ўрганган ўқувчилар ёрдамида қизиқарли савол-жавоблар, таҳлиллар асосида исботлаб тушунтириш матнлари бўлиб, бунда ўқувчилар дарс мавзусини ўзлаштириб, эслаб қолишлари учун қулайлик яратилади.

**Интеграл (интеграциялашган) дарс** - бир нечта фанларга доир ва интеграциялаш учун қулай бўлган мавзулар бўйича ташкил қилинган дарс бўлиб, ўқувчиларнинг турли фанларга қизиқишларини орттириб, таълим жараёнидаги **фаолликларини** таъминлайди.

Бундай дарслар ўқувчиларга фанлараро боғлиқликни ўргатиш орқали уларда олам тузилишининг илмий асосларини тўлиқ идрок этиш, илмий дунёқарашларини шакллантириш, ижодий тафаккурларини ривожлантиришга хизмат қиласди.

**«Муъжизалар майдони» дарси** - ўқувчилар билан ўтказиладиган қизиқарли ўйин бўлиб, турли саволларга белгиланган вакт давомида турли жавоблар топиш ва ғолибларни рағбатлантириш орқали ўқувчиларда фикрлаш, топқирлик, зийраклик ва билимларини кенгайтириб бориш сифатларини шакллантиради.

#### **4.3. Коммуникатив компетентликни ривожлантиришда педагогик вазиятларни моделлаштиришдан фойдаланиш.**

Маълумки, ўқувчиларнинг билиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлашган дарслар дидактик ўйинли дарслар дейилади.

Дидактик ўйинли технологиялар ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятин ўйин фаолияти билан қўшиб олиш боришдан иборат. Дидактик ўйинлар

**мусобақа, рақобат, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик** тарзида олиб борилади. Бунинг учун ўқитувчи дидактик ўйиндан кўзда тутилган мақсад, уни амалга ошириш йўллари, ўйин мазмуни ва иштирокчилари фаолиятини аниқлаб олади. Дидактик ўйин дарслари таълим ва тарбия бериш, ўқувчилар фаолиятини йўналтириш, касбга йўналтириш, ўқувчиларнинг мулоқат ва нутқ маданиятини ривожлантириш, улар билимларини чуқурлаштириш ва шахсни ривожлантириш вазифасини бажаради.

Дидактик ўйинли дарсларни мазмунига кўра саҳналаштирилган ролли ўйинлар, ижодий ишбилармонлик ўйинлари, конференция ва ўйин машқли дарсларга ажратиш мумкин.

Дидактик ўйинли дарсларнинг сюжетли-ролли, ижодий, ишбилармонлар, конференциялар ва ўйин машклар каби турлари бор.

Мазкур дарсга ҳамма ўқувчилар улар қайси ролни бажаришидан қатъий назар қизқин тайёргарлик кўриши лозим.

### **Дидактик ўйинларни амалда қўллаш шарт- шароитлари**

Дидактик ўйинларни танлашда иштирокчиларнинг ёши, билими ва тарбияланганлик даражаси хисобга олинади. Ҳар бир дидактик ўйин машғулотларига ўзига хос хавфсизлик талаблари кўйилади. Бу хавфсизлик талабларига тўлиқ риоя қилиниши ҳар бир ташкилотчининг доимий эътиборида бўлиши лозим.

Бундан ташқари ҳар бир дидактик ўйин учун сарфланадиган вақт миқдорини турли белгилаш ва унга риоя қилишнинг ўзига хос асосларини билиш ва дарснинг мақсадига мувофиқ қўллаш талаб қилинади.

### **Дидактик ўйин турларини танлаш мезонлари:**

- иштирокчилар таркиби бўйича- ўғил болалар, қиз болалар, ўсмирлар, катта ёшдагилар учун ўйинлар;
- иштирокчилар сони бўйича-якка, жуфтликда, кичик груп, катта груп синф жамоаси, рақобатдош командалар, синфлараро ва оммавий ўйинлар;
- ўйин жараёни бўйича-фикрлаш, ўйлаш, топафонлик, ҳаракатлар, мусобақа ва бошқаларга йўналтирилган ўйинлар;

— вақт меъёри бўйича-дарс, машғулот вақтининг режа бўйича ажратилган қисми, ўйин мақсадига эришгунча, ғолиб ёки ғолиблар аниқлангунча давом этадиган ва бошқа ўйинлар.

**Дидактик ўйинлар** воситалари, уларни тайёрлаш ва машғулотлар самарадорлигини ошириш омиллари

Ҳар бир дидактик ўйин жараёнида ўзига хос воситалар турлари қўлланилади ва машғулот жараёнида улардан турли, унумли ва хавфсиз фойдаланиш лозим. Бу воситаларни қуидаги турларга ажратиш мумкин:

—канцелярия товарлари-турли ўлчамлардаги оқ ва рангли қофозлар, скотч, фломастерлар, ручка, қалам, чизғичлар, қайчи, елим ва бошқалар;

—техника воситалари-проектор, микрофон, компьютер; видеокамера, видеомагнитофон, телевизор ва бошқалар;

—ўқув асбоб-ускуналари- ўқув лаборатория ва устахона жиҳозлари, ўлчов асбоблари, ўқув приборлари, мослама, механизм, модель ва бошқалар;

—маҳаллий ва табиий материаллардан тайёрланган воситалар.

Дидактик ўйинлар ташкилотчилари улар учун ишлатиладиган ҳар бир материал билан ишлаш, улардан тегишли дидактик воситаларни тайёрлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш технологияларини пухта билишлари ва риоя қилишлари лозим. Чунки дидактик воситаларнинг сифати, кўзда тутилган мақсадларга мослиги, қулайлиги ва улардан турли фойдаланиш машғулотлар самарадорлигини оширишга ижобий таъсир қўрсатади.

### **Дидактик ўйин турларини тайёрлаш ва амалда машқлар бажариш**

Мактабда ҳар бир ўқитувчиайрим турдаги дидактик ўйин машғулоти ўқув материалларини амалда қўллаш учун тайёрлашини ташкил қилиш методик фаолиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бунда ўқитувчилар ўзмутахассислик фанлари бўйича ўзлари танлаган мавзудаги дарсни энг мақсадга мувофиқ дидактик ўйин турларидан фойдаланиб ўтказиш юзасидан дарс ишланмаси тайёрлашлари ва унинг асосида метод бирлашма мажлисида

шу машғулотни баён қилиб беришлари ва тегишли мұхокамалар үтказиб боришиша тавсия қилинади.

### **Дарс ишланмаси**

**1. Дарснинг мақсади:** Ўқувчиларнинг назарий билимларини амалий күнінма ва малакаларга айлантириш, уларда таълимий фаолликни юзага келтиришда ролли, дидактик ўйинларни ўрни ва аҳамияти түғрисидаги билимларини ривожлантириш.

**2. Дарсдан кутиладиган натижә:** Дарслар учун ролли, дидактик ўйин топшириқларини тайёрлайдилар ва улардан дарс жараёнида фойдалана оладилар.

**3. Дарс тури:** маъруза-сұхбат.

**4. Дарс босқичлари ва дарс тақсимоти:** 45 дақиқа.

I. Ташкилий қисм – 5 дақиқа.

II. Дарсларда ролли, дидактик ўйинларни қўллаш усуллари – 20 дақиқа.

III. Дарслар учун ролли, дидактик ўйин топшириқларини тайёрлаш – 18 дақиқа.

IV. Дарсга якун ясаш – 5 дақиқа.

**5. Ўқув жараёнининг мазмуни:**

**Метод:** Ролли, дидактик ўйинлар.

**Шакл:** индивидуал, гурӯхларда.

**Усул:** оғзаки, ёзма, тақдимот;

**Баҳолаш:** рейтинг тизимида.

**Үйга вазифа:** кейинги ўтиладиган мавзуга тайёрланиш. Мавзуга доир адабиётлар билан танишиш.

**Дарс жараёни:**

**I. Ташкилий қисм – 5 дақиқа.**

1. Саломлашиш. 2. Давоматни текшириш. 3. Дарсни белгиланган талаблар асосида ташкил этиш. 4. Тингловчиларнинг мавзуга доир тушунчаларини аниқлаш ва янги мавзу мақсади ва дарсдан кутиладиган натижалар билан таништириш.

## **II. Дарсларда ролли, дидактик ўйинларни қўллаш усуллари – 20 дақиқа**

### **Сұхбат матни**

Хозирги кунда таълимни ташкил этишда ролли ўйинлардан самарали фойдаланишга эътибор берилмоқда. Ўйин чоғида маҳсулдор эмас, балки жараёнли фаолият ташкил этилганлиги боис ўқувчилар тасвирий вазиятларни яратиш асосида ўзларининг атроф-муҳитга бўлган муносабатларини табий намоён эта оладилар. Ўйинли фаол фаолият эса уларнинг ижодий имкониятларини оишриб, тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг назарий билимларни амалий кўникма ва малакаларга айлантириш, уларда таълимий фаолликни юзага келтириш, уларни ижтимоий муносабатлар жараёнига кенг жалб этишда ролли ўйинлар ўзига хос ўрин тутади.

Ўйин технологиялари таълим самарадорлишни таъминлаш, ўқувчиларда фаолликни юзага келтириш, билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, вақтни қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Ўйин жараёнида намоён бўлувчи психологик хусусиятлар ҳар ўқувчига шахсий имкониятларини намойиш эта олиш имконини беради, уларнинг ижтимоий ҳаётда эгаллаган ўрнини барқарорлаштиради, уларда ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ҳосил қиласди.

**Ўйин технологиялари назарий билимларни мустаҳкамлаб, амалий кўникмаларнинг малакаларга айланишини таъминлаб қолмай,  
ўқувчиларда муайян ахлоқий, иродавий сифатларни ҳам  
тарбиялайди.**

Ўйинларни ташкил этиш мақсадлари қуйидагилардир:

- таълимий (дидактик) мақсад;
- тарбиявий мақсад;
- фаолиятни ривожлантиришга йўналтирувчи мақсад.

Ролли ўйинларнинг муваффақиятли ташкил этилиши учун бир қатор шартларга амал қилиш зарур. Улар қуидагилардир:

Жамоа аъзолари ўртасида самимий мухитни қарор топтириш;  
ўйин жараёнида қатъий талаблар қўйилишини инкор этиш;  
ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эркин, бемалол, ўзига ишонган ҳолда,  
хотиржам ҳаракат қилишларига эришиш;  
синфда қулай шароитнинг мавжуд бўлиши (шовқин даражасини назорат  
қилиш, ўқувчиларни чалғитувчи ҳаракатларни содир этмаслик);  
синфда тартиб ва тинчликни сақлаш мақсадида ўқувчиларнинг  
ўйинфаоллигига таъсир қиласлик.

Кўйида фаннинг ўқитиши жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган ўйинлардан бир нечтасини моделлаштириш жараёнини кўриб чиқамиз.

Масалан, “Педагогика” фани бўйича “Соғлом турмуш тарзини шакллантириш” мавзусини сўраш жараёнида ролли ўйин технологиясидан фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчи синфни 2 та гурӯхга ажратади. 1-гуруҳ: “Беморлар”, 2-гуруҳ: “Шифокорлар”. Шундан сўнг ўқитувчи “Беморлар” гурӯхидан бир ўқувчига секингина унда қайси витамин етишмаслигини айтади. Бемор ўқувчи унда етишмайдиган витаминни эшитгач: шу витамин етишмаган тақдирда инсонда қандай касаллик белгилари пайдо бўлишини эсга олиши ва шу белгиларни ўзида пайдо бўлганлигини 2-гуруҳдаги ўқитувчи танлаган ўқувчига айтиши керак. Шифокор уни диққат билан тинглаб, bemorга ташхис қўйиши яъни унда қайси витамин етишмаслигини аниқ айтиб, уни даволаш учун қандай озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши кераклигини айтади. Кўриниб турибдики, bemor ролидаги ўқувчи ҳам шифокор ролидаги ўқувчи ҳам мавзуни чуқур билмасдан туриб ўз ролини бажара олмайди. Ролли ўйин давомида шундай ҳол бўлган тақдирда бу ўқувчи шу гурӯхдаги бошқа ўқувчи билан алмаштирилади. Албатта, бу гурӯҳ ўрнини белгилашда салбий таъсир кўрсатади. Ўйин мавзу доирасида режалаштирилган саволлар тутагунига қадар давом этади.

### **“Жумбоқ кўчаси” ўйини.**

Мио... д – эшитиш аъзосида нуқсон бўлган одамларга нисбатан қўлланиладиган атама, юракнинг ўрта қисми (Миокард – “кар”).

Эн... рд – боғлов материали, юракнинг ички эпителий қавати (Эндокард – “дока”)

Кор... ча – жониворларнинг, қушларнинг яшаш жойи, юрак камераси (коринча – “ин”)

Диас... а – юксак ўсимликларни номлашда ишлатилади, юракнинг кенгайиши (Диастола – “тол”)

Ав... ияси – помидордан тайёрланадиган қуюқ озуқа, юракнинг маълум вақт давомида кенгайиб ишлаб туриши (Автоматияси – “томат”)

### **“Давом эттиринг” ўйини**

Бу ўйинда З та ўқувчи қатнашиб, унинг бири ҳакамлик вазифасини бажаради. Ўқувчилар ўйинни умуртқасиз ҳайвонлар ёки умуртқали ҳайвонларнинг айрим синфлари бўйича ўтказишлари тавсия этилади. Ўйиннинг бу вариантида ўйин айтилган таълим методининг охирги ҳарфи билан бошланадиган метод номини айтиш йўли билан олиб борилади. Ушбу ўйинда ҳакамнинг қарори бўйича 1-ўқувчи енгилган ҳисобланади.

олмади.

### **“Билағонлар” ўйини масалан, биология дарси мисолида**

1. Капалакдек қуш? - (Колибр – унинг 500-600 таси 1 кг бўлади)

2. Митти полвон? - (Ари - 52, асалари – 24, пасаллус қўнғизи – 850 ҳисса катта юкни кўтариб юриши мумкин.

3. Баҳор маликаси? – (Лола)

4. Орқаси ва ёнига учувчи қуш? - (Колибр)

5. Ҳайвонлар неча йил яшайди?

а) моҳ (10 йил)

б) дуб (2500 йил)

в) нок (300 йил)

г) олма (200 йил)

- д) уй товуқлари (30 йил)
- е) от (60 йил)
- ж) маймун (50 йил)

Тингловчилар кичик гурӯҳларда ролли, дидактик ўйин тарқатмаларини тайёрлайдилар ва унинг тақдимотини ўтказадилар.

#### **IV. Дарсга яқун ясаш – 5 дақиқа.**

Ўқитувчи машғулот мақсади ва натижаларини тингловчиларга эслатади, уларни қай даражада амалга оширилганлигини аниқлади. Фаол тингловчиларни рейтинг тизимида баҳолайди ёки рағбатлантиради. Машғулотга яқун ясайди.

**Уйга вазифа:** кейинги ўтиладиган мавзуга тайёрланиш. Мавзуга доир адабиётлар билан танишиш.

***“Ҳар ким – ҳар кимга ўргатади” технологиясидан биология дарсларида фойдаланиши***

“Ҳар ким ҳар кимга ўргатади” услуби ўқувчиларга ўргатувчига айланиш, маълум билимларни ўзлаштиргач, ўртоқлари билан баҳакм кўриш имконини берувчи ўқитиш услубидир. Бу услубнинг мақсади ўқувчиларга ўқитиш жараёнида зарур бўлган ахборот максимумини бериш, айни пайтда ўқувчига ахборот олиш ва беришга қизиқиш уйғотишидир. Шунингдек, ахборот ҳажмини олган ўқувчи маълум вақт давомида уни иложи борича қўпроқ ўртоқларига етказади.

**Қўлланилиши.** Ўқувчиларга ахборот олиш ва беришга қизиқиш уйғотиши учун. Мавзуни диққат билан эшлиши ва эслаб қолиш учун.

**Афзаллиги.** Ўз фикрини қисқа баён этиши. Тинглаш ва эслаб қолиш даражасини ривожлантириши. Фанга ёки мавзуга бўлган қизиқишини уйғотиши. **Ўқитиш мақсадлари:**

Ўқувчилар сессия якунида билиб оладилар:

-интерфаол таълим методи бўлган ролли ўйиннинг афзаллик ва камчилигини;

-ролли ўйин методини қандай ҳолда қўллаш кераклигини.

## **Фаолият:**

### **1. Ролли ўйин “Маҳалла қўмитасидаги мажлис” (30 дақиқа)**

Тасаввур қилинг - Сиз маҳалла қўмитасида ўтказиладиган мажлиснинг қатнашчисисиз. Мажлис кун тартибида – ҳар бир қатнашчи ўз фаолияти жараёнида дуч келадиган муаммолар муҳокамаси. Фаолият эса шахснинг (боланинг) ҳар томонлама етук ривожланишига йўналтирилган. Ҳар бир қатнашчи мажлисда тўрттадан кам бўлмаган муаммони қўтаради:

Ҳар бир қатнашчи чиқишига регламент белгиланади.

Умумий мажлис мажлис бошқарувчисини тайинлайди.

Слайдда мажлис қатнашчиларининг рўйхати намойиш этилади.

Маҳалла қўмитасидаги мажлис:

Мажлис қатнашчилари:

- Маҳалла қўмитасининг раиси
- МТМ мудираси
- Мактаб директори
- Поликлиника бош шифокори
- “Оилавий таълим”дастури бўйича мутахассис (волонтёр)
- Кўни-қўшни
- Ота-она
- Буви-бува (қайнона)
- Бола (6 ёш)

Ролли ўйинлар ўтказишида уни ўтказиш қоидалари плакатда осиб қўйилади.

Керакли материал:

- экран
- мультимедиа проектор
- компьютер

*Хрестоматия*

- Ролли ўйинни ўтказадиган тренер сифатида ўзига бериладиган маслаҳатлар

### **Слайд №2**

Ролли ўйинни ўтказадиган тренер сифатида ўзига бериладиган маслаҳатлар:

- Вазиятни тўғри айтиб бериш
- Вазиятни ўзи тушуниб етиши

- Ролларни аниқ бўлиб бериш
- Аниқ инструктаж ўтказиш
- Лозим бўлган шароитни яратиш
- Регламентни аниқлаб назорат қилиш
- Таълим мақсадларини тўлиқ аниқлаб олиш
- Мақсадга эришишга ҳаракат қилиш
- Ҳаракатларни (ўйиннинг ўзини) назорат остида ушлаш
- Тренер бажарувчидан масалани тўғри тушунгандигини тасдиқлаганини эшлиши
- Мақсадли гурухнинг даражасини ҳисобга олиш
- Ўқув мақсади бўйича ролли ўйин натижаларини тўлиқ таҳлил қилиш

### **Ролли ўйин босқичлари:**

1) Ҳаракат (маҳалла қўмитасида мажлис)

**Таълим мақсади:** Қатнашчилар маҳаллалардаги аниқ вазиятни яратадилар

2) Асосий муаммолар “тўпламини” аниқлаш, кичик гурухларда бу муаммо бўйича иш олиб бориш, бор муаммони юзага чиқариш.

**Таълим мақсади:** Қатнашчилар бор бўлган муаммоларни юзага чиқариб йигадилар.

3) Сабаб – оқибат боғлиқлигини тузиш

**Таълим мақсади:** Қатнашчилар муаммолар дарахти билан танишадилар, асосий муаммолар бўйича сабаб ва оқибат боғлиқлигини тўзадилар.

4) Муаммоларни ҳал қилиш йўлларини асосий йўналишлари бўйича ишлаб чиқиши

#### **1. Натижаларни кўриб чиқиши. Савол-жавоб (10 дақика)**

<p>Тақдимот тўғрисида гуруҳ фикрини аниқланг:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Машқ пайтида сиз ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?</li> <li>- Тақдимотда сизга нима энг қўп ёқди, нима учун?</li> </ul>	<p>Керакли материал:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- қофоз</li> <li>- ручка</li> </ul>
--	---

- Қийинчилик бўлдими ва нима учун?
- Бу машқ таълим учун мос келадими, нима учун?

## **2. Кичик маъруза (25 дақиқа)**

Үйүнчиларга ролли ўйинга тегишли ахборот берилади. Ролли ўйин афзалликлари, камчиликлари ва асосий элементлари ҳақида сўз юритилади ва слайдлар намойиш этилади.

### Керакли материал:

- қоғоз
  - ручка
  - мультимедиопроектор
  - компьютер
  - экран

## Хрестоматия

Ролли ўйин  
афзалликлари,  
камчиликлари ва асосий  
элементлари

## **Тренер (ўқитувчи) учун ахборот**

Ролли ўйин – қатнашчиларнинг тажрибасини кенгайтириш методи бўлиб, уларни кутилмаган вазиятга дуч қилиш орқали шу вазиятда қатнашчилардан кимнингдир ролини ижро этиш таклиф этилади, шу орқали вазиятнинг мос интихосини топадиган метод ишлаб чиқишига эришилади. Роллар ўйини назарияси машхур америкалик тадқиқотчи Дж.Морено айтганидек, role сўзи лотинча rotula (кичик филдирак ёки ғўла) сўзидан олинган бўлиб, кейинчалик пьесанинг актёр учун қоғозга ёзиган ва думалоқ найча қилиб ўралган варакдаги сўzlари эди. Факатгина XVI-XVII асрга келиб бу сўз актёrlар ўйини маъносини англата бошлади. Ролли ўйинлар тушунчаси XX асрда юзага келди. Ролли ўйинлар вақтинчалик қатнашчининг бошқа кишининг ролини ўйнашни, ёки ўзини бошқа вақт оралиғида кўрсатишини кўзда тутади. Киши ролни қабул қилганидан кейин шу ролдаги

персонаж каби хис қилишга, ҳаракат қилишга ва ўзини кўрсатишга ҳаракат қиласди. Бошқа қатнашчилар бирон бир мақсад билан рол ўйнаётганларини кўзатадилар. Ишнинг бундай шакли турли мақсадларда қўлланилади<sup>17</sup>.

### Слайд №3

#### Ролли ўйинлар афзалликлари

- Тажриба орттиришнинг энг самарали методларидан бири – “харакат орқали ўргатиш”.
- Билим ва кўникмаларни қиёслаганда “**оғриқсиз**” сингдиришнинг ёқимли методини таклиф этади.
- Қатнашчиларга баъзи бир вазиятларга дуч келганда кишилар ўзини қандай хис қилишини билиш имкониятини беради.
- Қатнашчиларга турли хулқ-автор моделларини ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш имкониятини берадики, табиий шароитларда улар рўй берганда у ёки бу моделни қўллаш мумкин бўлсин.

### Слайд №4

#### Ролли ўйинларнинг камчиликлари

- Агар гурух сценарий реал-ҳаётий эмаслигини, амалий фаолиятнинг баъзи бир қирралари ҳисобга олинмаганлигини сезса, ўйиннинг моҳияти йўқолади ва таълим мақсадларига эришилмайди. Агарки ролли машқларнинг мақсадлари тўлиқ тушунирилмаган бўлса, хулқ - авторни намоён қилиш муҳимлиги тасдиқланмаган ва эътибор қилинмаган бўлса, ролли ўйинни қандайдир “кўнгил очар” ўйин каби қабул этиш ҳавфи юзага келади.
- Ролли ўйин қандайдир даражада ҳавфга эга. Агар гурух

<sup>17</sup>[www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru); [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru); [www.inter-nastavnik.iatp.bu](http://www.inter-nastavnik.iatp.bu)

қатнашчилари ўйинда қатнашиб ўз “юзларини” йўқотишдан қўрқсалар, ёки ролли мулоқот жараёнида тортисалар, бу машқлар самара бермайди.

Агар ўқитувчи кучли психологик ва коммуникатив билимларга эга бўлмаса, у ижро чиларда хавотирлик, ўз ўзини баҳолашда ташвиш хиссини уйғотиши мумкин.

### **Слайд №5**

Ролли ўйиннинг асосий элементлари

Ташҳис

Тажриба қилиш

Текширув

Намойиш этиш

Мухокама қилиш

### **Слайд № 6**

Ташҳис

Қатнашчиларда рол ўйнаган даврдаги вазиятларда юзага келадиган муносабатларда ҳис-ҳаяжон туйғусини уйғотиши ва ривожлантириш қобилиятига эга

### **Слайд №7**

Тажриба қилиш

Рол ўйнаётган қатнашчига ўйин орқали янги роллар ва ҳиссиётларни сезиш имкониятини беради.

### **Слайд №8**

Текширув

Ўйлаб чиқарилган ва реал хаёт вазиятида турли ёндашувларни қиёслаш холатини юзага келишини таъминлайди.

### **Слайд № 9**

**Намойиш этиш**

**Катта аудиторияга “жонли” ҳолатда у ёки бу кўрсатмалар, стереотиплар ва муносабатларни кўрсатиш имконини беради**

## Слайд №10

### Мұхокама

Ролли үйинларни интиҳоси бўлиб, биринчи галда үйинга алоқаси бўлмаган далилларни эмас, қатнашчиларнинг бошидан кечирган туйғуларини мұхокама қилиш, қўллаш керак.

Үйиннинг асосий элементлари қўйилган масалаларни ҳал қилишга йўналтирилгандир

## Слайд №11

**1-босқич: рол ва мавзуларни тақсимлаш**

**2-босқич: ролларга тайёргарлик**

**3-босқич: үйин фазаси**

**4-босқич: таҳлил**

**5-босқич: мұхокама**

**6-босқич: хулоса**

### 4. Хулоса (10 дақиқа)

Ролли үйинлар биргаликдаги ҳаракатларнинг таълимий самарасига асосланган. Ролли үйинлар мазмунини кишилар орасидаги (инсон-инсон) фаолияти орқали амалга ошадиган инсонлар муносабати ташкил этади.

Керакли материал:

-

Ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқиши орттириш, дидактик-үйин, ўкув мунозаралари, ўқувчиларнинг таҳсил олишдаги бурч ва масъулиятини шакллантириш методларига мансуб бўлиб, улар қуидагича:

а) ўқишга бўлган қизиқиши орттириш методлари ўқувчиларда ижобий ҳиссиётни вужудга келтириш, қизиқарли аналогиялардан фойдаланиш, таажубланиш эффекти, билиш қувончини вужудга келтириш, ўқувчиларни рағбатлантириш ва танбех бериш услуби.

б) дидактик үйин методи, үйин сюжетини танлаш, үйин вазиятларини вужудга келтириш, ўқув-билишга оид үйинларни танлаш, ўқувчиларни рағбатлантириш услуби.

в) ўқув мунозаралари методи ўқув баҳсларини келтириб чиқарадиган вазиятни яратиш, илмий баҳсларни вужудга келтириш. Ўқувчиларни муваффақиятларга йўллаш, ўқувчилар фикрини баён қилиши, улар жавобидаги хатоларни тўғрилаш, ўқувчиларни рағбатлантириш услуби.

д) ўқувчиларнинг таҳсил олишдаги бурч ва масъулиятини шакллантириш методи таълим-тарбиянинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш, ўқув талабларини қўйиш, ўқитиша рағбатлантириш ва танбех бериш каби услубларни мужассамлаштиради.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўйинли моделлаштиришнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Ролли ўйинларда педагогик вазиятларни моделлаштириш технологиясини тушунтиринг.
3. Ўйинли моделлаштиришни қўллаш технологияси ҳақида маълумот беринг.
4. Ролли ўйин босқичларини санаб беринг?
5. Ўйинларни ташкил этиш мақсадларини санаб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teachingand learning Curriculum design anddevelopment, Lorraine Stefani, 41-57p.
- 2.Alex Moore Teaching and Learning Pedagogy, Curriculum and Culture London and New York. 2012
- 3.Neil Selwyn Educational and texnology key Issues and Debats London 2011.
- 4.Malcoln, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and Capacity Building for Sustainable Development.ICSU Series on Science for Sustainable Development no. 5.31 p.

[www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru); [www.inter-nastavnik.iatp.bu](http://www.inter-nastavnik.iatp.bu)

## **5-мавзу: Масофавий таълимни моделлаштириш имкониятлари. Масофавий таълим моделлари таҳлили.**

1. Масофавий таълимнинг мақсади, мазмуни, моҳияти
2. Масофавий таълим моделлари таҳлили
3. Масофавий таълимнинг ижтимоий-педагогик тизимини моделлаштириш

**Таянч иборалар:** масофавий таълим, масофавий таълимни моделлаштириш, таълим модели, масофавий таълим модели, ижтимоий-педагогик тизимини моделлаштириш.

### **5.1. Масофавий таълимнинг мақсади, мазмуни, моҳияти**

Масофавий таълим анъанавий таълим туридан қуидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади:

- мослашувчанлик - таълим олувчига ўзига қулай вақт, жой ва тезлика таълим олиш имконияти мавжудлиги;
- модуллилик - бир-бирига боғлиқ бўлмаган мустақил ўқув курслари тўпламидан - модуллардан индивидуал ёки гуруҳ талабига мос ўқув режасини тузиш имконияти мавжудлиги;
- параллеллик - ўқув фаолиятини иш фаолияти билан биргина пареллел равища, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжудлиги. кенг қамровлилик - кўп сонли талабаларнинг бир вақтнинг ўзида катта ўқув (электрон кутубхона, маълумотлар ва билимлар базаси ва бошқа заҳираларига мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли талабаларнинг коммуникация воситалари ёрдамида ўзаро ва ўқитувчи билан мулоқотда бўлиш имконияти;
- иқтисодий тежамкорлик - ўқув майдонлари, техника воситалари, транспорт воситалари ва ўқув материалларидан самарали фойдаланиш, ўқув материалларини бир жойга йигиш, уларни тартибланган кўринишга келтириш ва бу маълумотларга кўп сонли мурожаатни ташкил қилиб бера олиш орқали мутахассисларни тайёрлаш учун кетадиган харажатларни камайтириш имконияти;

- ижтимоий тенг ҳуқуқлилик - таълим олувчининг яшаш жойи, соғлиги ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли таълим олиш имконияти;
- интернационаллилик - таълим соҳасида эришилган, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ютуқларни импорт ва экспорт қилиш имконияти;

Масофавий таълимнинг мақсади қўйидагилардан иборат:

- ❖ мамлакат миқёсидаги барча ҳудудлар ва чет элдаги барча таълим олишни хоҳловчиларга бирдек таълим олиш имкониятини яратиб бериш; етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тайёрлов марказлари, кадрларни қайта тайёрлаш муассасалари, малака ошириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларининг илмий-педагогик салоҳиятидан фойдаланиш эвазига таълим бериш сифат даражасининг ошириш;
- ❖ асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равишда қўшимча таълим олиш имкониятини яратиб бериш;
- ❖ таълим олувчиларни таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш ва таълим муҳитини кенгайтириш;
- ❖ узлуксиз таълим имкониятларини яратиш.
- ❖ таълим сифатини сақлаган ҳолда янги принципial таълим даражасини таъминлаш.

Ўқитувчининг янги роли - масофавий ўқитиш ўқитувчининг ўқитиш жараёнидаги ролини янада кенгайтиради ва янгилайди. Энди ўқитувчи ўзлаштириш жараёнини мувофиқлаштириши, янгиликлар ва инновацияларга мос равишда бераётган фанини мунтазам мукаммаллаштириши, савия ва ижодий фаолиятини янада чуқурлаштириши талаб этилади. Сифат - масофавий ўқитиш усули таълим бериш сифати бўйича кундузги таълим туридан қолиshmайди. Масофавий таълимда маҳаллий ва чет эллик педагогларни ўқув жараёнига жалб қилиб, энг яхши ўқув-методик дарсликлар ва назорат қилувчи тестлардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш сифатини

ошириши мумкин. Масофавий таълим анъанавий таълим турига нисбатан бирмунча қуидаги қулайликларга ҳам эгадир:

- таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арzonлиги, вақт ва жойга боғлиқ эмаслиги ва бошқалар);
- таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги;
- таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши;
- сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши;
- халқаро интеграциянинг кучайиши.

## **5.2. Масофавий таълим моделлари таҳлили**

Масофавий таълим ўз ривожланиш даврида қуидаги даврларни босиб ўтган:

1. Битта технологиядан фойдаланиш ва талаба билан ўқитувчи ўртасида бевосита ўзаро алоқа йўқ, бундай технологияга сиртқи таълим шакли мисол бўла олади, яъни ўзаро ёзишма орқали таълим олиш.
2. Турли хил технологияларни интеграциялашуви орқали. Бир томонлама ахборотлар оқимиға ва талабанинг мустақил ўқишига кўпроқ эътибор бериш, очик университетлар.
3. Икки томонлама коммуникацион технологиядан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи талаба ва талабалар бир-бири билан алоқадаги таълим, Интернет асосидаги масофавий таълим тизими. Масофавий таълим (МТ) - бу ўқитувчи ва талаба бир бири билан масофа ёки вақт орқали ажратилган ҳолда ахборот технологиялардан фойдаланилган таълим туридир.

Бу таълим турининг бир неча моделлари мавжуд бўлиб, улар масофавий таълимни ташкил этишга сабаб бўлган қуидаги вазиятлари билан фарқланади:

- географик сабаблар (мамлакат майдони, марказлардан географик узоқлашган худудлар мавжудлиги);
- мамлакатни компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш даражаси;
- транспорт ва коммуникацияларни ривожланиш даражаси;
- масофавий таълим учун мутахассислар мавжудлиги;

- таълим соҳасида информацион ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш даражаси;
- мамлакатнинг таълим соҳасидаги сиёсати.

Биринчи модел “Michael Moore «Distance Education. A Systems View” китобида ёритилган бўлиб, қуидаги кўринишга эга: Манба - дизайн -узатиш - ўзаро алоқа - ўқув муҳити - эҳтиёж - Ўқув жараёнини режалаштириш - Қоғоз материаллар - ўқитувчилар -Иш жойи - талаба - муҳит - аудио/видео ёзмалар - Тьюторлар - уй - ташкиллаштириш - дастур - Радио/телевидение, Компьютерлар ва дастурий таъминот -маслаҳатчилар - Синф - Назария/ тарих - баҳолаш - аудиоконференция - эксперталар - Ўқув маркази - фалсафа - видеоконференция - Администратор - Локал ва глобал тармоқ - Бошқа талаблар.

Ушбу моделда талаба эҳтиёжи ва ташкиллаштириш хусусияти (миссия, экспертиза масофавий таълим курсини ишлаб чиқиш ғояси ва қарорини юзага келтиради. Курс дизайнни ўқув жараёнини ишлаб чиқиш соҳасидаги мутахассислардан: продюссер, дастурчилар, ўқув жараёни самарадорлигини баҳоловчилардан иборат бўлади. Талabalарнинг имкониятлари ва педагогик принциплар ўқиши технологиясини танлашни асослайди. Ўқув курси талabalар бир-бири ва ўқитувчи, эксперталар, администратор билан ўзаро алоқаси асосида ташкил этилади. Ушбу моделда асосий эътибор ўқув муҳитига, яъни бир хил ўқувчиларнинг самарадорлигига қаратилади. Юқоридаги моделнинг барча элементлари ўзаро боғланган ва масофавий таълим тизимида фойдаланишда муҳим ўрин тутади. Ушбу модел факат талabalар билан масофавий ишлашда фойдаланилади. Бунда талabalарнинг ҳар бири виртуал ўқитувчига бириктирилади. Маслаҳатлар ва яқуний назоратларни топшириш учун ҳудудий бўлимлар ташкил этилади. Бундай ўқув курсларида ўқитувчи ва талabalарга ўқув шаклини ва формасини танлашда катта имкониятлар ва эркинликлар

берилади. Бу моделга мисол қилиб Буюк Британиянинг Очиқ Университетидаги (<http://www.ou.uk>) таълимни олиш мумкин<sup>18</sup>.

Иккинчи модел Tony Bates томонидан ишлаб чиқилган ва унинг «Technology, Open Learning and Distance Education» номли китобида ёритилган. Бу модел ACTIONS деб номланади ва масофавий таълим соҳасида қарорлар қабул қилишда, хусусан МТ технологиясини танлашда фойдаланилади. Модел номи қўйидаги ибораларнинг бош ҳарфларидан олинган:

- -Access (Рухсат)- ушбу технологияни барча талабалар учун фойдаланиш мумкинлиги;
- -Costs (Харажатлар) – технологиядан фойдаланиш харажатлари таркиби, битта ўқувчи харажати;
- -Teaching and Learning (таълим бериш ва ўқитиш) - ўқитиш ва таълим бериш педагогик технологияси, услуби;
- -Interactivity and User-friendliness (Интерактивлилик ва фойдаланишда қулайлилик) – танланган технология қандай интерактивликка эга, ундан қандай фойдаланиш мумкин;
- -Organizational issues (Ташкилий масалалар) – танланган технологияни жорий этишда қандай ташкилий муаммолар мавжуд, уларни қандай ҳал этиш мумкин, бунинг учун қандай ўзгаришлар қилиш керак;
- -Novelty (Янгилиги) – танланган технология қанчалик янги, замонавий.
- -Speed (Тезлик) – ушбу технология ёрдамида МТ курсини қандай тезликда ташкил этиш ва унга ўзгаришишлар киритиш мумкин. Ушбу модел масофавий ҳамда кундузги анъанавий таълимда талабалар билан ишлаш учун яратилади. Иккала таълим турида ҳам бир хил ўқув дастури ва дарс жадваллари, назорат турлари ва уларни баҳолаш мезонларидан фойдаланилади. Бу каби ўқув муассасаларида кундузги таълим талабаларининг сони масофавий таълимдагига қараганда кўпроқ бўлиши мумкин. Ушбу масофавий курслар

---

<sup>18</sup>(<http://www.ou.uk>)

педагогика ва услубиётдаги янги йўналишларни излашда қўлланилади. Бу моделга Англия ва Австралия Университетидаги (<http://www.une.edu.au>)<sup>19</sup> таълимни мисол қилиш мумкин. Аралашган модел. Ушбу модел масофавий ва кундузги таълим турларини интеграциялаштириш учун яратилади. Талабалар ўкув курснинг бир қисмини кундузги, бошқа қисмини эса масофадан ўқийди. Шу билан бирга бу таълим турига виртуал семинар, презентациялар ва маъruzалар ўtkазиш ҳам киради. Бу моделга мисол қилиб Янги Зеландиядаги Массей Университетининг (<http://www.massey.ac.nz>) таълим шаклини келтириш мумкин<sup>20</sup>.

Консорциум. Ушбу модел иккита университетни бир-бири билан бирлашишни талаб қиласи. Ушбу муассасалардан бири ўкув курсларни ташкил этишни таъминласа, икинчиси эса уларни тасдиқлаб, ўкув курсларига талабаларни таъминлайди. Шу билан бирга бу жараёнда фақат университетлар эмас, балки битта кафедра, ўкув маркази ёки университет ўрнида таълим соҳасидаги бошқа муассасалар ҳам қатнашиши мумкин. Ушбу моделда ўкув курсларини доимий равишда назорат қилиш ва муаллифлик хукуқларини текшириш зарур бўлади. Бу моделга мисол қилиб Канададаги очик ўкув Агентлигидаги (<http://www.ola.bc.ca>) таълимни олиш мумкин. Франчайзинг. Ушбу модел иккита университет бир-бири билан ўзлари яратган ўкув курслар билан алмашишади. Масофавий таълим соҳасида етакчи бўлган ўкув муассаса бу соҳада илк қадам қўядиган муассасага ўзининг ўкув курсларни тақдим қиласи. Ушбу моделда иккала муассаса талабалари бир хил таълим ва дипломлар олишади. Бу моделга Очик Университет Бизнес мактаби билан Шарқий Европа Университетлари ҳамкорлигини мисол қилиш мумкин. Валидация. Ушбу модел университет ва унинг филиаллари билан бўлган муносабатларга ўхшаш. Бу моделда битта университет ўкув курс ва дипломларни кафолатласа, қолган бир нечта университетлар талабаларни

<sup>19</sup>(<http://www.une.edu.au>)

<sup>20</sup>(<http://www.massey.ac.nz>)

таъминлайди. Узоқлашган аудиториялар. Ушбу модельда информацион ва коммуникацион имкониятлардан кенг фойдаланилади. Битта ўқув муассасада бўлиб ўтган ўқув курслар видеоконференциялар, радиотрансляциялар ва телекомунақацион каналлар орқали синхрон телекўрсатувлар кўринишида бошқа аудиторияларга узатилади. Бу модельни аралашган модель билан фарқи шундаки, унда талабалар кундузги таълимда қатнашмайди. Бу модельга мисол қилиб АҚШнинг Висконсинг Университетидаги ва Хитойнинг марказий радио ва телевидение Университетидаги таълимни олиш мумкин. Лойиҳалар. Ушбу модель давлат ёки илмий изланиш мақсадидаги дастурларни бажариш учун яратилади. Асосий иш масофавий таълим мутахассислари ва педагоглар тўпланган илмий-методик марказда бажарилади. Ушбу модельда яратилган курслар аҳолининг катта қисмига намойиш қилиниб, ўз вазифасини бажаргандан кейин тўхтатилади. Бу модельга мисол қилиб Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги ривожланмаган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги, солиқлар ва экология ҳақида ўтказиладиган ҳар хил ўқув курсларини келтириш мумкин<sup>21</sup>.

Масофавий ўқитишининг педагогик технологиялари – танланган ўқитишиконцепциясига асосланган масофавий таълимнинг ўқув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиши услублари мажмуасидир. Масофавий ўқитишининг таълим тизимида бир-биридан фарқланувчи модель ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қўйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

- географик шартлар (масалан, мамлакат ҳудуди, марказдан узокликда жойлашуви, иқлими);
- мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;
- коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;
- таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланиш даражаси;

---

<sup>21</sup>(<http://www.ola.bc.ca>)

- таълимда қўлланиладиган анъаналар;
- масофавий ўқитиш тизими учун илмий- педагог кадрларнинг мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.

Масофавий таълим асосан қўйидаги технологиялар ёрдамида амалга оширилади: Репродуктив технологиялар. Репродуктив технологиялар ўкув материалларини тарқатиш орқали амалга оширилади. Технологиянинг асосий мақсади - ўкув-методик материалларни ўқувчига жўнатиш. Бунда ўқитувчи ва ўкувчи ўртасидаги мулоқат электрон почта орқали амалга оширилади. Интерактив технологиялар. Масофавий таълимнинг ушбу технологияси якка шахсга йўналтирилган ўқитиш моделига асосланган. Интерактив технологияга мисол тариқасида Кейс технологияларини келтириш мумкин. Бунда тармоқда ўқиётганларга маълум фан бўйича тўлиқ ўкув-услубий материаллар (ўкув дастурлари, ўкув материаллари, ўз-ўзини текшириш топшириклари ва б.) етказиб берилади, ўқитувчи ва ўкувчи ўртасидаги мулоқат электрон почта орқали амалга оширилади. Биргаликдаги таълим технологиялари. Мазкур технологияда ўқиши кичик ўкув гурухларида олиб борилади. Ўқитувчи ва ўкувчилар ўртасида кўп функцияли, жамоавий фойдаланиладиган, ахборотни жўнатиш техник воситалари ёрдамида виртуал муҳит яратилади. Ўқувчиларнинг жамоавий ҳаракати ўқитувчи назорати остида бўлади.

### **Технологик платформалар.**

Масофавий таълим платформалари дейилганда, масофавий таълим хизматига қаратилган ўкув жараёнини бошқариш ва амалга оширишни ўз ичига олган дастурий-техник воситалар мажмуи тушунилади. Бугунги кунда масофавий таълим технологик платформалари “ТВ-технология”, “Кейс технология”, “Тармоқ технология” кўринишида амалга оширилмоқда. Телекоммуникацион (ТВ) технология. ТВ-технологияда ўқувчиларга ўкув-услубий материалларни етказиш ва доимий ўқитувчи-тютор маслаҳатини ташкиллаштириш мақсадида телевидение тизимидан фойдаланиш кўзда тутилади. Телевидение ва телекўприклардан фойдаланиб “жонли” машғулотлар ташкил этиш мумкин. Кейс-технологиялари. Кейс технологиялари матн,

аудиокўринишли ва мултимедиа ўкув –услубий материаллар тўплами (кейслар)дан фойдаланиш ва ўқувчиларга мустақил ўрганишлари учун ўқитувчи-тютор томонидан доимий маслаҳатларни беришга асосланган. Тармоқ технологиялари. Тармоқ технологиялари, телекоммуникация тармоқларидан ўқитувчи ва ўқувчи билан ўзаро боғлиқдаги ҳар хил интерактив даражали ва ўқувчиларни ўкув-услубий материаллар билан таъминлаш учун қўлланилади. Тармоқ технологиялари асинхрон ва синхрон турларга бўлинади. Асинхрон тармоқ технологиялари. Ҳозирги кунда таълим тизимимизда кўпроқ асинхрон технологияларнинг икки гуруҳидан фойдаланилмоқда: - Computer-Based training (CBT) – турли даражали интерактивликдаги компьютер ўргатувчи дастурлар воситасидаги мустақил таълим. - Web-Based training (WBT)- турли даражали интерактивликдаги компьютер ўргатувчи дастурлар асосидаги мустақил ва жамоавий таълим. Синхрон тармоқ технологиялари. Замонавий масофавий таълим технологияси бўлиб, бунда таълим иштирокчилари ўкув жараёнида бир-биридан узок ҳудудда жойлашган бўлади. Синхрон технологиялар видеоконференция воситалари ва биргаликда ишлаш қўшимча жиҳозларидан фойдаланган ҳолда виртуал синфлар яратишга асоланган. Синхрон технологиялар бир вақтнинг ўзида виртуал синфдаги барча ўқувчиларнинг қатнашишларини талаб қиласида ва бир машғулот давомида ўқитишнинг турли моделларини бирга қўшиб олиб бориш имкиниятини яратади.

Масофавий таълимнинг асосий технологиялари қўйидаги икки гурухга ажратиш мумкин:

**ИНТЕРАКТИВ** технологиялар:

- Интернет масофавий таълим портали.
- Видео ва аудио конференциялар.
- Электрон почта орқали таълим.
- Интернет орқали мустақил таълим олиш.

Масофадан бошқариш тизимлари.

- Онлайн стимулятор ва ўкув дастурлари.

Тест топшириш тизимлари.

**ИНТЕРАКТИВ бўлмаган технологиялар:**

Видео, аудио ва босма ҳолда чоп этилган материаллар.

Телевизион ва радио кўрсатувлар.

Дискларда жойлашган дастурлар.

Видео ва аудио конференциялар - бу Интернет ва бошқа телекомуникацион алоқа каналлари ёрдамида иккита, узоклашган аудиторияларни телекоммуникацион технологиялар орқали бир- бири билан боғлаб таълимни ташкил этиш йўли. Лекин, видео ва аудио конференциялар учун катта ҳажмда маҳсус техника, юқори тезликга эга бўлган алоқа канали ва ўқитишни ташкил қилиш учун хизмат кўрсатувчи мутахассисларни жалб этиш зарур бўлади.

Интернет орқали мустакил таълим олиш - бу қўпгина Интернет сайтларида жойлашган катта ҳажмдаги маълумотлар устида мустакил равища ишлаш ва янги билимлар олиш йўли. Электрон почта орқали таълим эса энг оммавий Интернет хизматларидан фойдаланиб, талаба ва ўқитувчи ўртасида хатлар орқали мулоқот ўрнатиб таълим олиш йўли. У ёрдамида хар хил тест, топшириқ, савол-жавоб ва кўрсатмаларни (матн, графика, мультимедия, дастурлар ва бошқа кўринишларда) жўнатиб қабул қилишимиз мумкин. Узоқдан бошқариш тизимлари - мураккаб дастур, тизим ва ускуналарни реал ҳолатда бошқариш ва уларда ишлаш имкониятларини яратувчи маҳсус тизимлар ёрдамида билим олиш йўли. Узоқдан бошқариш тизимларнинг асосий вазифаси талабага фақатгина амалий билимларни беришдан иборатdir. Стимулятор, электрон дарсликлар ва ўқув дастурлар - бу асосан назарий ва амалий билимларни компьютер дастурлари орқали талабаларга он-лайн ҳолатида узатиш йўли. Стимулятор ва электрон дарсликлар ҳозирги кунда таълим соҳасида жуда кенг қўлланиляпти. Тест топшириш тизимлари - бу маҳсус дастурлар ёрдамида талабаларнинг амалий ва назарий билимларини текшириб, баҳолашда фойдаланилади. Интернетнинг масофавий таълим портали бу маҳсус Интернет сайтлар (он-лайн ресурслар). Ушбу сайтларнинг

асосий вазифаси - таълим жараёнини ташкил қилиш ёки талаба ва ўқитувчи ўртасида электрон он-лайн мулоқотни ўрнатиш, ўқитувчиларга ўкув материалларини сайтга киритиш, талабаларга ушбу маълумотлар устида ишлашга ҳамда бошқа масофавий таълим сервисларидан фойдаланишга имконият яратишдан иборатдир..

Масофавий таълим технологиясини танлаш ва масофавий таълимда ўкув жараёни.

Технологиянинг ҳаммабоп эркин фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги уни танлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. У асосан танланган гурӯҳ таркиби ва ўкув муҳитига (фойдаланувчи жойлашган жой: уй, иш жойи, университет, ўкув маркази) боғлиқ бўлади. Шу сабабли, ўкув гурӯхининг барча аъзолари учун технология қулай бўлиши, фойдаланувчилардан қўшимча воситалар талаб этмаслиги зарур. Масофавий таълим технологиясини танлашда Бейтснинг қуидаги 12 та олтин қоидасига амал қилиш талаб этилади:

- яхши таълим бериш кўп маънони англатади;
- ҳар қандай технологиянинг жалб этувчи ўз ижобий томонлари мавжуд;
- таълим технологиялари мослашувчан;
- супер-технология мавжуд эмас;
- ўқитувчи учун барча воситалардан фойдаланиш имкониятини таъминланг;
- барча турдаги иқтисодий омиллар билан боғланиши зарур;
- ўзаро алоқа ва мулоқат аҳамиятли;
- талабалар сони – энг асосий омил;
- янги технология эски технологиядан яхши бўлиши шарт эмас;
- ўқитувчидан янги технологиядан янада самарали фойдаланиши учун тренинг талаб этилади;
- команданинг мавжудлиги зарур;
- технология –муаммо эмас.

Масофавий таълимни ташкил этиш курс вазифасини шакллантириш, белгиланган мақсадга жавоб берувчи услубиёт ва технологияни танлаш ҳамда қуидаги турли хил ўқув вазиятларни яратишдан бошланиши лозим:

- ҳамкорлик педагогикаси;
- анъанавий ўқитиши;
- ўқув топшириқлари ва амалиёт;
- интерактив баҳслар;
- моделлаштириш;
- намойиш этиш;
- янгилик киритиши;
- ўйинлар; масала ва муоммоларни ечиш;
- мураббийлик.

Вақт чегарасининг бўлмаслиги: Почта хоҳлаган қулай вақтда олиниши ва ўқилиши мумкин. Талаба ва ўқитувчи қатъий дарс жадвалисиз ўзаро боғланиши мумкин. Масофа чегарасининг бўлмаслиги: Материаллар хоҳлаган жойга юборилиши ва олиниши мумкин. Синхрон ўқитиши: Ўқитувчи ва талабани бир вақтда ўқув жараёнида қатнашиши таъминлаган диалогли ўқув шакли. Асинхрон ўқитиши: Ўқитувчи ва талабани бир вақтда ўқув жараёнида қатнашишини талаб этмайдиган диалогли ўқув шакли. Чизиқли ва ноҷизик ўқув шакллари: Ўқиш ўқитувчи томонидан ёки талаба томонидан ташкил этилиши мумкин. Матнли ёки гиперматнли ўқиш шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Масофавий таълимни ташкил этишнинг асосий принциплари  
Масофавий таълим асосида ўқитиши тизимини ташкил этишда қуидаги асосий принципларни ҳисобга олиш талаб этилади:

- масофавий таълим ўқув жараёнини лойиҳалашда педагогик йўналишнинг устуворлигини таъминлаш. Ушбу принципнинг моҳияти шундаки, масофавий таълим асосида ўқитиши тизимини лойиҳалашда биринчи навбатда таълим жараёнининг дидактик моделини ишлаб чиқилиб, лойиҳанинг педагогик томони устувор ҳисобланса самарали бўлади;

- кўлланиладиган янги информацион технологияларни педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлик принципи;
- таълим мазмунини танлаш принципи, яъни масофавий таълимдаги ўкув курслари ва фанлар мазмунини ДТС талабларига мос келиши;
- масофавий таълимда узатиладиган ёки олинадиган ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш принципи;
- бошланғич билим даражасининг бўлиши шартлиги принципи;  ўқитиш технологиясининг мос келиш принципи;
- ўқитишни мобил характерда бўлиш принципи;
- масофавий таълимни мавжуд анъанавий таълим шаклига қарши бўлмаслик принципи.

Масофавий таълимни ташкил этиш шакллари: Чат-машғулотлар –чат технологиялар асосида амалга ошириладиган ўкув машғулоти. Чат машғулотлар синхрон амалга оширилади, яъни барча қатнашувчилар чатга бир вақтда кирадилар. Бунинг учун масофавий ўкув маркази(юрти) да чат кабинетлар ташкил этилади. Веб-машғулотлар – телекоммуникация ва бошқа воситалар ёрдамида анжуман, семинар, иш ўйинлари, лаборатория ишлари, амалий машғулотлар шаклида амалга ошириладиган масофавий машғулотлар. Веб-машғулотлар учун маҳсус таълим веб-форумларидан фойдаланилади. Ушбу ўкув шаклиниг чат-машғулотлардан фарқи, машғулотлар асинхрон шаклда амалга оширилади, яъни фойдаланувчилар ўз маълумотларини ёзиб қолдиришади. Бунда талаба ва педагог ўртасидаги ўзаро мулоқат узоқ муддатда бўлиши мумкин. Телеконференция – электрон почта ёрдамида маълумот ва ахборотларни юбориш орқали амалга оширилади. Бундай ўқитиш тизими “Ўқитишниг табиий жараёни”, (“Natural Learning Manner”) деб ном олган. Телеқатнашув. Бунга R.Bot 100 робот ёрдамида масофавий таълимда иштирок этишини мисол қилиш мумкин. Масалан, Москва шаҳри мактабларида ушбу робот ёрдамида ногирон болаларни масофавий таълим асосида ўқитиш тажриба сифатида амалга оширилмоқда. Ногирон талаба уйда компьютер ёнида туриб робот ёрдамида эшлиб, кўриб, гаплашиб билим олади. Ўқитувчи саволлар

беради, у жавоб беради. Худди шунингдек робот монитори ёрдамида ўқитувчи ҳам талабани кўриб туради ва талабада гуё ўз тенгдошлари орасида аудиторияда ўтиргандек таасурот уйгонади. Танаффусда у ўз тенгдошлари билан мулоқат қилиши ҳам мумкин.

Масофавий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш босқичлари Масофавий таълимда ўқув жараёнинин ташкил этиш куйидаги босқичлар асосида амалга оширилиши мумкин:

- Курс мақсадларини аниқлаш. Қайси билимларни (мавзулар, фан ва б. ) бериш ва кимларни ўқитиш кераклиги аниқланади.
- Ўқитиш услубларини танлаш. Ўқув жараёни давомида билимлар ва кўникумалар даражасининг диагностикасини амалга ошириш ҳамда текшириш манбалари ва усулларини аниқлаш керак.
- Ўқув материалига услубий талабларни ишлаб чиқиш. Янги билимларни бериш усулларини ва ҳажмларни аниқлаш керак.
- Дарс жадвалини ишлаб чиқиш. Бутун курсни бир нечта модулларга бўлиш, ҳар бир модул тугагандан кейин талаба қандай билимларга эга бўлиши кераклигини аниқлаш лозим.
- Ўқув жараёни мониторингини ташкил этиш.
- Текширув жараёнларини режалаштириш,
- Талабаларнинг мустақил ишларини режалаштириш,
- Ўқув жараёни натижаларини олдиндан баҳолаш;
- Натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг дастурний таъминоти.

### **5.3. Масофавий таълимнинг ижтимоий-педагогик тизимини моделлаштириш.**

Масофавий таълимни ривожланиши ўқув жараёнини лойиҳалашга, унинг сифатига, масофавий таълим асосида ўқитишнинг барча бўғинлари дидактик таъминотини тўғри амалга оширишга юқори талабларни қўяди. Масофавий таълимнинг дидактик таъминоти деганда аниқ фан ёки фан бўлими бўйича МТнинг тизимли принципи асосида яратилган ўқув-услубий мажмуя тушунилади. Ўқув услубий мажмуаларни яратишда биринчи навбатда

дидактиканинг маълум принциплар тизими (С.И.Архангельский, Ю.К.Бабанский, В.И.Загвязинский, И.Я, Лернер, В.А.Сластенин, П.И.Пидкасистый) ҳамда масофавий таълим хусусиятларини ҳисобга олевчи омиллари ҳисобга олиниши лозим. Масофавий таълимнинг ўқув-услубий базасини шакллантиришда қўйидаги принципларни асосий қилиб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- дидактик жиҳатдан фойдалилиги;
- кетма-кетлик ва тизимлашганлиги;
- модуллилик;
- кўп даражалилик;
- когнитивлилик;
- мослашувчанлик;
- ночизиқ таркиб.

Юқоридаги принциплар ичida энг асосийси дидактик фойдалилик ҳисобланади, чунки бошқа принциплар бу принцип асосида шаклланувчи ва уни тўлдирувчи принциплар ҳисобланади. Дидактик фойдалилик- қўйилган ўқув мақсадга эришишда ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик таъминот хусусиятидир. Бу ўқувчининг психофизиологик хусусиятлари ва ёшини ҳамда билимлар тизимининг ижтимоий фаоллиги талабларини ҳисобга олиб, ўқув мазмуни таркибини шакллантириш имконияти билан аниқланади. Масофавий таълим дидактик таъминоти таркиби ва тузилиши юқоридаги принциплар асосида яратилиши ва амалга ошириладиган масофавий таълим технологияси мазмунини белгилаши лозим. Дидактик таъминотни яратишда турли хил усувлардан фойдаланилади. Дидактик таъминот тузилишининг функционал асосини қўйидаги икки қисмга ажратишимиш мумкин: мазмуний ва бошқарувчи. Масофавий таълим тизимида ўқитиш мақсадини самарали ва кафолатли таъминлашнинг асосини ўқув жараёни модели ташкил этади. Ўқув жараёнини қўйидаги З та модел билан изоҳлаш мумкин:

- ўқитиш;

- машқ қилиш;
- эмоционал-интеллектуал мулоқат.

МТ ўқитувчи билан бевосита алоқани инкор қиласи. Ўқитиш ва эмоционал-интеллектуаль мулоқат модели ўқитувчи дастурнинг асоси ҳисобланмиш таълим бериш модели билан алмасинади. МТ ўқитиш модели ахборот-фан муҳитидан иборат бўлиб, ўз ичига турли кўринишдаги ўкув материалларини, ўкув мақсадининг дастурий таъминотини ҳамда ўқувчи фаолиятини бошқариш моделини олади.

### **Масофавий таълим дидактик таъминотининг тузилиши**

Масофавий таълимда автоматлашган дидактик таъминот талаб этилади. Автоматик дидактик таъминот 2 таркибий қисмдан иборат: диактик ва функционал таъминот. Диактик таъминот- аниқ фан мазмуни бўйича ўқув-услубий мажмуалардан иборат бўлади. Функционал таъминот - ўкув мазмунини ўрганишни моделлаштириш имконини беради ва педагогик ҳамда технологик қисмлардан иборат бўлади. Педагогик –педагогик мақсадга эришиш учун мақсадга ва шахсга йўналтирилган педагогик услублар ва технологияларни услубий кетма-кетлиги. Технологик - педагогик мақсадга эришиш учун фойдаланиладиган ахборот технологиялари кетма-кетлиги. Технологик қисмни тузишда ўқитувчининг иштироки педагогик ва ахборот технологияларини бирлаштириш имконини беради. Ўқув-услубий мажмуаларни яратишдаги амалий тажрибалар таҳлили автоматлашган дидактик тизимни умумлаштиришга ва босқичларини аниқлашга имконият яратади. Педагогик нуқтаи назардан автоматлашган дидактик тизимни яратиш босқичлари муҳим омил эканлигини кўрсатади ва бу асосан қўйидаги 2 лойиҳавий фаолиятдан иборат бўлади: педагогик ва технологик. Улар биргаликда тизимнинг функционал таъминотини ташкил этади ва дидактик тизимни лойиҳалаш модели ҳисобланади. Функционал таъминот динамик тузилишга эга бўлиб, унда автомтик дидактик тизимни жараёнлари, босқичлари, АДТни тузиш тартиби акс этади ва унинг ушбу блоклари кўзланган натижаларни олишга йўналтирилади. АДТ ни тузишда “ютиш” услуби қўлланилади ва бу рекурсив

услуб деб аталади. Модел ядроси ўқув фанининг мазмунни ҳисобланади. Ушбу ядро асосида моделнинг биринчи қобиги - бошқариш блоки яратилади ва у технологик блокни яратишда асос бўлиб хизмат қиласи. Моделнинг барча компонентлари ўзаро боғланган ва ўзаро таъсирга эга.

Ишлаб чиққилган дидактик таъминотнинг педагогик асослари самарадорлигини аниқлашда қуйидаги мезонлардан фойдаланилади:

- модул ўқув элементларини ўзлаштириш даражаси;
- ўқувчи билимининг мустаҳкамлик коэффициенти. Бу тезкор назоратлар орқали аниқланади.
- ўқувчининг ўқув материалини ўзлаштиришга сарфлаган вақти.

#### **Назорат саволлари:**

1. Интерактив технологияларни санаб беринг.
2. Масофавий таълим технологиясини танлашда бейтснинг қандай турлари мавжуд.
3. Масофавий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш босқичларини санаб беринг.
4. Масофавий таълимнинг ижтимоий-педагогик тизими니 моделлаштиришдеганда нимани тушунасиз?
5. Масофавий таълимнинг ўқув-услубий базасини шакллантиришда қандай принциплардан фойдаланиш мумкин.
6. Масофавий таълим дидактик таъминотини айтиб беринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teachingand learningCurriculum design anddevelopment, Lorraine Stefani, 41-57p.
- 2.Alex Moore Teaching and Learning Pedagogy, Curriculum and Culture London and New York. 2012
- 3.Neil Selwyn Educational and texnology key Issues and Debats London 2011.

4.Malcolm, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and Capacity Building for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development no. 531 p.

5.Лодатко, Е. А. Моделирование педагогических систем и процессов [Текст] : монография / Е. А. Лодатко. - Славянск : СГПУ, 2010. - 148 с.

6. Цыганов, А.В. Инновационные подходы в моделировании учебного процесса [Текст] / А.В. Цыганов// Известия Российского государственного педагогического университета имени А.И. Герцена. – Санкт-Петербург, 2010. – № 136. – С. 136-143.

7. Богатырев, А.И. Теоретические основы педагогического моделирования (сущность и эффективность)[Электронный ресурс] / А.И. Богатырев // Издательский дом «Образование и наука». – Режим доступа: [http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2\\_bogatyrev%20a.i..doc.htm](http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2_bogatyrev%20a.i..doc.htm).

8. Дахин, А. Н. Педагогическое моделирование [Текст] : монография / А. Н. Дахин. – Новосибирск : Изд-во НИПКиПРО, 2005. – 230 с.

9. Интернет ресурс: <http://www.referat.ru>; [www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru); [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru); [www.inter-nastavnik.iatp.bu](http://www.inter-nastavnik.iatp.bu)

## **IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **Педагогикада моделлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти.**

##### **1- вазифа.**

Модел, моделлаштириш тушунчаларига таъриф беринг. Моделлаштириш технологиясининг мазмунини очиб беринг. Моделлаштириш технологиясининг моҳиятини ёритинг. Моделлаштиришнинг мақсади ва вазифаларини баён қилинг. Ўзингиз дарс берадиган фанлар бўйича ўқув материалини кўрсатинг, шунингдек қандай қилиб моделлаштириш натижалари расмийлаштирилишини ва бу қандай соҳада амалий (назарий) аҳамиятга эга эканини тушунтиринг. Талабаларнинг қандай ақлий, ахлоқий, маданий ривожланиши юзасидан қандай мақсадлар қўйилишини алоҳида кўрсатилиши лозим.

Ҳар қайси гурӯҳда моделга нисбатан турли ғояларни муҳокама қилинг. Моделлаштириш муаммоси нимадан иборат? Моделларнинг турларини аниқланг. Тингловчилар гамоделлаштириш технологиясини амалга ошириш мобайнида қандай билим (қайси соҳадан) зарур бўлишини белгиланг, моделлаштириш натижаларини расмийлаштиришнинг имконли кўринишларини тақдим этинг.

Ўз фанингиз бўйича моделлаштиришни амалга оширишга уриниб қуинг. Тадқиқот услублари, ахборот манбаларини аниқланг, муаммони ечиш фаразини таърифланг.

Моделлаштириш натижаларини расмийлаштириш режасини тайёрланг.

Дарсларга қатнашинг ва уни асосий тавсифномалар (мақсади, тури, кўришиши, моделлаштириш шакли, унинг қанчалик оммабоплиги ва нима учунлиги) даражасида таҳлил қилинг.

##### **2 - вазифа.**

Боб материалларига асосланиб, педагогик моҳиятга нисбатан «лойиҳа», “модел”, “лойиҳалаш”, “моделлаштириш”, “лойиҳавий фаолият”, моделлаштириш технологияси” тушунчаларининг тузилишининг мантиқий

чизмасини тузинг. Бу вазифани (топшириқни) бажариш учун лугатлардан, Интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланинг.

#### **4 - вазифа.**

“Модел, моделлаштириш, моделлаштириш технологияси” тушунчаларининг барча тавсифларини диққат билан ўқинг.. Қийинчилик туғилганида сиз тушунмаган сўзлар ва сўз бирикмаларининг маъносини очиш учун маҳсус лугатларга, интернет материалларига мурожаат қилинг.

#### **5 - вазифа.**

1-мавзуўқилсинмуаллифларнинг нуқтаиназарлари иқланисин, модел, моделлаштириш, Моделлаштириш технологияси, педагогик тизимни моделлаштириш, уларнинг тавсифномаларини шбу жадвалтар зидадафтар гаёзилсин:

Муаллиф	Педагогик лойиҳалаш таърифи	Таълим технологияси тавсифлари
---------	-----------------------------------	--------------------------------------

Вазифа - топшириқни бажариш режаси:

1. Таълим технологиясини таърифлашга турли ёндашувларнинг қисқача тавсифи. Муаллиф - ёндашув - таъриф.
2. Педагогик моделлаштиришнинг асосий тавсифномаларини аниқлаш.
3. Педагогик моделлаштириш технологиясининг мазмунини очиш.
4. Педагогик тизимни моделлаштиришнинг моҳиятини ёритиш

#### **6 - вазифа.**

#### **Гурух ишини лойиҳалаш.**

**Вазифанинг мақсади-** Гурух ишини таълимнинг технологик усули сифатида ўзлаштириш.

Кичик гурух учун топшириқ:

1. Машғулот мавзуси ва мазмунини танлаш. Гурух иши учун топшириқлар турини аниқлаш: топшириқлар умумий ёки табақалаштирилган. Кичик гурухларга ажратиш усулини уйлаб кўриш.

2. Ўқув материали мазмунини танлашда билимнинг шундай соҳасини олингки, унга ўзингиз ҳам яхши тушунган бўлинг. Материал аниқ мазмунга эга айрим саволларга осон ажратиладиган бўлиши керак. Олий таълим курслари (масалан, педагогика, психология ва бошқалар) назарий мазмунидан фойдаланиш маъқул.

3. Машғулотдан кузатилган мақсадни таърифлаш ва унинг режасини тузиш. Асосий диққатни кичик гурухлар иши мақсади бажарилиш натижаларига қаратинг. Агар вазифалар (топшириқлар) умумий бўлса, уларнинг такрорлан-маслигини олдини олиш керак. Агар вазифалар табақалаштирилган бўлса, кичик гурухлар вакиллари сўзлаб беришлари кетма-кетлигини, уларнинг иш-ларини ўзаро боғлаш ва умумий хulosалар чиқаришни уйлаб кўринг.

4. Дидактик материаллар: китоблар, матнлар, луғатлар, йўл-йўриқлар (йўриқномалар), иш қоғозлари, интернет материаллари ва бошқаларни тайёрлаш.

5. Машғулотнинг давом этиши - 20 дақиқа.

Машғулотни ўтказиш режаси:

1. 1- кичик гурух томонидан топшириқнинг тақдим этилиши.

2. Муҳокама ва таҳлил.

3. 2- кичик гурух томонидан топшириқнинг тақдим этилиши ва ҳоказо.

### **Назорат саволлари:**

1. Моделлаштириш технологиясининг мазмуни, моҳиятини айтиб беринг.

2. Педагогик тизим ва жараёнларни моделлаштиришни гапириб беринг.

3. Ўқув жараёнини моделлаштиришга инновацион ёндашувларни изоҳлаб беринг.

4. Кичик гурухларда ишлаш жараёнининг технологиясини тушунтиринг

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani
2. Дахин, А. Н. Педагогическое моделирование [Текст] : монография / А. Н. Дахин. – Новосибирск : Изд-во НИПКиПРО, 2005. – 230 с.

### **2-амалий машғулот:**

**Таълимий муҳитни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш.**

**Режа:**

**Ўқув лойиҳаси:** Таълимий муҳитни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш.

### **Педагогик аннотация**

**Фаннинг номи:** касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси.

**Мавзунинг номи:** Таълимий муҳитни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш.

**Иштирокчилар:** қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари.

**Таълимнинг мақсади:** ўқув курси бўйича эгалланган билимларни чуқурлаштириш мақсадида таълим муҳитини моделлаштириш ва лойиҳалаштириш бўйича илмий адабиётлар, интернет манбаларини тўплаш, уларни ўрганиш ва умумлаштириш усулларини эгаллаш.

### **Режалаштирилаётган ўқув натижалари:**

- 1) тингловчилар таълимий муҳитни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш бўйича илмий адабиётлар, интернет манбалари билан танишадилар;
- 2) таълим муҳити, уни моделлаштириш ва лойиҳалаштиришнинг ўзига хосликлари, яратиш техникасини ўзлаштирадилар;
- 3) илғор иш тажрибаларини тўплаш, таҳлил этиш ва умумлаштириш кўникума ва малакаларига эга бўладилар.

**Лойиҳалаштириш фаолияти бўйича қўйидаги амалий қўнималарга эга бўладилар:** муаммони шакллантириш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш;

таълимий мұхитни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш күнінде, уни расмийлаштириш; тақдимот ўтказиш ва ҳисобот тайёрлаш.

**Тингловчилар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган аввал эгалланган билим ва күнінде қуидагилардан иборат:**

Қуидаги билимларга эга бўлишлари керак:

Модел, моделлаштириш тушунчаларининг таърифи, ўхшашилиги, фарқли томонлари ҳақида билиши;

- Таълим тарбия тизимини моделлаштириш, лойиҳалаш;
- Педагогик мұхит, педагогик вазиятларни моделлаштириш;

**Тингловчи:**

- Таълим тарбия жараёнини моделлаштиришни ташкил қила олиши;
- Педагогик вазиятларни моделлаштириш ва лойиҳалаштиришни амалга оширишмалакаларини эгаллаши;
- Таълим-тарбия жараёнини моделлаштириш ва лойиҳалаштиришкомпетенцияларни эгаллаши лозим.

- Педагогика ва дидактика моделлаштириш технологияси, ўқув жараёнини моделлаштиришга инновацион ёндашувлар, шунингдек педагогик тизим ва жараёнларни моделлаштиришни билиши ва шу жараёнга мослашиши.
- Таълим мұхити: моделлаштириш ва лойиҳалаштириш, ўқитишининг мазмунини педагогик моделлаштириш, ўқитиши мазмунини педагогик моделлаштириш технологияси ҳақида тасаввурга эга бўлиши, амалда қўллашга ўрганиши.

**Турланиш белгилари бўйича лойиҳага тавсиф:** тури амалий; предмет ва мазмун жиҳатдан қўлами бир фан бўйича фойдаланиувчи монолойиҳа; тингловчилар ўқув лойиҳа фаолиятларини мувофиқлаштириш характери бевосита; иштирокчилар сони 5 тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин; бажариш муддати ўрта муддатли – курснинг якунигача.

**Лойиҳани бажариш тартиби:** тингловчилар аудиторияда амалий машғулитда бошлаб, аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида давом

эттирадилар, кейинги амалий машғулотларда тақдим этиб борилади. Лойиха маҳсули модул якунида, тингловчилар ва педагог ўртасида белгиланган кунда амалга оширилади.

**Лойиҳанинг баҳоланиши** –ишчи гуруҳлар томонидан бажарилган лойиха қўйидагича баҳоланади (гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун): тингловчилар томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. балл – 5); ҳисобот (макс. балл – 5); лойиха тақдимоти ва ҳимоя этиш жараёни(макс. балл –5).

### **Лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари:**

Тайёрлов босқичи: лойиха билан танишиш; аудиториядаги машғулот вақтида тингловчилар фаолиятини ташкил этиш.

Лойиҳани бажариш босқичлари:аудитория ва аудиториядан ташқари фаолият даврида.

Якуний босқич: лойиха тақдимоти, лойиха ва аудитория машғулотида тингловчиларнинг лойиҳалаштириш фаолиятини баҳолаш.

Лойиха асосида ўқитишни бошқариш: аудиториядан ташқари фаолиятда.

### **Таълим моделининг қисқача тавсифномаси.**

Лойиха асосида ўқитиш жараёнида қўйидагилар қўлланилади:

Ўқитишнинг метод ва усуллари: тушунтириш, сухбат,моделлаштириш, лойиҳалаштириш, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, тақдимот;

ўқитиш шакллари: оммавий, алоҳида, гурухий;

ўқитиш воситалари: лойиха топшириғи, услугбий кўрсатмалар, ахборот технологиялари.

## **I.Тингловчилар учун услугбий кўрсатмалар**

### **I. Лойиҳалаштириш фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун кўрсатма**

#### **1. Тайёрлов босқичи.**

1.1. Лойиха мавзуси билан танишинг, долзарблигини асосланг ва ечишингиз керак бўлган муаммони шакллантиринг.

1.2. Лойиха мақсади, предмети, обьекти ва вазифаларини белгиланг.

1.3. Лойиха мавзусига доир ахборотлар билан танишинг.

## **2. Ўқув фаолиятини режалаштириш босқичи.**

Мақсадга эришиш кетма-кетлигини ишлаб чиқинг.

Иш режасини тузинг (лойихани ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, уни тақдимотга тайёрлаш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқларни иштирокчилар ўртасида тақсимланг, уларни бажариш ва тайёр ҳолатга келтириш муддатини белгиланг).

## **3. Лойихани бажариш босқичи.**

3.1. Керакли маълумотларни тўпланг, тизимга келтиринг ва таҳлил этинг.

3.2. Тадқиқот натижаларини расмийлаштиринг (тайёр ҳолатга келтиринг).

3.3. Йўриқномага мувофик лойиха фаолияти тўғрисида ҳисбот тайёрланг.

## **4. Лойихани тақдимотга тайёрлаш.**

4.1. MS Power Pointда тақдимотларни тайёрлаш бўйича қўлланмадан фойдаланган ҳолда лойиха тақдимотини тайёрланг.

4.2. Лойиханинг оғзаки тақдимотида гурӯҳ аъзоларига бириттириладиган вазифаларни аниқланг.

## **5. Оммавий тақдимот, лойиха ҳимояси ва баҳолаш. Олинган натижанинг ташқи (эксперт) баҳоланишини таъминлаш.**

### **II. Лойиха иши тўғрисидаги ҳисботга тайёргарлик бўйича йўриқнома**

1. Сиз таклиф этган ва тавсия этаётган лойихани татбиқ этишни исботловчи хулосаларни (1 бетдан кўп бўлмаган матн асосида) ифодаланг.

2. Сиз ҳал этмоқчи бўлган муаммони (5-6 сўз билан) асосланг.

3. Лойихангизнинг мақсади: унинг нима учун яратилиши, кутиладиган натижа қандай бўлиши ва у кимга қаратилганлигини (1-3 таклиф орқали) кўрсатинг.

4. Лойиха вазифаларини (қисқа ва бир маъноли) ифодаланг.

5. Лойиханинг иш режаси(жадвал)ни баён этинг.

6. Вазифанинг ечими натижаларини ва лойихада бажарилган ишларни кўрсатинг.

7. Сиз таклиф этган лойиха маҳсулини татбиқ этиш имкониятини тасдиқловчи хулосаларни шакллантиринг.

8. Бажарилган иш бўйича фойдаланилган манбалар рўйхатини тартиблаштиринг.

9. Баҳоланг:

- лойиха сифатини;

-loyihha устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари.

10. Иловаларни тартиблаштиринг: лойиха иштирокчиларининг анкеталари ва лойиха ишининг иш материалларини киритинг.

## **II. Лойиҳани MS PowerPointдатакдимотга тайёрлаш бўйича йўриқнома**

1. MS Power Pointда тақдимотга тайёрлаш жараёни қуидагилардан иборат:

-тақдимот турини танлаш;

- тақдимотни умумий расмийлаштиришни танлаш;

- слайдларнинг мазмунли томонларини танлаш;

- янги слайдларни қўшиш;

- слайдларни белгилашни танлаш;

- зарур бўлган слайдларни расмийлаштиришни ўзгартириш;

- слайдларни намойиш этиш вақтида турли овозли анимацияларни яратиш.

2. Слайдларни техник намойиш этиш қуидаги тавсифларга жавоб бериши керак:

- слайдлар миқдори (12-16);

- слайдларнинг мазмунли кўрсаткичлари: 1) биринчи слайд: лойиҳа номи, муаллиф фамилияси, курс, гурух, яратилган кунидан иборат; 2) охирги слайд ахборот манбасига бағишлиланган; 3) бошқа слайдлар лойиҳа мазмунини ихтиёрий шаклда акс эттиради;

- слайдлар ўз-ўзидан ишлаш тартибида намойиш эттирилади.

### 3. Тақдимотни расмийлаштириш қоидаси:

- агар матн оғзаки бўлса, қуйидагича бўлиши зарур: юқори ахборотли; боғловчили; аниқ ва қисқа; мантиқан тушунарли ва аниқ бўлиши;
- овоз тиник бўлиши керак;
- расмлар аниқ ва етарлича каттароқ бўлиши зарур. Расмларнинг ўлчамини каттақилишга уринмаслик лозим;
- видеотасмалар тақдимот ойнасининг уч қисмини эгаллаши зарур. Расмлар намойишли бўлиши керак. Безаклар чалғитиши мумкин;
- жадвалларда ажратилувчи маълумотлар аниқ кўрсатилиши, жадвалларнинг номланиши тагига катта ёзувларда берилиши зарур. Жадвалларни ҳаддан зиёд маълумотлар билан тўлдириш керак эмас! Тадимотбошлашдан аввал аудиторияда ўтирганларга жадвал ва расм нусхаларидан тарқатиш зарур;
- чизмалар бир бўлимдан бошқа бўлимга аниқ ва мантиқий равища ўтишига молаштирилиши керак. Ўтиш чизиқлари экранда яхши кўринишини текширинг.

### **III. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари**

Гуруҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:

- ҳар бир тингловчи томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. 5 балл);
- хисобот (макс. 5 балл);
- MS Power Point лойиҳа тақдимоти (макс. 2,5 балл);
- оғзаки тақдимот ва лойиҳа ҳимояси (макс. 2,5 балл).

#### **Лойиҳа раҳбари (ташкилотчиси)га эслатма:**

Лойиҳа таълим технологиясининг самарадорлиги қуйидаги шартларнинг бажарилишига боғлиқлигини кўрсатди:

- 1) гурухни шакллантириш жараёнида гомогенлик тамойилига, яъни юқори, ўрта ва паст ўзлаштирувчи тингловчиларнинг бирлашувига эътибор қаратиш;

2) лойиҳа муаммосини аниқ шакллантириш ва муаммо ости муаммоларини алоҳида ажратиб кўрсатиш;

3) лойиҳа топширигини ўз вақтида бериш ва тақдимот ўтказиладиган сана тўғрисида тингловчиларни олдиндан огоҳлантириш;

4) лойиҳа муаммоси бўйича факат бир марта тушунтириш бериш билан чекланмасдан, доимий маслаҳат бериб бориш;

5) тингловчиларнинг иш фаолиятини мунтазам назорат қилиш ва бошқариш;

6) лойиҳа тақдимоти ўтказиладиган санани олдиндан белгилаш ва ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш. Агар лойиҳа тақдимоти ўз вақтида ўтказилмаса, тингловчиларда ишга бўлган масъулият ҳисси камаяди.

### **Лойиҳаларни холис баҳолаш**

Лойиҳаларни тўғри ташкил этилган холисона баҳолаш тизими нафақат ғолибни (агар лойиҳа ишлари танлови ташкил этилган бўлса) ҳаққоний аниқлашга ёрдам берибина қолмай, балким, лойиҳа муаллифларининг ва раҳбарининг, лойиҳа устида амалга оширилган ишларнинг сифатини ҳам ҳаққоний баҳолайди. Холис баҳолаш икки босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда тақдим этилган ҳужжатларни ўрганилади, иккинчи босқич лойиҳа тақдимоти вақтида амалга оширилади. Тақдим этилган ҳужжатлар камида икки кишидан иборат баҳолаш гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилади. Холис баҳолаш натижалари гурух раиси томонидан гурух аъзоларига маълумот тарзида етказилади.

Лойиҳа бўйича умумий баҳо балларда баҳолаш гуруҳига тақдим этилган материалдан ва унинг мустақил эксперт таҳлилидан ва тақдимот вақтида қўйилган баҳоланишдан тўпланади.

Баҳоланиш олиб борилаётган қаторнинг у ёки бу борлигига қараб, “бор” қаторнинг ҳар бир жойига 1 балл қўйилади. Кейин бор бўлган қисмларнинг бажарилиш сифати 3 баллик меъёр билан баҳоланади. Ҳар бир савол бўйича якуний, умумлаштирилган баҳо устуннинг охирига қисмида ўз ифодасини

топади. Баҳолаш жадвални тўлдиришда қаторнинг “юқори”, “ўрта”, “қониқарли”, “қониқарсиз” балларининг мос келадиган жойига “+” белгиси қўйилади.

Вақти .....

Лойиҳа номи .....

Холис мутахассис (Ф.И.Ш.) .....

T\rp	Лойиҳа жараёнида холис мутахассислар томонидан эътиборга олиниши лозим бўлган саволлар рўйхати.	Бажарилган қисмлар сифати				Жами (баллар йининдиси)
		юқори (3 балл)	ўрта (2 балл)	қониқарли (1 балл)	қониқарсиз (0 балл)	
1.	Танланган мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти					
2.	Ишнинг ижтимоий аҳамияти ва мавзусининг асосланганлиги, вазиятнинг таҳлили ва муаммонинг қўйилиши					
3.	Ишнинг амалий аҳамияти					
4.	Муаммони ечиш йўлларини таклиф этиш					
5.	Муаммони ечишда тадқиқот ишларининг олиб борилганлиги					
6.	Олинган натижаларни тўғри кўрсата олиш					
7.	Материални тушунтириш:					
7.1.	Мантиқийлик					
7.2.	Тушунарлилиги					
8.	Тақдимотни ўтказишда кўргазмали куроллардан (жадваллар, плакатлар, компьютер дастурлари, видеоматериаллар тақдимоти ва бошк.) фойдаланиш.					
9.	Гуруҳда ишни ташкил этиш ва амалга ошириш кўникмаси (фақат гурухли ишлар баҳоланади):					

9.1.	Вазифаларнинг тақсимланганлиги				
9.2.	Гуруҳ аъзоларининг ишнинг натижасидан хабардорлиги				
9.3.	Ҳар бир гуруҳ аъзосининг қўшган ҳиссасини аниқлаш				
10.	Мунозара олиб бориш кўникмаси				
11.	Лойихани амалга ошириш йўлларини гуруҳ аъзолари тушунганлиги ва ҳар бири ўз фаолиятининг аниқ мазмунга эгалигини англаганлиги				
12.	Лойихани амалга ошириш				
13.	Лойихани амалга ошириш вақтида вужудга келган қийинчиликларни иштирокчилар томонидан эътироф этилиши				
14.	Олинган натижалар ва уларни баҳолаш				
<b>Жами (устун бўйича баллар йиғиндиси)</b>					

**- тартиб рақамли тадқиқий лойиханинг тақдимотини баҳолаш**

Вақти: \_\_\_\_\_

Лойиха номи: \_\_\_\_\_

Холис мутахассис (Ф.И.Ш.): \_\_\_\_\_

т\rп	Лойиха жараёнида холис мутахассислар томонидан эътиборга олиниши лозим бўлган саволлар рўйхати.	Бажарилган қисмлар сифати			Жами (баллар йиғиндиси )
		юқори (3 балл)	ўрта (2 балл)	коникарли (1 балл)	
1.	Танланган мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти				
2.	Ишнинг амалий аҳамияти				
3.	Ишнинг ижтимоий аҳамияти ва мавзусининг асосланганлиги, вазиятнинг таҳлили ва муаммонинг қўйилиши				
4.	Тадқиқотнинг самарали услубарини танлаш				
5.	Олинган натижаларни тўғри				

	кўрсата олиш					
6.	Материални баён қилиш:					
6.1.	Илмийлик					
6.2.	Мантиқийлик					
6.3.	Тушунарлилик					
7.	Тақдимотни ўтказишида кўргазмали қуроллардан (жадваллар, плакатлар, видеоматериаллар, компьютер дастурлари ва бошқ.) фойдаланиш.					
8.	Гуруҳда ишни ташкил этиш ва амалга ошириш кўнимаси (фақат гурухли ишлар баҳоланади):					
8.1.	Вазифаларни тақсимланганлиги					
8.2.	Гуруҳ аъзоларининг ишнинг натижаси билан хабардорлиги					
8.3.	Ҳар бир гуруҳ аъзосининг қўшган хиссасини аниқлаш					
9.	Мунозара олиб бориш кўнимаси					
10.	Олинган натижалар ва уларни баҳолаш					
11.	Лойиҳани амалга oshiрилганлиги					
<b>Жами (устун бўйича баллар йиғиндиси)</b>						

### **Назорат саволлари:**

1. Ўқитишининг мазмунини педагогик моделлаштиришни тушунтириб беринг.

2. Ўқитиши мазмунини педагогик моделлаштириш технологиясини ўзингиз ўқитадиган фан мисолида баён қилинг.

3. Педагогик моделлаштиришнинг ўқув жараёнини лойихалаштириш тушунчасидан фарқини айтиб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani

2. Даҳин, А. Н. Педагогическое моделирование [Текст] : монография / А. Н. Даҳин. – Новосибирск : Изд-во НИПКиПРО, 2005. – 230 с.

### **3-амалий машғулот:**

**Имитацион моделлаштиришнинг умумий масалалари.**

#### **1-вазифа. Имитацион моделлаштиришда фойдаланиладиган тушунчаларни таҳлил қилиш ва эслаб қолиши**

Имитацион моделлаштириш, имитацион моделлаштиришнинг асосий концепциялари, имитацион моделлаштиришнинг воситалари тушунчаларининг таърифини дафтарга ёзиш учун 8 минут вақт берилади, тингловчилардан сўраш баробарида таҳлил қилинади.

### **2-вазифа**

**Имитацион моделлаштириш фаолиятини ташкил қилиш кейс топшириғи**

2016 йилнинг апрель ойида Низомий номидаги ТДПУ “Умумий педагогика” кафедрасида катта ўқитувчи З.Нурматованинг очик дарсини муҳакомо қилаётганлар ўқитувчининг “...имитацион моделлаштириш услугидан фойдаландим”, деган хисботига қиғиқиб қолдилар. Шунда профессор Ф. Усмонов бу усул ҳақида мукаммалроқ ахборот беришини З.Нурматовадан сўради. З.Нурматова “Имитацион моделлаштириш”, инглизча“Simulation modeling”, тавтология, тақлид қилиш, ўхшатиш, ўхшатиб ясалган сохта нарса деган маънода ишлатилишини, методнинг дарсда қўллаш қулийликлари, масалан, талабаларга “педагогик конфликтология”ни тушунтириш учун конфликтологияга боғлаб ҳаётдан бирорта мисол келтирсангиз, шунинг ўзи имитацион моделлаштириш, деб жавоб берди. Ёш ўқитувчи А.Зиёев жавобни тўлдиришини айтиб, “имитацион моделлаштириш бумураккаб тизимнинг ишлаш жараёни компьютерда амалга ошириладиган маълум алгоритм, ёки мантиқий ҳаракатлардан иборат”, деб тўлдирди. Ёш ўқитувчининг бу саволга жавоби борлигини эшитган кафедра мудири Н.Рахмонова А.Зиёевдан жавобини тўлдиришини сўради. Зиёев: “Имитацион моделлар катта тизимларни моделлаштириш учун ишлатилади”<sup>22</sup>, деб чет эл

---

<sup>22</sup>A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teachingand learningCurriculum design anddevelopment, Lorraine Stefani, 79 p.

адабиётидан мисол келтирди. Имитацион модел олдиндан «воқеа у ёки бу вариантда (сценарияда) ривожланса нима бўлади?» деган саволга жавоб беради. Ўрганилаётган тизим фаолиятининг имитацияси, ривожланишнинг турли вариантлари (сценарийлари) ва ечимларини текшириш компьютерда бажарилади (машина имитацияси). Қўлланишига қараб илмийтехник, оддийва бадиий моделлар мавжуд, деб жавоб берди.

Кафедра профессори Шоюсупов ушбу методнинг математик моделлаштиришдан фарқини тушунтиришга ҳаракат қилиб, “Фанда илмий техник моделлар кенг тарқалганлигини, педагогикага, педагогик жараёнга моделлаштиришнинг нима алоқаси борлигини айтиб, барчани чалғитиб, вақтини олганлиги учун Нурматовага танбех берди .

А.Зиёев ўзи билганча, компьютерли моделлаштириш мураккаб тизимларни ўрганишнинг самарали усулларидан биридир. Кўпинча компьютер моделлари оддий ва тадқиқотга қулай ҳамда улар, реал экспериментлар ўтказилиши мураккаб бўлганда ёки олдиндан айтиб бўлмайдиган натижалар берадиган ҳолларда, ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш имконини беради. Компьютер моделларининг мантиқийлиги ва формаллашганлиги ўрганилаётган объектнинг хоссаларини аниқловчи асосий кўрсатгичларни аниқлаш, физик тизимни унинг катталиклари ва бошланғич шартларнинг ўзгаришига жавобини тадқиқ қилиш имконини беради.

Компьютерли моделлаштириш (математик моделлаш ва ҳисоблаш тажрибаси) ҳодисанинг аниқ табиатидан мавҳумлаштиришни, аввал сифат сўнгра миқдорли моделни қуришни талаб қиласди. Ундан кейин компьютерда қатор ҳисоблаш тажрибаларини ўтказилади, натижалар талқин қилинади, ўрганилаётган объектнинг хулқи билан моделлаштириш натижаларини таққосланади, моделга навбатдаги аниқликлар киритилади ва х.к., деб жавобини тўлдирмоқчи бўлди.

Ёш ўқитувчининг “билимдонлиги” бошқаларнинг ҳам ғашига тегдими, катта тажрибага эга Низомхўжаева “моделлаштириш ва лойиҳалаштириш” тушунчалари иккаласи бир хил тушунча эканлигини, ёшлар

дарс жараёнида бу усуллардан фойдаланишларини, агар лозим бўлса тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларига кириб ўрганишларини маслаҳат берди.

А.Зиёев билган маълумотларини ўртоқлашгандан сўнг, кафедра мудири Нурматовадан ўзи фойдаланган методини яхшилаб ўрганиши лозимлиги, методлардан фойдаланганда уларнинг методикасини яхшилаб ўзлаштириш жуда муҳимлигини уқтириди. Нурматова ҳам бўшашмади, Акмал математик моделлаштириш ҳақида гапирганлигини, имитациялаш, бу ўхшатиш, нусха кўчириш, яъни ҳаётдаги вазиятлаврни дарсга кўчириб, муҳокама қилиш, деб ўз сўзидан қайтмади.

Масаланинг ортиқча машмашага айланиб кетаётганлигидан хавотирланиб, шу масала юзасидан бошқа ўқитувчиларнинг фикрини сўради. Ҳеч кимдан жўяли жавоб чиқмагандан сўнг мудир А.Зиёевга ўн кун муддат ичида кафедрада Д.Эргашева, Л.Ахмедова, Ю.Усмоновалар иштирокида ижодий гурӯҳ тузиб, шу метод ҳақида тўла маълумот йиғиб, адабиётлар рўйхати билан биргаликда кафедрага тақдимот шаклида маълумот тайёрлашини ва шу методдан дарс жараёнида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлашини таклиф қилди.

Сиз дарс жараёningизда имитацион моделлаштириш методидан фойдаланганмисиз? Нурматова қайси метод ҳақида гапираётганлигини айта оласизми? Сиз кафедра мудирининг ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлар эдингиз? Акмал берган жавобларидан қониқдингизми? Нима қўшимча қила оласиз? Нима учун тажрибали ўқитувчига Акмалнинг жавоби ёқмади? Лойиҳалаштириш, моделлаштириш, имитацион моделлаштириш ҳақида маълумот бера оласизми?

## **КЕЙС ТОПШИРИҚЛАРИ**

### **Аниқ вазиятларни босқичма-босқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича тингловчиларга услугий кўрсатмалар**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Маслаҳат ва тавсияномалар</b>
1. Кейс билан танишиш (индивидуал) –3 дақиқа	Тақдим этилган аниқ вазиятлар билан танишибчиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишлиланганинг аниқланг.
2. Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш (индивидуал ва кичик групкаларда) – 5 дақиқа	Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқланг. Ўз фикрингизни гурӯҳ билан ўртоқлашинг. Муаммони белгилашда исбот ва далилларга таянинг. Кейс матнидаги ҳеч бир фикрни эътибордан четда қолдирманг.
3. Муаммо ечимини топиш ва эришиладиган натижани аниқлаш – 7 дақиқа	Гурӯҳ билан биргаликда муаммо ечимини топинг. Муаммога доир ечим бир неча варианта бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиз топган ечим қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳам аниқланг.
4. Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти (кичик групкаларда) – 5 дақиқа	Гурӯҳ билан биргаликда кейс ечимига доир тақдимотни тайёрланг. Тақдимотни тайёрлашда сизга тақдим этилган жавдалга асосланинг. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида аниқлик, фикрнинг ихчам бўлиши тамойилларига риоя қилинг.

**Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма намунаси**

<b>Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)</b>	<b>Ечим</b>	<b>Натижа</b>

### **Назорат саволлари:**

- Имитацион моделлаштиришнинг таърифини келтиринг.
- Имитацион моделлаштиришнинг асосий концепцияларини санаб беринг.

3. Имитацион моделлаштиришнинг воситалари ҳақида маълумот беринг.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

3. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani

4. Даҳин, А. Н. Педагогическое моделирование [Текст] : монография / А. Н. Даҳин. – Новосибирск : Изд-во НИПКиПРО, 2005. – 230 с.

**4-амалий машғулот:**

**Ўйин тарзида моделлаштириш ва унинг моҳияти.**

**1-вазифа Саволларга жавоб бериш, намойиш қилиш, ўйин тарзида моделлаштириши машқ қилиш ва тўлдириш:**

Гуруҳ 5-6 тингловидан иборат кичик гуруҳчаларга бўлинади ва ҳар бирига тарқатма материал сифатида ёзма топшириқлар берилади. 7 минутдан кейин гуруҳларнинг жавоблари навбатма навбат тингланади ва якунланади. Ҳар бир жавобни тўлдириш хуқуқи бошқа гуруҳларга ҳам берилади. Ўқитувчи назорат қиласи.

1-савол: Ролли ўйин тарзида педагогик вазиятларни моделлаштиришнинг моҳиятини қандай тушундингиз. Ўзингиз мустақил ўрганган билимларингизга асосланиб, маъruzada эшитганларингизни тўлдиринг.

2. Ўйин тарзида моделлаштириш технологиясининг мазмунини очиб беринг. Ўзингиз дарс бераётган фанингиз мисолида исботланг. Амалда кшрсатиб беринг..

3. Коммуникатив компетентликни ривожлантиришда педагогик вазиятларни моделлаштиришдан фойдаланиш имкониятларини намойиш этинг. Сиз дарсда педагогик вазиятларни моделлаштиришни ыандай ташкил қиласиз. Гуруҳдаги имкониятдан фойдаланиб кўрсатиб беринг.

4. Педагогик низоларни моделлаштиришнинг педагогик шартшароитларини таърифланг. Битта мисол билан дарсингизда фойдаланишингиз мумкин бўлган низоли вазиятни моделлаштиринг .

**2- вазифа.**Ўйин тарзида моделлаштиришни амалга оширишда «Кейс-стади”дан фойдаланиш юқори самара беради.

«Кейс-стади” – case studies инглиз тилидан олинган бўлиб, жараён ёки вазият деган маънони беради.

Дастлаб бу технологиядан бизнес ва тадбиркорларни ўқитиша фойдаланилган бўлиб, ҳозирги пайтда ўқитиладиган фаннинг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, ўйин тарзида моделлаштириш, педагогик вазиятлар яратилиб уларни ҳал этиш учун ўқув мунозаралари ташкил этилади.

Таълим-тарбия жараёнида Кейсдан фойдаланиш учун ўқитувчи:

- Дастур мазмунидаги муаммоли мавзуларни аниқлаши, шу мавзуларни ўқитиш учун муаммоли савол-топшириқлар тузиши;
- Машғулот давомида муаммоли савол-топшириқларнинг қийинчилик даражасига кўра якка тартибда ёки талабаларнинг кичик гурухларида мустақил ишларни ташкил этилишини аниқлаши;
- Талабаларнинг билиш фаолиятини мазкур муаммоларни ҳал этиш, ўқув мунозаралари орқали мулокотга киритиш йўлларини режалаштириши;
- Муаммоли савол-топшириқлар асосида ташкил этилган ўқув мунозараларида якуний фикрни вужудга келтириши лозим.

### **КЕЙС. ЎҚИТУВЧИЛИК ФАОЛИЯТИМ ҲАҚИДА (Отабек)**

Талабалик пайтларимдаёқ, институт маъмуриятида ишлардим. Ўқиши даврида салкам 5 йил деканатда услубчи (методист) бўлиб фаолият юритдим. Деярли ҳар куни талабалар билан муомала қилишга, улар билан учрашишга (ишлашга) тўғри келарди. Аммо методистлик бошқа, ўқитувчилик бошқа экан. Ўқитувчиликнинг юки, масъулияти оғир экан. Салобати босаркан.

Ўқитувчилик касбига киришган илк кунларимда ўзим учун фаолиятимнинг асосий қоидаларни ишлаб чиқишим лозимлигини англаб етган эдим. Чунки ҳар бир ўқитувчининг ўз услуби, ўз методи бўлади.

Мен ҳам ўзимнинг оригинал услубимни, методимни ишлаб чиқишини хоҳлар эдим. Талабаларга ҳам замонавий, ҳам самарали билим бериш усулларини топишни, уларни амалиётга татбиқ қилишни жуда-жуда истар эдим. Устозларнинг маслаҳати ва ўғитлари орқали шундай методлар жамланмасини ишлаб чиқдим. Лекин барибир ҳам, мен ўша методлар ҳақида бугун Сизга сўзлаб бермоқчиман. Ўша методларнинг мақсади ва эришилган натижаси тўғрисида маълумот бермоқчиман.

### **1-метод. Келинг, танишайлик**

Илк дарслар одатда янги ўқитувчи ва талабаларни ўзаро танишув дарси бўлади. Ким аслида ким, қаердан, исми нима, фамилияси нима ва ҳ.к. Аксарият ҳолларда дарснинг катта қисми танишувга кетади.

Мен дарсларимда бирон марта танишув маросими қилмадим. Унинг ўрнига бошқа, айёrona усулдан фойдаландим.

Ҳар гал янги гуруҳга илк дарсимга киришимдан аввал ўша гуруҳдаги барча талабаларнинг расмiga қараб, исм-фамилиясини ёдлаб чиқдим.

Юқорида айтганимдек, анча йиллар маъмуриятда ишлаганман, талабаларнинг маълумотларини топиш муаммо эмасди. Компьютеримда барча гуруҳларнинг мана бундай расмлар жамланмаси мавжуд эди:



**Компьютеримдаги талабалар фотоси сакланадиган маҳсус папка**

Эринмасдан, ҳар бир расмга қараб, талабанинг исм-фамилиясини ёдлаб чиқардим. Бир неча марта машқ қилардим.

Ха, айтганча, фақат исмлар эмас, балки уларнинг анкетасидан қайси вилоятдан эканлигини ҳам ёллардим.

Хўш, энди Сизда савол тугилгандир: бу нима учун керак бўлган?

Яхши савол. Жавоби қуйидагича:

Тасаввур қилинг. Янги дарс, янги ўқитувчи. Одатга кўра, ўқитувчи танишув маросими қилиши керак. Лекин мен фақат ўзимни таништирадим холос. Талабаларнинг фамилия-исмини сўраб ҳам ўтирумасдим.

Дарсни бошлагач, талабаларга исми билан мурожаат қилишни бошлардим. Масалан:

- Сарварбек, бугунги мавзуимиз нима эди?

Сарвар исмли талаба ҳайрон: “Мени қаердан танийди” деб?

Биттаси тасодиф бўлиши мумкин, тўғрими?

Лекин мен ҳар сафар ҳар хил талабаларга исми билан мурожаат қилардим ва имкон қадар адашмасликка харакат қилардим.

Талабалардан бундан бироз саросимага тушиб қоларди ҳатто.

Тагин қўшимчасига, уларнинг вилоятларига ҳам шаъма қилиб кетардим.

Масалан:

- Бобурбек, айтайлик Сиз ўз вилоятингиз Жиззахга терговчи бўлиб бордингиз. Шундай вазиятда мана бу масалани қандай ҳал қиласиз?

Талаба мен берган саволни эмас, балким “Домла мени қаердан танийди?” деган саволни кўпроқ ўйларди.

Бир-бирига пицир-пицирлар бошланарди: “Ҳаммамизни таниркан-а?” деган.

Баъзи довюраклари юрак ютиб, сўрарди ҳам: “Устоз, бизни қаердан танийсиз?”

Бундай саволларга мавхум жавоб бериш керак, шунда яна ҳам “ваҳима” ортади: “Ха, энди ишимиз шу” ёки “Вазифамиз шу” деган.

Жавоб бера туриб, секин сирли кулиб ҳам қўясиз. Қўшимча эффект беради.

Бунинг нима фойдаси бор дерсиз?

Фойдаси катта. Аввало биринчи дарсданоқ ўқитувчи ўз шахсига қизиқиш уйгота олади. Дарсни тугатиб чиққанингиздан сўнг, аниқ биламан, гурӯҳ талабалари камида 15 минут сизни муҳокама қилишади. “Вей, сени ҳам точный айтди-я?”, “Товба, фамилиямни ҳам биларкан-а?”, “Мени Қўқонлик эканимни билишларини айтмайсанми?” ва ҳ.к.

Ана ўша гурӯҳ сизнинг иккинчи дарсингизни интиқ бўлиб кутади. Бу ўқитувчининг биринчи ютуғи. Руҳий ютуқ. Уёғига талабаларнинг ўша қизиқишини сақлаб қола билиш ёки билмаслик, ўқитувчининг ўзига боғлиқ.

Менимча, дарсга фақат ўқитувчи сифатида кирадиган педагоглар бироз қийналишади. Ҳозир фикримни аниқ тушунтира олмаётгандирман, лекин шуниси аниқки, талабалар билан муомала қилишда, уларга дарс беришда психологик восита ва усуслардан ҳам унумли фойдалана билиш керак. Бу албатта шахсий фикрим.

### **1-методнинг SWOT таҳлили**

<b>Кучли томони</b>	
<b>Кучсиз томони</b>	
<b>Имкониятлари</b>	
<b>Таҳдидлари</b>	

### **2-метод. Маълумотлар пойдевори**

Биринчи дарсда талабаларга фан ҳақида, ўзим ҳақимда, дарс машғулотлари давомидаги амал қилишимиз лозим бўлган умумий қоидалар ҳақида маълумот берар эдим. Берадиган маълумотларим фақат оғзаки эмас, балки ёзма – тарқатма материал кўринишида бўлар эди.

Булар қуйидаги иккита тарқатма материал эди:

1. Фан соатлари, баҳолаш мезонлари, талаблар ва исм-шарифим ҳақидаги маълумот.

<b>«Жиноят-процессуал хукуки» модулидан баҳолаш мезонлари</b>			
Жорий баҳолаш — 30 баллгача	Оралик — 20 баллгача Мустақил ёзма иш тарзида ўтказилади	ЯБ - 50 баллгача Ёзма имтихон тарзида ўтказилади.	Жами 100 балл $55-70,9 = 3$ (коин-ли); $71-85,9 = 4$ (яхши); $86-100 = 5$ (альдо).
$16,5-21,2 = 3$ (коинкарли); $21,3-25,7 = 4$ (яхши); $25,8-30 = 5$ (альдо).	$11-14,1 = 3$ (коинкарли); $14,2-17,1 = 4$ (яхши); $17,2-20,0 = 5$ (альдо).	$27,5-35,4 = 3$ (коин-ли); $35,5-42,9 = 4$ (яхши); $43,0-50,0 = 5$ (альдо).	
Модул 4 ва 5-семестрларда ўтилади. Модулга ажратилган жами соат — 152 соат. Шундан: Умумий кисм — 76 соат. Маъруза — 20 соат (10 та мавзу), Семинар — 40 соат (20 та мавзу), Амалий машғулот — 16 соат (8 та мавзу)			
Махсус кисм — 78 соат. Маъруза — 24 соат (12 та мавзу), Семинар — 40 соат (20 та мавзу), Амалий машғулот — 12 соат (6 та мавзу)			

<b>Кўйидагилар семинар вактида талабада бўлиши керак:</b> 1. Кодекс; 2. Дарслик; 3. Конспект дафтар; 4. Бошда билим; 5. Қалбда ишлар; 6. Кўнгилда билим олинни учун хоҳиш.	<b>Шунингдек, кўйидагиларга хам риоя киласигиз ёмон бўлмасди:</b> 1. Ўз вактида, кечикмасдан келиш; 2. Белгиланган формада бўлиш; 3. Дарс вактида телефонлардан телефонлардан фойдаланимаслик;	<b>Кўйидагиларни билмасангиз уят!</b> Жиноят-процессуал кодекси 1994 йил 22 сентябрда кабул килинган ва 1995 йил 1 апреддан кучга кирган. Ушбу Кодекс: 2 та кисм; 14 та бўлим; 65 та боб; 609 та маддадан иборат.
--	---	--

Семинар ва амалий машғулот ўтиувчиси: **Худайбердиев Хушнуд Гайратович**

## Дафтар орқасига ёпиштириш учун барча талабаларга тарқатиладиган

### Эслатма

Пастдаги ёзувларга эътибор беринг

2. Қайси мавзу қайси санада ўтилиши ва дарс машғулотининг тури (маъруза, семинар, амалий) ҳақида маълумот.

### “ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ХУКУКИ” ФАНДАН КАЛЕНДАР РЕЖА

№	Мавзу номи	Санаси	Машғулот тури
1.	Жиноят-процессуал хукуки тушунчаси, мөхияти, вазифалари ва манбалари	02.09.2013	маъруза
2.	Жиноят процессининг принциплари	05.09.2013	маъруза
3.	Жиноят процесси иштирокчилари	09.09.2013	маъруза
4.	Далиллар ва исбот килиш	12.09.2013	маъруза
5.	Далилларни тўплаш усуллари	16.09.2013	маъруза
6.	Жиноят-процессуал хукуки тушунчаси, мөхияти, вазифалари ва манбалари	19.09.2013	семинар
7.	Жиноят-процессуал мажбурлов чоралари	23.09.2013	маъруза
8.	Жиноят процессининг принциплари	26.09.2013	семинар
9.	Эдтиёт чоралари	30.09.2013	маъруза
10.	Жиноят иши юритишга мавзул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар	03.10.2013	семинар
11.	Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи коплан	07.10.2013	маъруза
12.	Жиноят процессида иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоат ва уларнинг вакиллари	10.10.2013	семинар
13.	Реабилитация	14.10.2013	маъруза
14.	Жиноят процессида ўз манфаатларини химоя килувчи шахслар. Химоячилар ва вакиллар	17.10.2013	амалий
15.	Процессуал муддатлар ва чикимлар	21.10.2013	маъруза
16.	Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар	24.10.2013	семинар
17.	Жиноят процессида иштирок этишга моненик қиладиган ҳолатлар. Рад қилишлар	28.10.2013	семинар
18.	Далиллар тушунчаси. Далиллар назариясида исботлаш хукуки	31.10.2013	семинар
19.	Исбот килишнинг умумий шартлари	04.11.2013	семинар

## **Дарс машғулотлари режаси**

Бундан мақсад нима?

Талаба халқи бироз дангаса ва баҳоначироқ бўлади (ўзим ҳам ғирт шунақа талаба бўлганман). Уларга келгусида баҳона қилишга имкон бермаслик керак. Шу сабабли, илк дарсда юқоридаги тарқатма материалларни ҳар бир талаба учун алоҳида чоп этиб, кейин дарсга кирадим. Тарқатмаларни ҳар бир талабага шахсан тарқатиб, дафтарларининг орқасига ёпишириб қўйишларини сўрардим.

Бу ерда яна бир жиҳатга эътибор бериш керакки, баъзи ўқитувчилар шундай тарқатмаларни бир ёки икки дона чиқариб, “ўзингиз кўпайтириб, оволинглар” дейишади. Аммо юқорида айтганимдек, бундай вазиятларда дангасалик бироз панд беради.

Ҳар қандай тарқатма материални яхшиси ўзим чиқариб, ўзим тарқатганим маъқул деб ўйлардим.

### **2-методнинг SWOT таҳлили**

<b>Кучли томони</b>	
<b>Кучсиз томони</b>	
<b>Имкониятлари</b>	
<b>Таҳдидлари</b>	

### **3-метод. Тест ва SMS**

Ҳар 10 та мавзудан кейин тест олардим. Тестни шунчаки олишни хоҳламасдим. Ҳар бир талабанинг тести бўйича чиққан натижасини таҳлил қилишни, қайси мавзуда оқсаётганини, мавзуларнинг қайси жойини ўзлаштира олмаётганини таҳлил қилишни хоҳлардим. Ва энг асосийси ҳар бир талабага тестдан олган натижасини шахсан етказишни хоҳлардим. Бу билан ҳар бирингизга эътибор қиляпман, Сиз ҳам шунга яраша жавоб қайтаринг дейишни хоҳлардим.

Биласизми, тест натижаларини талабаларга қандай етказганман? Түппат-түғри, SMS орқали! )) Юборганда ҳам, эринмасдан ҳар бирiga индивидуал жавоб ёзганман. Тахминан мана бундай: “Фалончибек, сизнинг тест натижангиз – 20 та түғри, 10 та нотүғри. Ўзлаштириш фоизингиз 67%”

Ва ҳар бир натижанинг тагига алоҳида гап ёзганман. Агар натижа зўр бўлса, мақтаганман. Янада яхши ўқинг деганман. Ўртачароқ бўлса, сустлашмасликни айтганман. Ёмонроқ бўлса, ўқишини яхшилаши кераклигини, унга ишонишимни, мени бошқа уялтирумаслигини ёзганман.



Албатта 100 кишига битталаб бунақа SMS ёзиш учун кўп вақт кетади. Тағин ҳар бир натижани ҳисоблаб чиқкан бўлишингиз ҳам керак.

Ха, энди, жон чекмасанг жанона қайда дейишади-ку. Қийин бўлганми йўқми, билмадим-у, лекин менга қизиқ бўлган. Ўзим севган касбим билан шуғулланиб, роҳатланганман.



Ха, айтганча, ўзи индивидуал SMS юборишни кейинчалик ҳам бир неча маротаба қўлладим. Айниқса, байрамлар билан табриклиш вақтида. Биласизми, ҳаммага юбориладиган узундан-узун шаблонлардан кўра, исмингиз ёзилган кичик SMS кўпроқ таъсирлироқ бўлади. Мен ҳам матнини бир хил ёзганим билан, лекин исмларни ҳар бир кишига эринмасдан ёзиб чиқишига ҳаракат қиласдим.

### **3-методнинг SWOT таҳлили**

<b>Кучли томони</b>	
<b>Кучсиз томони</b>	
<b>Имкониятлари</b>	
<b>Таҳдидлари</b>	

### **4-метод. Ҳеч қандай “қайта топширишларсиз”**

Мен бутунлай қайта топширишларга қарши эдим. Талабалардан қайта топшириш қабул қилганимни деярли эслай олмайман. Узрли ёки узрсиз сабабларга кўра кела олмаган талабаларни кейинги дарсни ўзида савол-жавоб қилиб қўяверардим. Ростини айтганда, талабага 2 та энг асосий саволни бериб, кела олмаган мавзусини қай даражада тушунган ва ўзлаштирганини билиш мумкин.

Нима кераги бор, талабаларни яна алоҳида кафедрага чақириб, уларни беҳудага қийнаб (бу ерда “беҳуда” сўзига эътибор беринг).

Шахсан мен “отработка” ҳақида шундай фикрда эдим. Адашаётган бўлишим мумкин, албатта.

#### **4-методнинг SWOT таҳлили**

<b>Кучли томони</b>	
<b>Кучсиз томони</b>	
<b>Имкониятлари</b>	
<b>Таҳдидлари</b>	

#### **5-метод. Доскага чиқиши деган нарса йўқ**

Ростини айтсам, менга доскага бирин-кетин чиқариб, мавзуни гапиртириш методи умуман ёқмасди. Доскага, минбарга чиқармасдим ҳеч кимни. Бир кишини 10 минут гапиртириб қўймасдим ҳеч қачон. Бунақа эски услугуб менга умуман ёқмасди, рости. Ҳамма ўтирган жойида жавоб бераверар эди. Бунда блиц саволлардан фойдаланарадим. Масалан:

- Акбаржон, суриштирув муддати қанча?
- Нодирбек, нечта тергов органи бор?
- Жамшидхон, жиноят ишини қўзғатиш сабаблари нечта?

Бу усулнинг яхши томони шунда эдики, мен исталган вақтда, исталган талабага мурожаат қилаверар эдим. Шу сабабли, талабалар бутун дарс давомида диққатини савол-жавобларга қаратишга мажбур бўларди. Кимнидир хаёли дарсдан узоклашаётганини сезсан, дарров ўшанга мурожаат қиласадим. Олдинги гапларни такрорлашини сўрардим. Табиийки, бундай усулдан кейин талабалар беихтиёр дарсдаги савол-жавобларни эшитиб туришга ҳаракат қилишарди.

## **5-методнинг SWOT таҳлили**

<b>Кучли томони</b>	
<b>Кучсиз томони</b>	
<b>Имкониятлари</b>	
<b>Таҳдидлари</b>	

## **6-метод. Ўқимай келганлар тўрга ўтсин**

Шунча уринишларга қарамай, барибир дарсга тайёрланмай келадиган талабалар бор эди. Буни яшириш ёки инкор қилиш керакмас.

Ўқимай келган талабалар учун ҳам ўзимнинг қатъий принципим бор эди. Фикримча, ўқимай келган талаба ҳам, менинг дарсимдан қуруқ қўл билан чиқиб кетмаслиги керак эди. Ўша дарсда у шунчаки жасад бўлиб иштирок этмаслиги, фақат йўқламага кўриниш учун келмаслиги лозим эди.

Шу сабабли мен ўқимай келган талабаларни энг олдинги партага ўтқазардим. Блиц савол-жавоблар вақтида ҳар бир саволнинг жавобини улардан қайта айтишларини сўрардим. Масалан, бошқа бир талаба савол бераман, у жавоб берди дейлик. Кейин худди шу саволни ўқимай келган талабага яна қайта бераман. У курсдоши айтган жавобни такрорлайди. Айтолмаса, яна такрорлаттирамиз, диқатини жамлаймиз.

Шунаقا қилиб, дарс охиригача у кўп маълумотни эшитади, гапиради. Ва натижада дарсимдан нимадир (кам бўлса-да) олиб чиқиб кетади.

Ҳа, эсимда, баъзи талабалар олдинги партада ўтираслик учун ҳам ўқиб келадиган бўлганди.

## **6-методнинг SWOT таҳлили**

<b>Кучли томони</b>	
<b>Кучсиз томони</b>	
<b>Имкониятлари</b>	
<b>Таҳдидлари</b>	

## **7-метод. Тик туриб жон берган яхши...**

Дарс вақтида умуман ўтирасдим. Талабалар ўтириб дарс ўтганимни эслай олмаса ҳам керак. Доим тик турган ҳолда дарс ўтардим. Аввало, ўтириб дарс ўтиш ноқулай әди, талабага ҳурматсизликдек қўринарди. Иккинчидан, менинг дарс ўтиш услубларимга ўтириш тўгри келмасди. Юқорида айтганимдек, блиц савол-жавоблар қилишим, ҳамма талабани кузатиб туришим учун, тик туриш менга қулайроқ әди.

### **7-методнинг SWOT таҳлили**

<b>Кучли томони</b>	
<b>Кучсиз томони</b>	
<b>Имкониятлари</b>	
<b>Таҳдидлари</b>	

Дастур мазмунидаги факат фактik материалларни ўрганиш назарда тутилган мавзуларда (ролли ўйинлар, дидактик ўйинлар, ўйинли тарзда моделлаштириш) инсертдан фойдаланиш тавсия этилади.

Инсерт – локал даражадаги педагогик технология бўлиб, талабалар томонидан ўқув материалидаги асосий ғоя ва фактik материалларни англашига замин яратиш мақсадида қўлланилади.

Талабаларни инсерт ёрдамида ишлаш кўникмаларини ривожлантириш учун уларга ўрганиладиган ўқув материаллари ва маҳсус жадвал тарқатилади. Талабалар ҳар бир абзачни ўрганиб чиқиб, маҳсус жадвалга муайян символлар ёрдамида белгилаштавсия этилади.

Агар абзацда берилган маълумот шу кунгача ўзлаштирган билимларига мос келса, “Биламан” – V, агар маълумотлар тушунарли ва янги бўлса, у ҳолда “Маъқуллайман” +, агар маълумотлар талабалар ўзлаштирган билимларига мос келмаса, у ҳолда “Ўрганиш лозим”-, талабалар ўқув материалларини

ўзлаштиришда қийинчилик ҳис этса, у ҳолда “Тушунмадим” -? белгисини қўяди.

Инсертда фойдаланиладиган махсус жадвал

Абзацлар №	“Биламан” – V	“Маъқуллайман” +	“Ўрганиш лозим”-	“Тушунмадим” -?
1.				
2.				
3.				
4 ва х.к.				

Таълим-тарбия жараёнида Инсертдан фойдаланишда қуйидаги талабларга амал қилиниши:

- Талабалар кичик грухга ажаратилади, лекин инсерт воситасида дастлаб ҳар бир талаба якка тартибда ишлайди ва жадвални тўлдириши, грух аъзолари белгиланган муддатда ишлашни якунлаганларидан сўнг, фикрларини таққослаши;
- Ўқув баҳси орқали кичик грух аъзоларининг жадвалдаги белгиларининг бир хил бўлишини таъминлаш, яъни жадвалдаги кейинги икки устуни бўйича бир хилликка эришиш;
- Ўқитувчи ўқув материали асосида тузилган савол-топшириклари ва кичик грух аъзоларининг жадвалдаги белгилари асосида ўқув баҳсини ташкил этиши лозим.

Инсерт билан ишлашнинг афзаллик томони аввал кичик грух аъзолари ўртасида, сўнг кичик грухлар билан ўзаро ўқув баҳси ўтказилиши, баҳсда талабалар томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш, билимидаги бўшлиқларни тўлдириш юзасидан ўқитувчи томонидан берилган ахбороттаълим самарадорлигига хизмат қиласи.

Инсертдан фойдаланилган ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги ахборот манбаи функцияси бир мунча камайиб, талабаларнинг билиш фаолиятини

бошқариш ва назорат функциялари ортади. Шу сабабли, ўқитувчи бу масалаларни пухта режалаштириши ва амалга ошириши лозим.

Ўқитишда талабаларнинг ўзлаштирган билимларини тизимлаштириш, мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида Кластердан фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Кластер – cluster технологияси тингловчилар томонидан ўзлаштирган ва ўзлаштирадиган ғоя, назария, қонуният ва тушунчалар ўртасидаги боғланишини англаш, бир-бирига узвийлигини тушунишга имкон яратиб таҳлилий-танқидий фикр юритиш қўникмаларини ривожлантиришга замин тайёрлайди.

Кластерни тузиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:


- Ўқув курси мазмунидаги муайян ғоя доска ёки қоғоз ўртасига ёзилади;
- Ушбу ғоя билан боғлиқ қонуниятлар, тушунчалар бир-бирига боғлиқ ҳолати кўрсаткич билан белгиланади, сўнгра мазкур қонуният ва тушунчаларнинг фактик маълумотлари график тарзда ёзилади ва тармоқ ҳосил қилинади.
- Аввал ўрганилган мавзуу ва ўрганиладиган мавзуу ўртасидаги боғланишлар ҳақида хулоса чиқарилади.

Кластердан фойдаланиладиган машғулотларда тингловчилар teng сонли кичик гуруҳларга ажратилиб, уларга ўқув топшириғининг дидактик мақсади ва бажарилиш тартиби тушунтирилгандан сўнг, улар ажратилган вақт ичida фикрларини жамлаб, ўзлари тузган Кластерни ҳимоя қилиб, фикрларини далиллашга имкон яратилиб, энг яхши ва асосли тузилган Кластер аниқланади, ғолиблар рағбатлантирилади.

Таълим-тарбия жараёнида моделлаштириш технологиясини амалга оширишда ёрламчи усуслардан яна бири- Венн диаграммаси бўлиб, уни ишлаб чиққан инглиз олими Джон Венн номи билан юритилади.

Венн диаграммаси ўрганилаётган мавзудан ўрин олган факт, тушунча ва жараёнларни таҳлил қилиш, синтезлаш ва таққослашни талаб этади. Ушбу

диаграммадан табиий танланиш ва сунъий танлаш, табиий танланиш, яшаш учун кураш шаклларини таҳлил қилиш, синтезлаш ва таққослашда фойдаланиш мумкин. Венн диаграммаси қуйидаги кўринишда бўлиши тавсия этилади.



Модул давомида тингловчилар томонидан тушунча ва атамаларни мустаҳкам ўзлаштиришга замин тайёрлаш муҳим ўрин тутади, шу сабабли ўқитувчи ҳар бир боб ва мавзулар мазмуnidаги тушунча ва атамаларни “Атамалар занжири” тизимиға келтириши керак.

“Атамалар занжири” бу атамалар ва уларнинг таърифлари бўлиб, улардан ўқитувчи ўтган мавзуни якунлаш, янги ўрганилган мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида машғулотнинг бир қисмида фойдаланилганлиги сабабли, локал технологиялар гурӯхига киритиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур технологиядан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга бир неча усуlda ёндошиш мумкин.

- Тингловчилар кичик гурӯхларга ажратилиб, гурӯх аъзоларидан кичик консультант тайёрланади. Кичик консультант унга берилган топшириқдаги атамалар асосида гурӯх аъзоларини карточка воситасида баҳолайди. Бунда талабалар айтилган атамаларнинг изоҳини айтиши ёки изоҳга қараб атамани аниқлаши мумкин. Ҳар бир тўғри жавоб учун карточка берилганлиги сабабли, карточкалар сони уларнинг тўплаган балини белгилайди.
- Тингловчиларга бобва мавзулар мазмуnidаги тушунча ва атамалар рўйхати берилади. Уларнинг мазмuni ва моҳиятига кўра ўзаро мантиқий боғланган занжир Кластер ҳолига келтириш талаб этилади. Ушбу ёндошув кўп

вақтни талаб этса-да самарадорлиги юқори бўлиб, талабаларнинг мантиқий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш имконини беради.

- “Атамалар занжири”дан ўтган мавзуни якунлаш қисмида фойдаланилганда талабаларнинг кичик груп аъзоларидан оғзаки ҳолда атамаларни кетма-кет аввалгиларни такрорлаган ҳолда мазмуни ва моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ ҳолда янги атама қўшиши талаб этилади. Гурӯҳнинг биринчи иштирокчиси битта атама билан бошлаган ўйин якунида груп аъзолари сонига тенг атамалар занжири вужудга келади. Иккинчи босқичда мазкур атамаларга таъриф бериш ва уларни изоҳлаш талаб этади.

Ўқитишда тезкор ўйинлар ва ўйин машқлардан ҳам фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Ўйин тарзида моделлаштириш технологияси машғулотнинг муайян қисмида тингловчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириб, таълим самарадорлигини орттиришга хизмат қиласди.

Шу сабабли ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолашда педагогик диктантлардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ролли ўйин тарзида педагогик вазиятларни моделлаштиришнинг босқичларини айтиб беринг.
2. Ўйин тарзида моделлаштириш технологиясининг педагогик имкониятлари ҳақида маълумот беринг.
3. Коммуникатив компетентликни ривожлантиришда педагогик вазиятларни моделлаштиришдан фойдаланишни тушунтиринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Malcolm, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and Capacity Building for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development no. 531 p.
2. Богатырев, А.И. Теоретические основы педагогического моделирования (сущность и эффективность)[Электронный ресурс] / А.И. Богатырев // Издательский дом «Образование и наука». – Режим доступа: [http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2\\_bogatyrev%20a.i..doc.htm](http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2_bogatyrev%20a.i..doc.htm).
3. Интернет ресурс: <http://www.referat.ru>; [www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru); [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru); [www.inter-nastavnik.iatp.bu](http://www.inter-nastavnik.iatp.bu)

### **5-амалий машғулот:**

**Педагогик низоларни моделлаштириш.  
1-вазифа.**

ҮФЭ	Мавзу бўйича ўқув топшириқлари	Методик кўрсатма	Балл
1.	<b>Мақсад:</b> Тарбия технологияларини моделлаштириш технологиясининг хусусиятлари, машғулотда тингловчиларнинг билиш фаолиятини тарбия технологияларини моделлаштириш фаолияти билан уйғунлаштириш, моделлаштиришни ташкил этиш босқичларини мустаҳкамлаш. Мавзуга оид берилган материални дикқат билан ўқиб чиқинг ва қуидагисаволларга жавоб топинг: <ol style="list-style-type: none"><li>1. Тарбия технологияларини моделлаштириш тушунчасига таъриф беринг.</li><li>2. Тарбия технологиясини ўзлаштирганингизни намойиш қилинг.</li><li>3. Педагогик низо деганда нимани тушунасиз.</li><li>4. Педагогик низоларни моделлаштиришни тушунтириб беринг.</li><li>5. Педагогик низоларнинг таркибига нималаркиришини аниқланг.</li></ol>	Кичик гурух аъзолари билан ҳамкорли кда ишланг	2-балл

	<p>6. Педагогик низоларни моделлаштириш қандай босқичларда ташкил этилишини ўрганинг.</p> <p>7. Тарбия технологияларини моделлаштиришни машқ қилинг.</p>		
2.	<p><b>Мақсад:</b> Тарбия технологияларини моделлаштиришнинг мазмуни ва моҳияти ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.</p> <p>Берилган материални диққат билан ўқиб чиқинг ва қуидагисаволларга жавоб топинг:</p> <p>1. Тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясининг мазмунини тушунтиринг.</p> <p>2. Тарбия технологияларини моделлаштиришнинг маъносини тушунтиринг.</p> <p>3. Ўзингиз ишлайдиган гурухда ўтказадиган тарбиявий соат мисолида тарбия технологиясини моделлаштиришнингизни намойиш қилинг.</p>	Кичик гурӯҳ аъзолари билан ҳамкорли кда ишланг	1-балл
3.	<p><b>Мақсад:</b> Тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясининг турлари ва уларга қўйиладиган дидактик талабларни ўрганиш.</p> <p>Мустақил тайёрлаб келган материалингиз асосида қуидагисаволларга жавоб топинг:</p> <p>1. Тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясига қўйиладиган дидактик талабларни аниқланг.</p> <p>2. Мазкур дидактик талабларни амалга ошириш учун ўқитувчи қандай тайёргарлик ишларини амалга ошириши лозим?</p> <p>3. Тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясига изоҳ беринг.</p> <p>4. Конференция ва тақдимотдан фойдаланибтарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясига қиёсий тавсиф беринг. Жавобингизни Венн диаграммаси билан изоҳланг.</p> <p>5. Тарбия тизимини моделлаштириш технологиясининг ва тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясини қиёсий тавсифланг. Жавобингизни Венн диаграммаси билан изоҳланг.</p>	Кичик гурӯҳ аъзолари билан ҳамкорли кда ишланг	2-балл

	6. Тарбия тизимини моделлаштириш технологиясини қандай ташкил этилишини ўрганинг.		
--	---	--	--

### **Кейс топшириғи. Педагогик низо ва уни ҳал этиш йўллари**

Маълум муддат тиббий даволанишда бўлиб, янги ўқув йилидан яна қайтадан ишга қайтган “Касбий таълим” кафедраси ўқитувчиси Н.Хафизов менежмент бакалавриат таълим йўналиши 303 гурӯхида касбий педагогика фанидан семинар машғулотини ўтказаётган эди. Семинар машғулотида талабаларни кичик гурухларда ишлашларини ташкиллаштирди. Талабалар кичик гурухларда ишларни давом эттираётган бир пайтда, машғулот бошланганига ўттиз дақиқа бўлганида мазкур гуруҳ талабаси А.Петрова эшиқни очиб, аудиторияга киришга рухсат сўради. Ўқитувчи эса машғулот бошланганига анча вақт бўлганини, у бир неча маротабадан бўён кечикиб келаётганини айтиб, машғулот вақтида кечга қолган талаба А.Петрованинг аудиторияга киришига рухсат бермади. Талаба эса, аудиториядан чиқиб кетишни хоҳламади. Ўқитувчи ундан аудиториядан чиқиб кетишни талаб этди ва охир-оқибат хонадан чиқариб юборди. Эртаси куни аудиторияга киритилмаган қизнинг онаси номидан факультет деканатига шикоят хати келиб тушди. Шикоят хатида талаба-қизнинг онаси ҳомиладор эканлигига қарамасдан ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчи талабани машғулотга киритмасдан, уни туртиб аудиториядан чиқариб юборгани педагогик этика зид иш эканлиги, ўқитувчининг компетентлигини аниқлаш учун Давлат тест марказидан холис эксперtlар чақириб, синовдан ўтказиш ва шикоятга ёзма равишда жавоб қайтариш, агар керакли чора кўрилмаса, юқори ташкилотларга мурожаат қилиши ҳақидаги талабни қўйган эди. Эртаси куни факультет декани ва ўринbosари Н.Хафизовни бу ҳақида огоҳлантириди. Ўқитувчи эса деканга у ҳеч қандай ортиқча ҳаракат қилмагани, талаба қиз ҳамма вақт дарсга кечикиб келишини айтиб қўпол муносабатда бўлди. Бир ҳафта муддат ўтиб, декан кафедра мудиридан мазкур масалани йиғилишда мухокама қилиб, қарор чиқариб беришни сўради.

Кафедра мажлисида мазкур масала муҳокама этилди. Кафедра профессор-ўқитувчилари ҳар қандай вазиятда ҳам Н.Хафизовни қўллаб-қувватлашларини билдириди. Бироқ талаба-қизнинг ҳомиладор эканлигини ҳисобга олиб, ундан узр сўраш ҳақидаги таклифни киритиши. Н.Хафизовга сўз берилганда эса, у педагоглик одобига зид ҳеч қандай хатти-ҳаракат содир этмаганлигини, талаба-қиздан узр сўрамаслигини билдириди. Орадан бир ҳафта муддат ўтиб, Н.Хафизов кафедра мудирининг ишдан бўшамаслиги ҳақидаги илтимосига карамасдан, ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилди.

*Юқорида келтириб ўтилган вазиятни таҳлил этинг. Сиз Н.Хафизовнингўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлар эдингиз? Н.Хафизовнинг ишдан бўшаб кетиши тўғри бўлдими?*

**Аниқ вазиятларни босқичма-босқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича тингловчиларга услубий кўрсатмалар**

Иш босқичлари ва вақти	Маслаҳат ва тавсияномалар
1. Кейс билан танишиш (индивидуал) –3 дақиқа	Тақдим этилган аниқ вазиятлар билан танишибчиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишлиланганигини аниқланг.
2. Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш (индивидуал ва кичик гурухларда) – 5 дақиқа	Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқланг. Ўз фикрингизни гурух билан ўртоқлашинг. Муаммони белгилашда исбот ва далилларга таянинг. Кейс матнидаги ҳеч бир фикрни эътибордан четда қолдирманг.
3. Муаммо ечимини топиш ва эришиладиган натижани аниқлаш –7 дақиқа	Гурух билан биргаликда муаммо ечимини топинг. Муаммога доир ечим бир неча вариантда бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиз топган ечим қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳам аниқланг.
4. Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти (кичик гурухларда) – 5 дақиқа	Гурух билан биргаликда кейс ечимига доир тақдимотни тайёрланг. Тақдимотни тайёрлашда сизга тақдим этилган жавдалга асосланинг. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида аниқлик, фикрнинг ихчам бўлиши тамойилларига риоя қилинг.

## **Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма намунаси**

<b>Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)</b>	<b>Ечим</b>	<b>Натижа</b>

**З вазифа.** Сиз ўзингиз дарс берадиган фан мисолида педагогик низоларни моделлаштириш технологиясидан қандай фойдаланган бўлар эдингиз? Тарбия технологияларини моделлаштириш, тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясини амалда қўллаш учун кейс топшириклари ўйланг ва аудиторияда муҳокама қилинг.

### **Назорат саволлари:**

1. Тарбия технологияларини моделлаштиришнинг педагогик шартшароитларини тушунтиринг.
2. Тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясини ишлаб чиқиши тартибини айтиб беринг.
3. Тарбия технологияларини моделлаштириш босқичларини санаг.
4. Этнопедагогик моделлаштириш тушунчасини изоҳлаб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Malcolm, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and Capacity Building for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development no. 531 p.
2. Богатырев, А.И. Теоретические основы педагогического моделирования (сущность и эффективность)[Электронный ресурс] / А.И. Богатырев // Издательский дом «Образование и наука». – Режим доступа: [http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2\\_bogatyrev%20a.i..doc.htm](http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2_bogatyrev%20a.i..doc.htm).
3. Интернет ресурс: <http://www.referat.ru>; [www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru); [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru); [www.inter-nastavnik.iatp.bu](http://www.inter-nastavnik.iatp.bu)

## **6-амалий машғулот:**

### **Масофавий таълим моделлари таҳлили.**

1. Масофавий таълим, масофавий таълим модели, масофавий таълимнинг ижтимоий педагогик тизимини моделлаштириш тушунчаларини таҳлил қилинг. Унда тингловчи эгаллаши назарда тутилган билим, кўникма ва малакаларни таҳлил қилинг.

2. Тингловчи томонидан эгалланиши лозим бўлган мазкур билим, кўникма ва малакаларни Блум таксономиясига мувофиқ курс юзасидан ўкув мақсадларига айлантиринг.

*Касбий фаолиятни моделлаштириши технологияси модули бўйича ўкув мақсадлари*

*1-жадвал*

<b>Ўқув мақсадлари</b>	<b>Ўқув мақсадларининг мазмуни</b>
<i>Билиши</i>	<i>аниқлаши;</i> <i>таърифлаши;</i> <i>қайта ишилаши;</i> <i>айтиб берши;</i> <i>моҳиятини тушунтириши;</i> <i>ўзига хос хусусиятларини ажратиб қўрсатиши;</i>
<i>Тушуниши</i>	<i>Умумлаштириши;</i> <i>Қайта ишилаш;</i> <i>Асосий ғояни қайта ишилаш;</i> <i>Мисоллар келтириши;</i> <i>Ҳимоя қилиши;</i>
<i>Амалиётга қўллаш</i>	<i>Мослаштириши;</i> <i>Қайта ишилаш;</i> <i>Лойиҳалаш;</i> <i>Моделлаштириши;</i> <i>Қайта айтиб берши;</i>

<i>Таҳлил</i>	<i>Таққослаш Қисмларга ажратиши Ажратиб кўрсатиши Киёслаш</i>
<i>Синтез</i>	<i>.Гуруҳларга ажратиши Умумлаштириши Реконструкция</i>
<i>Хулосалаши</i>	<i>Баҳолаш Танқидий фикр юритиши Фикрга қарши фикр билдириши Кўллаб-қувватлаш Инкор этиши</i>

3. Модул мазмунидаги мавзулар (Масофавий таълимнинг мақсади, мазмуни, моҳияти. Масофавий таълим моделлари таҳлили. Масофавий таълимнинг ижтимоий-педагогик тизими니 моделлаштириш) ни тингловчилар томонидан эгалланиши лозим бўлган мазкур билим, кўникума ва малакаларни Блум таксономиясига мувофиқ ўқув мақсадларига айлантиринг.

2-жадвал

<i>Ўқув мақсадлари</i>	<i>Ўқув мақсадларининг мазмуни</i>
<i>Билиши</i>	<i>аниқлаши;</i> <i>таърифлаши;</i> <i>қайта ишилаши;</i> <i>айтиб берииши;</i> <i>моҳиятини тушунтириши;</i> <i>6. ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиши;</i>
<i>Тушуниши</i>	<i>Умумлаштириши;</i> <i>Қайта ишилаши;</i> <i>Асосий гояни қайта ишилаши;</i> <i>Мисоллар келтириши;</i> <i>Ҳимоя қилиши;</i>
<i>Амалиётга қўллаш</i>	<i>Мослаштириши;</i> <i>Қайта ишилаши;</i>

	<i>Лойиҳалаши;</i> <i>Моделлаштириши;</i> <i>Қайта айтиб берши;</i>
<i>Таҳлил</i>	<i>Таққослаши</i> <i>Қисмларга ажратиши</i> <i>Ажратиб кўрсатиши</i> <i>Қиёслаш</i>
<i>Синтез</i>	<i>Гуруҳларга ажратиши</i> <i>Умумлаштириши</i> <i>Реконструкция</i>
<i>Хуносалаши</i>	<i>Баҳолаши</i> <i>Танқидий фикр юритиши</i> <i>Фикрга қарши фикр билдириши</i> <i>Кўллаб-қувватлаши</i> <i>Инкор этиши</i>

4. Модул бўйича белгиланган ўқув мақсадларини мавзуларнинг мазмунини эътиборга олган ҳолда машғулотнинг ўқув мақсадларини аниқланг.

.....курсдан 1-модул таркибидаги ..... мавзу  
бўйича ўқув мақсадлари

3-жадвал

<i>Ўқув мақсадлари</i>	<i>Ўқув мақсадларининг мазмуни</i>	<i>Машгулотдаги назорат тури</i>	<i>Рейтинг тизимидағи тест топшириги тури</i>
<i>Билиш</i>	1. аниқлаши; 2. таърифлаши; 3. қайта ишилаши; 4. айтиб берши; 5. моҳиятини тушунтириши; 6. ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиши;	<i>Тест</i> <i>топшириги</i> <i>Озаки жавоб</i> <i>Кластер тузши</i> <i>Озаки жавоб</i> <i>Озаки жавоб</i> <i>Кластер тузши</i>	Репродуктив Продуктив Қисман-изланишли Креатив даражা
<i>Тушуниш</i>	Умумлаштириши; Қайта ишилаш; Асосий гояни қайта ишилаш; Мисоллар келтириши; Ҳимоя қилиши;	<i>Кластер тузши</i> <i>Кластер тузши</i> <i>Венн</i> <i>диаграмма</i> <i>Масалалар ечиши</i> <i>Венн</i>	Продуктив Қисман-изланишли Креатив даража

		<i>диаграммаси</i>	
<i>Амалиётга құллаш</i>	<i>Мослаштириши; Қайта ишилаш; Лойихалаш; Моделлаштириши; Қайта айтиб бериш;</i>	<i>Оғзаки жавоб Кластер түзиши Кластер түзиши Кластер түзиши Оғзаки жавоб</i>	Репродуктив Продуктив Қисман-изланишли Креатив даражада
<i>Тәхлил</i>	<i>Таққослаш Қисмларга ажратиши Ажратиб күрсатиши Қиёслаш</i>	<i>Венн диаграммаси Кластер түзиши Кластер түзиши  Венн диаграммасини түзиши</i>	Қисман-изланишли Креатив даражада
<i>Синтез</i>	<i>Гуруұларга ажратиши Умумлаштириши Реконструкция</i>	<i>Кластер түзиши  Венн диаграммасини түзиши Кластер түзиши</i>	Қисман-изланишли Креатив даражада
<i>Холосалаш</i>	<i>Баҳолаш Танқидий фикр юритиши Фикрга қарши фикр билдириши Күллаб-құвватлаш Инкор этиши</i>	<i>Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб  Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб</i>	Репродуктив Продуктив Қисман-изланишли Креатив даражада

5. Машғулот яқунида қүйидаги жадвалга мос идентив үқув мақсадлари шакллантирилиши лозим.

Мавзу: Масофавий таълимни моделлаштириш технологияси.

4 жадвал

Машғулотининг мақсади:
------------------------

Машғулот давомида қүйидаги якуний натижага эришиш назарда тутилмоқда:

Тингловчилар билиши керак:
----------------------------

Тингловчилар тушуниши керак:
------------------------------

Тингловчилар алабалар қўллай олиши керак:
---

Тингловчилар таҳлил қила олиши керак:
Тингловчилар синтезлай олиши керак:
Тингловчилар баҳолай олиши керак:

6. Машғулот учун белгиланган идентив ўқув мақсадлариға талабаларнинг эришилганлик даражасини аниқлаш учун назорат топшириқларини шакллантиринг.

### **Назорат саволлари:**

1. Масофавий таълимнинг мақсади, мазмуни, моҳиятини тушунтиринг.
2. Масофавий таълим моделлари таҳлилини баён қилинг.
3. Масофавий таълимнинг ижтимоий-педагогик тизимини моделлаштириш тизими моҳиятини ёритинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Malcolm, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and Capacity Building for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development no. 531 p.

2. Богатырев, А.И. Теоретические основы педагогического моделирования (сущность и эффективность)[Электронный ресурс] / А.И. Богатырев // Издательский дом «Образование и наука». – Режим доступа: [http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2\\_bogatyrev%20a.i..doc.htm](http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2_bogatyrev%20a.i..doc.htm).

3. Интернет ресурс: <http://www.referat.ru>; [www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru); [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru); [www.inter-nastavnik.iatp.bu](http://www.inter-nastavnik.iatp.bu)

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### КЕЙС: ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК АТАМАЛАР

2015 йилнинг майида “Умумий педагогика” кафедрасида “Замонавий педагогик атамалар” мавзусига бағишлиланган семинар-тренинг ўтказилди. Семинар-тренингда ҳозирги вактда таълим жараёнида кўлланилаётган “лойиҳалаштириш”, “моделлаштириш”, “методика”, “технология”, “педагогик технология”, “ахборот технологияси”, “интерфаол метод”, “стратегия”, “график органайзерлар” каби атамалар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Семинар-тренингда педагогик технологиялар соҳасига доир қатор изланишлар олиб борган мутахассис олимлар таклиф этилди.

Модератор биринчи бўлиб сўз навбатини “методика” ва “технология” тушунчалари моҳиятини аниклаштириб бериш учун педагогика фанлари доктори, профессор Д.Сайфуллаевга берди. Олим ўз нутқида “Методика – қатъий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), илгари ўрнатилган режа (коида), тизимга аниқ риоя қилиш бўлиб, бирор бир ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси”ни, “технология – бу режалаштирилган ўқитиши натижаларига эришиш жараёни тавсифи”ни ифода этади, деган умумий фикрни берди. Шундан сўнг, “Педагогика” кафедраси катта ўқитувчиси М.Алиева Д.Сайфуллаевга шундай савол билан мурожаат этди: “Домла, кечирасиз, сизнингча, методика ва технологиянинг бир-биридан фарқи нимада?”. И.Жўраев қисқа қилиб “Методика ўргатади, технология ўйнатади” деган жавобни берди. М.Алиева жавобни тушунмасдан ҳайрон бўлиб, индамай қўйди. Олим унга “Нега сиз жавобдан қониқмадингизми?” савол назари билан қаради, М.Алиева эса индамади. Кафедра ўқитувчиси Г.Қўлдошева М.Алиевага “Нимага тушунмайсиз, домла айтмоқчиларки, ўқитиши методикаси талабаларни фаоллаштира олмайди, технология эса таълим олувчини фаоллаштириб, ўйин асосида машғулотларни қизиқарли ўтишини таъминлайди” деб тушунтирган бўлди.

Д.Сайфуллаев ўз чиқишини якунлагач, модератор сўзни педагогика фанлари доктори, профессор Н.Абдуллаевага берди ва “замонавий педагогик технологиялар” ҳақида маълумот беришни сўради. Н.Абдуллаева бугунги кунда кўплаб замонавий педагогик технологиялар мавжудлиги, уларга Ақлий ҳужум, Б-Б-Б, каскад, пинборд, кластер, зигзаг, тармоқлар, ўйинли технологиилар кабилар борлигини айтиб, уларга қисқа-қисқа изоҳ берди. Н.Абдуллаева сўзини якунлагач, доцент А.Икромов унга қўйидаги савол билан мурожаат этди: “Устоз, мени бир савол қўп вақтдан бери қизиқтиради: “Технология билан интерактив метод” тушунчаси бир нарсами? Ҳар доим уларни аралаштириб қўллайверамиз, шу тўғрими?”. Н.Абдуллаева саволга қўйидагича жавоб берди: “Сиз манимча, саволни ман юқорида бир нечта технологияни санаб ўтганимдан келиб чиқиб беряпсиз. Уларни “технология” деб айтиш ҳам, “интерфаол методлар” деб номлаш ҳам мумкин” деган жавобни берди. Жавобни эшилгач, А.Икромов “унда бирини қўллайверсак бўлмайдими?” деган савол назари билан қаради. Унга жавобан олима “Истаганигизни ишлатаверинг” деб жавоб берди. Шу билан Н.Абдуллаева ҳам чиқишини якунлади.

Учинчи бўлиб сўз навбати Л.Василжоновага берилди. У “Нутқ сўзлашдан аввал мен сизларни қизиқтирган саволларни эшиитмоқчиман” деган фикр билдириди. Шунда қолганлар индамасдан турганда, А.Икромов “ман савол берсан, майлими?” деб рухсат сўради. Беринг, деган ишора қилингач, у “Мен ҳали профессор Н.Абдуллаевага ҳам шунга ўхшаш саволни бергандим, сизнинг ҳам фикрингизни билмоқчиман: Метод билан технологияни бир-биридан нима фарқи бор? Сизни педагогик технологияга доир китобингизда кейс-стади, ўкув лойиҳаси ҳақида маълумот берилганда, уларга нисбатан ҳам метод, ҳам технология сўzlари қўлланилаверган. Ўзи бу тушунчаларни қандай қўллаш ўринли бўлади?”. Л.Василжонова: “Менимча, сиз Н.Абдуллаеванинг фикрларига яхши эътибор қаратмабсиз, улар бу тушунчаларнинг икаласини ҳам қўллайвериш мумкин, деб айтдилар. Мен сизга осонроқ тушунтириб бераман. Мана эътибор қаратинг: мен ишхонада Василжонова Латофат

Абдурашидовнаман, фарзандим учун онаман, турмуш ўртоғим учун аёлиман, барибир ўша Латофатман” деган жавобни берди. Ҳамма мийиғида кулиб, бирбирига қараб қўйди.

А.Икромов яна савол беришга рухсат сўради. Узр сўраган ҳолда, Л.Василжоновага “Сиз китобингизда график органайзерларни “таълим воситалари” деб бергансиз. Мен бу фикрга қўшилмадим. Чунки биз дидактик воситалар деганда китоб, чизма, расм, жадвал, нутқ, лаборатория жиҳозлари, ўқув қуролларини тушунамиз. График органайзерларни восита деб айтиш тўғрими?” Л.Василжонова саволга қўйидагича жавоб берди: “График органайзерлар тузилишига кўра чизма, жадвал қўринишига эга бўлганлиги учун уларни “восита” деб талқин қилганмиз”. Сўнг А.Икромовга савол билан мурожаат қилди: “Сиз график органайзерларни қандай характерга эга деб ҳисоблайсиз?” А.Икромов “График органайзерларни восита эмас, метод деб қўллаш ўринли бўлади” деган жавобни берди. Унга жавобан Л.Василжонова “Сиз истасангиз шундай қўллашингиз мумкин” деб айтди.

Л.Василжонова чиқишини тугаллаганидан сўнг, модератор умумий тарзда семинар-тренингга якун ясади. Кафедра-ўқитувчиларининг кўпчилиги семинар-тренинг давомида замонавий шароитда кенг қўлланилаётган тушунчалар ҳақида аниқ маълумот олишмаганини ўзаро бир-бирларига секин-секин шивирлаб қўйиши...

**Сиз нима деб ўйлайсиз, семинар-тренинг олдига қўйилган мақсад тўлиқ амалга ошдими? Замонавий таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ҳолда қўлланилаётган тушунчаларнинг моҳияти етарлича аниқлаштирилдими? Сиз мазкур тушунчаларни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз? Семинар-тренингда қайси тушунча моҳиятига умуман эътибор қаратилмади? “Методика” ва “технология” тушунчаларини фарқлашга доир И.Жўраев томонидан берилган жавобга сиз қандай муносабат билдирасиз? Д.Абдуллаеванинг ўз нутқида Ақлий ҳужум, Б-Б-Б, каскад, пинборд кабиларни технология деб ишлатиши тўғрими?**  
**Л.Василжонованинг “метод” ва “технология” тушунчаларига нисбатан**

## айтан фикрини қандай баҳолайсиз? График органайзерларни “таълим воситаси”ми ёки “метод” сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқми?

### **КЕЙС-СТАДИ: ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ**

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бундай долзарб муаммолар сирасига қуидагиларни киритиш мумкин:

1) олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамида Ж.Ғ.Йўлдошев, Н.Н.Азизходжаева, Л.В.Голиш, Ў.Толипов, Н.Сайдахмедов, Б.Зиямуҳаммедов, М.Тожиев<sup>23</sup> каби олимлар томонидан педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, мазкур ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларидағи таълим жараёнини кузатиш профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этишини қўрсатади. Бундай методлар сифатида кластер, Б-Б-Б чизмаси, ақлий ҳужум, “Балиқ скелети” чизмаси, “Қандай? диаграммаси” кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

<sup>23</sup> Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005; Сайдахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003; Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006; Тожиев М., Зиёмуҳаммадов О. Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёниги татбиғи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. – Т.: МО’МТОЗ SO’Z, 2010; Голиш Л.В., Файзулаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. – Т.: ТДИУ, 2010.

2) профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни кўллаш қоидаларига ҳам тўлиқ риоя қилишмаяпти. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олмасдан қўлланилмоқда. Оддий бир мисол: профессор-ўқитувчилар, айниқса, ёш ўқитувчилар деярли ҳар бир машғулотида кластер методини қўллайди. Энг қизиги, мазкур метод орқали ўкув мақсадига эришиш мумкин ёки мумкин эмаслигидан қатъий назар ундан фойдаланиш ҳолати қўп учрайди. Бундан ташқари, уч-тўрт доирани чизиш орқали тармоқлар ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Мазкур метод талабаларнинг маълум бир нарса-ходиса, жараён ёки тушунчага оид фикрларини умумлаштириш, уларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади. Ана шу асосдан келиб чиқсан ҳолда, кластер методидан ўтилган материални мустаҳкамлаш босқичидагина фойдаланиш мумкин. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинчи машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади. Демак, профессор-ўқитувчиларнинг когнитив компетентлигини оширмасдан туриб, интерфаол методларни қўллашда маълум самарадорликка эришиб бўлмайди;

3) олий таълим профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган ва яратилаётган таълим технологиялари таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аксарият профессор-ўқитувчилар ўкув мақсадларини педагогик вазифаларга айлантириш, уни кутиладиган натижага мос ҳолда аниқлаш кўникумасига эга эмасдирлар. Улар томонидан ишлаб чиқилган барча машғулотларнинг технологик ишланмаларида идентив ўкув мақсадларини вазифаларга айлантириш бир хил феъл туркумидаги сўзлар (маълумот бериш, очиб бериш, ёритиб бериш, изоҳлаш кабилар)дан фойдаланилган. Яна-да, аникроқ қилиб айтганда, аксарият профессор-ўқитувчилар таълим технологияларини тайёр намунага ўхшаш тарзда яратганлар. Мазкур ҳолат профессор-ўқитувчиларнинг Блум таксономияси ва шунга ўхшаш

таксономияларни амалиётда қўллаш кўникмаларига эга эмасликларини кўрсатади. Идентив ўкув мақсадларини ўкув вазифаларига айлантириш кўникмасига эга бўлмасдан туриб, машғулот жараёнини мувафақиятли лойиҳалашга эришиш мумкин эмас.

Профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган таълим технологияларида ўкув мақсадини вазифаларга айлантириш, ўкув мақсадига эришиш методларини белгилашда бир хилликка йўл қўйганликларининг яна бир сабаби ўкув-услубий мажмуаларни тўплайдиган мутахассисларнинг андозадан чиқиб кетмасликни қатъий талаб қилишидир. Ҳатто айrim технологик ишланмаларнинг деярли барча мавзуларида бир ёки бир нечта методларнинг қайта-қайта такрорланиши кўзга ташланади. Профессор-ўқитувчилар айнан шу методлардан фойдаланилмаса, улар томонидан яратилган таълим технологиялари қабул қилинмаслигини ҳақидаги фикрни билдиришади. Технологик ишланмаларни яратишни бундай тарздаги талабни қўйиш ҳам технологик жараён қоида ва мезонларига зиддир;

4) олий таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш анъанавий ўқитиши тизимининг муқобили сифатида хизмат қилиши лозим. Чунки барча аудитория машғулотларида интерфаол методларни қўллаш имконияти мавжуд эмас. Олий таълим профессор-ўқитувчиларидан ҳар бир машғулот жараёнида интерфаол методдан фойдаланишини талаб этиш ҳам ўринли бўлмайди. Энг асосийси, технологик ёндашув асосида ўкув машғулотида кутилган натижага эришилиши лозим. Мазкур жараёнда мақсадга эришишга имкон берувчи исталган мақбул методлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, айrim профессор-ўқитувчилар технологик ёндашувни нотўғри талқин этган ҳолда, маъруза машғулотларини талабаларнинг ўзлари томонидан ўтиб берилишини талаб қилишмоқда. Маъруза машғулотига нисбатан бундай ёндашув унинг самарадорлигини таъминлашга тўлиқ хизмат қилмайди. Олий таълимда ўқитишининг асосий шакли сифатида маъruzaga қўйиладиган дидактик ва методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина

самарали амалга ошиши мумкин. Фақат анжуман-маъруза машғулотларини талабаларнинг маърузалари асосида ташкил этиш имконияти мавжуд ва бу соҳада республикамизда катта тажриба тўпланган. Бунда ҳам анжуман-маърузани ташкил этиш ва ўтказиш талабларига риоя қилиниши лозим.

**Сиз нима деб ўйлайсиз, юқорида баён этилган ҳолатда яратилган таълим технологияларини амалиётда қўллаб самарадорликка эришиш мумкинми? Таълим технологияларини яратишида ўқитувчидаги қандай касбий компетентлик шаклланган бўлиши лозим? Таълимни технологизациялашда асосий эътибор нимага қаратилиши зарур? Педагогик вазифалар ва кутиладиган натижаларни аниклаштириш қандай йўл билан амалга оширилиши мақсадга мувофик?**

### **Кейс №2. Семинар машғулотларини ташкил этиш**

Ҳаммамизга яхши маълумки, олий таълимда семинар машғулотлари талабаларда ўрганилган материалларни мустаҳкамлаш, кўникум ва малакаларни таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Семинар машғулотларини ўтказилиш тартибига эътибор қаратайлик. Одатда, семинар машғулотларини ассистент ўқитувчилар олиб боришади. Семинар машғулотларини ҳам ташкил этишида хилмажил ёндашув мавжуд. Баъзи профессор-ўқитувчилар машғулот жараёнида тайёрланиб келган талабалардан сўрайди, уларни баҳолаб қўйиш билан чекланади. Кимдир оммавий тарзда савол-жавоб ўтказиш орқали мақсадга эришишга ҳаракат қиласи. Бироқ рейтинг тизими қоидасига кўра, ҳар бир семинар машғулотида талабаларнинг билимини текшириб, белгиланган мезон доирасида ҳамманинг балл олишига эришиш лозим. Лекин кўпчилик ўқитувчилар бунга эришиш имконияти йўқ, деб ҳисоблашади. Айримлар эса талабалар ёзиб келган конспект ва фаолликларига асосланган ҳолда балл қўйиб бериш мумкин, деб ҳисоблашади.

**Вазиятни баҳолаш учун саволлар:** Семинар машғулотларини ассистент ўқитувчилар самарали ташкил этмоқдалар дейиши мумкинми? Семинар машғулотини ташкил этиш самарадорлигини ошириш учун нима қилиш керак? Семинар машғулотларида кутилган натижага эришиш мақсадида ишни қандай тарзда ташкил

етиш мақсадга мувофиқ? Семинар машғулотларида талабаларнинг ҳаммасини баҳолашга қандай эришиш мумкин?

Вазиятни ўрганиш ва вазиятни баҳолашга доир саволларни таҳлил этиш асосида мавжуд семинар машғулотларини ўтказиш юзасидан SWOT-таҳлилни амалга оширинг.

<b>Strength –</b> <b>кучли томонлар</b>	
<b>Weakness –</b> <b>заиф томонлар</b>	
<b>Opportunities –</b> <b>имкониятлар</b>	
<b>Threats –</b> <b>таҳдидлар</b>	

### **Кейс №3. Ўкув портфолиоси.**

Олий таълим муассасалари олдида турган яна бир муҳим вазифалардан бири талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштиришга барқарор доминантни яратиш, ўзида онгли ва мақсадга йўналтирилган тарзда шахсий сифатларни ривожлантиришдир. Бўлажак педагогларда келажакда рақобатбардош, сафарбар бўлишлари учун уларда мустақилликни шакллантириш жуда муҳим. Айнан талабаларда мустақилликни ривожлантириш, уларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогга “Портфолио” технологияси ёрдам беради. “Портфолио нима?” деган саволга олимлар хилмалил таъриф беришган. Масалан 1) назорат воситаси (И.А. Кныш, И.П. Пастухова); 2) профессор-ўқитувчининг баҳолашга доир фаолияти воситаси (Г.Б. Голуб, О.В. Чуракова); 3) таълим натижаларини белгилаб берувчи муқобил восита ёки технология (Л.Ванюшкина, Т.Г.Новикова, М.А.Пинская, А.С.Прутченков); 4) талабанинг зарур ва истиқболли имконият ва қобилиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини кўрсатиб бериш, шахсий,

касбий ва ижодий салоҳиятини очиб беришнинг объектив ва максимал равиша тўлиқ аниқлаш воситаси(И.А. Кныш, И.П. Пастухова); 5) талабаларнинг фақат ўкув фаолияти натижаларинигина эмас, балки уларнинг мувафақиятига туртки бўлган барча куч ва имкониятларни ҳар томонлама намойиш қилишга доир иш тўплами (И.Альджанова).

Ўқув портфолионинг хилма-хил турлари мавжуд:

1. “Хужжатлар портфолиоси”. Бундай турдаги портфолио индивидуал таълимий муваффақиятларнинг сертификатланган портфели: диплом, фахрий ёрлик, гувоҳнома ва бошқалар.

2. “Ишлар портфолиоси” ўзида турли хил ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқот ишларини акс эттиради: рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон ҳужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий амалиётга доир ҳисоботлар. Мазкур портфолиода талаба мустақил ва гуруҳдошлари билан биргаликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жойланади.

3. “Тақризлар портфолиоси”да талабанинг эришган ютуқларини баҳолашга доир хулосалар, тақризлар, резюмелар, эсселар, тавсиянома ва тавсифномалар тақдим этилади.

4. “Натижалар портфолиоси” белгиланган йўналиш бўйича эгалланувчи талабалар маҳоратини жамлаш учун қўлланилади; талабалар ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишларини ўзида акс эттиради. Натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин. Гуруҳ натижалари портфолиоси ғоясидан “Энг яхши талабалар гуруҳи” конкурсида фойдаланиш мумкин.

5. “Баҳоловчи портфолио” талабаларнинг эгаллаган билим ва қўнималарини назорат қилиш учун йигилади ва турли хилдаги назорат материалларидан ташкил топади: назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кросвордлар ва бошқалар. Баҳоловчи портфолиони педагог мустақил равиша тузиши ва таълим олиш курси тугашигача бўлган вактга мўлжаллаши мумкин.

Хозирги вақтда ўқув портфолиосидан олий таълимда фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Асосан, тилларни ўргатиш жараёнида ўқув портфолиосини қўллашга ҳаракат қилинмоқда.

**Вазиятни баҳолаш учун саволлар:** Сиз нима деб ўйлайсиз, ўқув портфолиосини олий таълим жараёнида қўллаш имконияти борми? Агар қўллаш мумкин бўлса, ўқув портфолиосининг қандай турларидан фойдаланиш мумкин? Ўз фанингиз билан боғлик ҳолда, ўқув портфолиосини қўллаш имкониятлари ҳақида фикр билдира оласизми?

Вазиятни ўрганиш ва вазиятни баҳолашга доир саволларни таҳлил этиш асосида мавжуд ўқув портфолиосидан фойдаланиш юзасидан SWOT-таҳлилни амалга оширинг.

<b>Strength –</b> кучли томонлар	
<b>Weakness –</b> заиф томонлар	
<b>Opportunities –</b> имкониятлар	
<b>Threats –</b> таҳдидлар	

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Ўқитувчини касбга тайёрлаш тизимида педагогик вазиятларни моделлаштириш. Коммуникатив компетентликни ривожлантиришда педагогик вазиятларни моделлаштиришдан фойдаланиш. Педагогик конфликтли вазиятларни моделлаштириш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

#### **1. Педагогик низоларни моделлаштириш**

#### **2. Педагогик низоларни моделлаштириштегинологияси**

3. Тарбия технологияларини моделлаштириш: афзалликлари ва қурайликлари

4. Тарбия жараёнини моделлаштиришнинг аҳамияти

5. Тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологияси.

6. Педагогика ва дидактикада моделлаштириш технологияси

7. Педагогнинг мулоқот жараёнини моделлаштириш

8. Масофавий таълимни моделлаштириш

9. Таълим мазмунини моделлаштириш

10. Ўқув топширикларини моделлаштириш.

11. Касбий компетентлик тузилмасида педагогнинг моделлаштириш фаолияти: моҳияти ва даражалари.

12. Моделлаштиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари ва тамойиллари.

13. Контекстуал таълим.

14. Фреймли ўқитиши.

15. Таълим технологияларини лойиҳалаш ва моделлаштириш.

16. Олий таълим тизимида моделлаштиришнинг ўрни ва имкониятлари.

17. Педагогик моделлаштиришнинг концептуал асослари.

18. Педагогик моделлаштиришнинг шакллари.

19. Педагогик моделлаштиришнинг тамойиллари.

20. Таълим тизимини моделлаштириш.

21. Олий таълим тизимида инновация.

22. Моделлаштиришнинг асосий босқичлари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Педагогика</b>	Педагогика – ёш авлодга таълим-тарбия бериш қонуниятлари ҳақидаги фандир	Design pedagogy is the area of inquiry into processes and tools for design learning and education.
<b>Метод</b>	Метод - энг умумий маънода мақсадга эришиш йўли, усули	Metod - a way of doing something especially a systematic way
<b>Ўқитиш методи</b>	Ўқитиш методлари таълим мақсадига эришишга доир усул ва қоидалар йифиндиси	Teaching metod - the principles and methods of instruction
<b>Абстрактлаш</b>	Мавҳумлаштириш орқали назарий умумлашмалар ҳосил қилишдан иборат таълим методи	Abstraction in its main sense is a conceptual process by which general rules and concepts are derived from the usage and classification of specific examples, literal ("real" or "concrete") signifiers, first principles, or other methods.
<b>Адаптация</b>	Янги меъёр, анъана ва қадриятларни ўзлаштириш ва интериоризацияциялаш жараёни	Training is aimed at employees who are assuming new management functions.
<b>Акмеология</b>	Инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомили ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида ўзидағи энг кучли қобилиятларини намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганадиган фан тармоғи	Acmeology is a new direction of interdisciplinary researches of the person.
<b>Педагогик маҳорат</b>	Педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш,	It is an art of communicating a message

	ҳаракатга келтира олиш, педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези	with impact on audience.
<b>Такт</b>	Такт аҳлоқий тушунча бўлиб, у инсонларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, тартибга солишни талаб этади	Tact is skill teaching general education subject
<b>Педагогик тактика</b>	Педагогик такт - ўқитувчи касбий маҳоратининг асоси бўлиб, ўқувчиларга барча демократик талаблар асосида педагогик таъсир ўtkазиш, мулоқотни инсонпарварлик туйғулари асосида ўрнатиш ўлчови, ўқувчиларда мустақил фикр юритишни ҳамда онгли интизомни таркиб топтириш кўникмаларини ҳосил қилиш шаклидир.	Professional quality of the teacher, with which he, the student applies the most effective means to influence education
<b>Қобилият</b>	Қобилият - одам психикасининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида акс этади	Possession of the qualities required to do something; necessary skill, competence, or power
<b>Коммуникатив қобилият</b>	Ўқитувчининг таълим олувчилар ва жамоа билан педагогик мақсадга қаратилган муносабатни ўрната олиш кўникмаси	Communication skills are the key to developing (and keeping) friendships and to building a strong social support network.
<b>Педагогик артистизм</b>	Педагогик артистизм – педагогик ижодкорликнинг барча босқичларида ўз аксини топувчи воқеликдир.	Pedagogical artistry is the phenomenon functioning with varying degrees of activity in the process of pedagogical creativity

<b>ERASMUS</b>	(European Community Action Scheme for mobility of University students) TEMPUS ва бошқа дастурлари асосида чет элларда тахсил олиш имкониятига эга бўладилар.	(European Community Action Scheme for Mobility of University students) on the basis of the TEMPUS and other programs will have the opportunity to study abroad.
<b>Болонья декларацияси- Bologna Declaration</b>	2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларациясининг имзоланиши. Европа таълим ҳудудини яратилиши. Болонья декларациясига кўра дипломларнинг ўзаро тан олиниши, яъни ўқитиш натижаларини якуний кўрсаткичларнинг ўзаро тан олиниш муддати – 2010 йил деб белгиланган эди.	In 2001, 29 countries of the European education ministers signed the Bologna Declaration. The creation of the European education area. Mutual recognition of diploma according to the Bologna Declaration, the mutual recognition of the final results of the training indicators for the period of 2010 respectively.
<b>Вазият- situation</b>	(ситуация) (кейинги лотинчадаги situation - ахвол) – муайян вазият, ахволни ҳосил қиласиган шарт-шароитлар ва ҳолатлар уюшмаси.	(Situato) (the situation in Latin - the situation) - specific situation, the situation creates the conditions and circumstances of the Association.
<b>Вебинар усули – Webinars method</b>	дарс семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб интерактив имкониятлар) билан жонли олиб борилиши.	Courses, seminars or conferences with the students present at the time audio and video over the Internet (and mentioned in previous posts, many interactive options) to live.

<b>Дастурлаштирилган таълим бериш- Programmed learning</b>	Дастурлаштирилган таълим бериш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намоён қилувчи, ўргатуви дастур ташкил этади. У бутун ўқитиш жараёнини бошқаради.	Learning the basic tasks, the training program. It manages the entire learning process.
<b>Кейс-стади - Case study</b>	(инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш хамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими варианtlарини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услугубидир.	(English Chassis kit, clear the situation, study the field), Casey explained and trained the way of solving the problem formulation and the purpose of his options Search Ref concrete situation, real or artificially created problem-based analysis of the situation of the teaching methods.
<b>Кредит - Credits</b>	Host университетида (қабул қиласидиган университет) мувваффакиятли ўтилган барча фанлар Post – университетда (талабани бошқа OTMга жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур.	Host University (the university) has successfully passed all the subjects of post - university (university students sent OTMG) should be taken into account.
<b>Кредит (Credit)</b>	шартли синов бирлиги бўлиб, талабанинг ўқув фанининг маълум бир қисмини ўтганлиги хақидаги маълумот беради. Ҳар бир ўқув фанига маълум миқдордаги кредит бирликлари ажратилади. Кредит бирликлари сони талабаларнинг меҳнат сарфига мос холда белгиланади	Conditional test unit, students study science in a specific part of the report to the information. Each school science allocate a certain number of credit units. Credit is determined by the number of units according to the students' labor costs.

<b>Модератор moderator</b>	- Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра сухбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.	Checks the validity of the regulations adopted in the development of students' independent thinking and processing skills, knowledge, help to boost activity. Information, seminars, workshops and panel discussions, provide generalizes.
<b>Модули ўқитиш modular training</b>	- ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимиға энг яхши мослашгандир.	Because it is one of the promising systems of education in educational opportunities for recipients of knowledge and creative skills development system is the best fit.
<b>Муаммоли вазият - a problematic situation</b>	Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.	Currently the subject of the situation in this case understood the situation or endanger the future to achieve the objectives.
<b>Муаммоли таълим – problematic training</b>	муаммони ҳал этиш ғояси ётувчи, яхлит тизим. Муаммоли ўқитиш ҳам амалий, ҳам назарий-билиш хусусиятидаги муаммоли вазиятларни ҳал этиш орқали янги билимларни эгаллашга асосланган.	That underlie the idea of solving the problem, a holistic training tizim. Muammoli both practical and theoretical know-featured solution to problematic situations based on new knowledge.
<b>Ривожлантирувчи таълим - developing training</b>	ўқитувчининг асосий вазифаси билиш мустақиллиги ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган, талабаларни	Aimed to improve the ability to learn independence and the role of the teacher, the students' educational activities.

	ўқув фаолиятини ташкиллаштириш ҳисобланади	
<b>Тьютор - Tyutin</b>	( <i>Tutorem</i> -лотинча) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маъруачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.	(Tutored Latin) serves as a mentor coach. In some cases, the report fulfills the role of a link between a teacher and a student. At the same time, by ma'ruachi knowledge and skills acts as an advisor and mentor.
<b>Фасилитатор facilitators</b>	- (инглиз тилида <i>facilitator</i> , латинча <i>facilis</i> —енгил, қулай)- грухлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, грухдаги комуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.	(English .facilitator latinchafacilis lightweight, easy) to assess results of the working groups, such as the development of the group to find a solution to the problem of scientific and other communications functions.

### **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 41-57 p.
2. Alex Moore Teaching and Learning Pedagogy, Curriculum and Culture London and New York. 2012
3. Neil Selwyn Educational and technology key Issues and Debates London 2011.
4. Malcolm, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and Capacity Building for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development no. 5. 31 p.
5. Terhart E. Teacher education in Germany. – Bucharest : UNESCO-CEPES, 2003.
6. Лодатко, Е. А. Моделирование педагогических систем и процессов [Текст] : монография / Е. А. Лодатко. — Славянск : СГПУ, 2010. - 148 с.
7. Богатырев, А.И. Теоретические основы педагогического моделирования (сущность и эффективность) [Электронный ресурс] / А.И. Богатырев // Издательский дом «Образование и наука». – Режим доступа: [http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2\\_bogatyrev%20a.i..doc.htm](http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2_bogatyrev%20a.i..doc.htm).
8. Дахин, А. Н. Педагогическое моделирование [Текст] : монография / А. Н. Дахин. – Новосибирск : Изд-во НИПКиПРО, 2005. – 230 с.

### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.referat.ru>
2. [www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru);
3. [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru)
4. [www.inter-nastavnik.iatp.bu](http://www.inter-nastavnik.iatp.bu)
5. www.tdpu.uz
6. www.pedagog.uz
7. www.Ziyonet.uz
8. www.edu.uz